**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:37.015.31:378(575.1)

**САДРИДДИНОВА ФЕРУЗА МЕЛИЕВНА**

# ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ-ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогика таълимотлар тарихи

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий
даражасини олиш учун ёзилган
**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:** Ҳакимова Муҳаббат Файзиевна
педагогика фанлари доктори, профессор

**Жиззах- 2022**

## МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| **КИРИШ**.......................................................................................... | | 3 |
| **I-БОБ.** | **ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ-ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**................................ | 12 |
| **1.1-§.** | Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш ижтимоий-педагогик муаммо сифатида........................................ | 12 |
| **1.2-§.** | Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг илмий-назарий масалалари............................................................... | 29 |
| **1.3-§.** | Талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг амалиётдаги ҳолати...................................... | 38 |
| | Биринчи боб юзасидан хулосалар.................................................. | 57 |
| **II-БОБ.** | **ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ-ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ** ........................................................................ | 59 |
| **2.1-§.** | Талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини тажрибада ўрганишнинг амалий шарт-шароитлари ...................... | 59 |
| **2.2-§.** | Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённи ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари........................................................................... | 68 |
| **2.3-§.** | Талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг инновацион технологиялари ...................... | 86 |
| | Иккинчи боб юзасидан хулосалар ................................................ | 99 |
| **III-БОБ.** | **ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ-ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ** ................................................................. | 102 |
| **3.1-§.** | Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши................................ | 102 |
| **3.2-§.** | Педагогик тажриба-синов ишларининг натижалари ...................... | 121 |
| | Учинчи боб юзасидан хулосалар.................................................... | 129 |
| | **УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР** .................................... | 132 |
| | **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**...................... | 135 |

# КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда бўлажак мутахассисларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятига қўйиладиган талаблар ортиб, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда сўнгги илмий ютуқлар ва илғор технологиялар амалиётга жорий этилмоқда. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Россия, Жанубий Корея таълим муассасаларида ижодкорликни шакллантириш таълим муассасаси учун касбий фаолиятни интеллектуал ижодий амалга оширишга тайёр бўлган, балки келажакда муаммоларнинг ечимини топиш ва тубдан янги интеллектуал-ижодий ечимларни топишга қодир бўлган, етук рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш технологияларини такомиллаштиришга доир йирик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида талабаларнинг касбий-интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш, таълим жараёнини илғор технологиялар асосида ташкил этиш, касбий ахлоқий муаммоларни ечимларини аниқлаш олий таълим стратегияларини белгилаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шулар билан бирга талабаларни интеллектуал-ижодий қобилиятларини узлуксиз ривожлантириш механизмларини яратиш, илмий ишларга  табақалаштирилган ёндашувни ташкил қилиш, талабалар жамоасида ҳамкорликни шакллантиришнинг кооператив, ўқув-мунозарали ва устувор таълимни шакллантириш, хорижнинг илғор технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини такомиллаштириш бўйича тадқиқот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, олий таълим стратегияларини белгилаш, олий таълимнинг моддий-техника базасини кенгайтиришга доир хорижий давлатлар билан ҳамкорликда қўшма дастурлар асосида факультетлар ташкил этиш, янги таълим парадигмаларга ўтишнинг хуқуқий меъёрий асослари яратилмоқда.

Шу маънода меъёрий ҳужжатларда «Олий таълим қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарорлар қабул қила оладиган кадрларни тайёрлаш, уларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш» устувор вазифалар этиб белгиланди [5]. Бунда педагогика олий таълим муассасаларида педагогика ва психология фанларини ўқитишда бўлажак мутахассисларда яхлит ва тизимли интегратив билим, кўникма, малака ва компетенцияларини шакллантириш ва ушбу билимларини амалий фаолиятга татбиқ этишда уларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари кенгаяди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» [11], 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги [5] Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон«Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» [6], 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида» [7], 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги [8] Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги**. Мазкур тадқиқот иши I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлат ижтимоий ҳуқуқий

маданий маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси**. Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш, уларда касбий, шахсий сифатларни шакллантириш ҳамда ижодий қобилиятларни ривожлантириш муаммолари Р.Х.Джураев [93], У.И.Иноятов [100], Ш.С.Шарипов [152], Б.С.Абдуллаева [46], З.К.Исмоилова [103], Р.Г.Исянов [35], Ш.Э.Курбанов [111], О.А.Қўйсинов [146], Ш.Қ.Мардонов [118], Н.А.Муслимов [122], О.Мусурмонова [121], М.Ф.Ҳакимова [155], Ў.Қ.Толипов [142], Д.О.Химматалиев [143]лар ишларида ўрганилган бўлса, таълим олувчиларнинг қобилиятларини ривожлантиришнинг психологик жиҳатлари М.Г.Давлетшин [91], Э.Ғозиев [154], В.М.Каримова [105], З.Т.Нишонова [124], Б.Р.Қодиров [104] каби психологлар томонидан тадқиқ этилган.

Олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектул-ижодкорлик қобилиятлари ва бўлажак мутахассисларда касбий аҳамиятга эга бўлган муҳим шахсий сифатларнинг шаклланиши ҳамда касбий тайёргарликни оптималлаштириш масалалари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) олимлари А.Н.Леонтьев [112], А.Я.Данилюк [92], В.А.Сластенин [135], В.П.Беспалько [71], А.В.Петровский [127], Е.П.Ильин [99], Л.И.Шрагина [44], И.З.Гликман [86], И.Ф.Исаев [102], Д.В.Ольшанский [125], Л.И.Гриценко [90], М.А.Мефодьева [120], Н.И.Приходько [130], С.Л.Рубинштейн [134],Э.Ф.Зеер [97], Б.М.Теплов [140], В.Д.Шадриков [150]ларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Ривожланган хорижий давлатларда шахснинг касбий-интеллектуал ижодкорлиги асослари M.WBerkowitz [158], E. Durkheim. [161], J.DRussell [165], G. Owens [166], B.FSkinner, [167], L.Kohlberg[164], B Goldschmidt [163], I.H. Fuchs [162], K. Elizabeth [160],L. Botcheva [159] каби педагог-психологларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги**. Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда «Талабаларда ассертив хулқни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари» мавзусидаги (2017-2021 йиллар) илмий-амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш механизмлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш босқичлари имкониятларини педагогик-психологик таҳлил этиш орқали такомиллаштириш;

талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш жараёнини таълимни узлуксизлигини таъминлаш ҳамда шахс индивидуал хусусиятларининг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш асосида такомиллаштириш;

талабаларда интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг педагогик моделини шахс қобилиятларини ривожлантириш технологиясининг методик асоси ва педагогик шарт-шароитининг мантиқий кетма-кетлигига асосида такомиллаштириш;

педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш механизмлари интеллектуал-ижодий қобилият самарадорлигини белгиловчи омилларни ўқув жараёнига қўллаш асосида такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** педагогика олий таълим муассасалари талабаларини интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Жиззах давлат педагогика институти, Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институтларидан жами 512 нафар талабалар иштирок этган.

**Тадқиқотнинг предмети** педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари** Тадқиқот ишини олиб боришда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тестни ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил олган баҳоларни умумлаштириш), таълимга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва адабиётларни ўрганиш, олий таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш методлардан, педагогик тажриба-синов ва математик-статистик таҳлил этиш усулларидан (маълумотларни статистик қайта ишлаш, олинган натижаларни график тасвирлаш) фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш босқичлари педагогик диагностиканинг таққослаш, изоҳлаш, таҳлил қилиш ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш компонентлари имкониятларини адаптив кенгайтириш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш жараёни фанлараро интегратив модулли таълимни узлуксизлигини таъминлаш, шахс фаолияти компонентларига комплекс ёндашувни татбиқ этиш ҳамда шахс индивидуал хусусиятларининг (лаёқат, қобилият, иқтидор, истеъдод, салоҳият) ўзаро алоқадорлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларда интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг педагогик модели шахс қобилиятларини ривожлантириш технологиясининг методик асоси (мазмун, метод, шакл, восита) ва педагогик шарт-шароитининг мотивацион, конструктив, коммуникатив ва ташкилий параметрларининг мантиқий кетма-кетлигига устиворлик бериш орқали такомиллаштирилган;

педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш механизмлари интеллектуал-ижодий қобилият самарадорлигини белгиловчи мотивацион, конструктив, ташкилий ва коммуникатив омилларни ўқув жараёнига эффектив қўллаш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

педагогика олий таълим муассасалари талабаларида интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг ташкилий-методик ва технологик шарт-шароитлари аниқланган;

педагогика олий таълим муассасалари талабаларида интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришга доир медиа тадбир ишланмалари яратилган;

«Умумий педагогика», «Педагогик маҳорат» фанларининг интерактив ўқув-услубий мажмуалари ишлаб чиқилган;

талабаларнинг касбий ўз-ўзини ривожлантириб бориши, бошқариш, назорат қилиш ва баҳолаш, мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантиришнинг муҳим омили сифатидаги мақсади, тамойиллари, мазмуни, методи ва воситалари аниқланган;

«Педагогик маҳорат», «Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини такомиллаштиришнинг назарий-методологик асослари» номли электрон ўқув қўлланмалар нашр этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммога доир фалсафий, методологик, методик, аксиологик, психологик ва педагогик ёндашувлар, педагогика олий таълим муассасалари талабаларида интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришига доир миллий ва хорижий тажрибалар,таълимий-тарбиявий фаолиятининг натижаларидан келиб чиқиб илмий-амалий асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб борувчи илмий-тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ишлари ва тадқиқот тавсифининг миқдор ва сифат

жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш, янги замонавий усуллар билан бойитиш, ўқув-тарбия фаолиятида талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадида педагогик тизимнинг таркибий қисмларини очиб бериш, талабаларнинг ўқув фаолиятида интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожланганлик даражасини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичлари ҳамда тадқиқот муаммосининг ижобий ечимини таъминловчи илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, педагогика олий таълим муассасалари талабаларида интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантириш модели, умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича такомиллаштирилган малака талаблари, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда, олий таълим тизимида тарбиявий соатлар, ахборот соатлари, тадбирларни лойиҳалаштиришда, олий таълим муассасаларида дарслик, ўқув-методик қўлланмаларни тайёрлашда, шунингдек, аудиториядан ташқари машғулотларда фойдаланиш, олий таълим муассасалари ўқитувчилари фойдаланиши мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича олинган тадқиқот натижалар асосида:

педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш босқичлари педагогик диагностиканинг таққослаш, изоҳлаш, таҳлил қилиш ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш компонентлари имкониятларини адаптив кенгайтиришга оид хулоса ва таклифларидан «Педагогик маҳорат» номли

электрон ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон буйруғи, 359-142 рақамли гувоҳнома). Натижада педагогика туркумидаги фанларининг мазмунини бойитишга эришилган;

талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш жараёни фанлараро интегратив модулли таълимни узлуксизлигини таъминлаш, шахс фаолияти компонентларига комплекс ёндашувни татбиқ этиш ҳамда шахс индивидуал хусусиятларининг (лаёқат, қобилият, иқтидор, истеъдод, салоҳият) ўзаро алоқадорлигини таъминлаш асосида такомиллаштиришга доир хулоса ва тавсиялар «Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини такомиллаштиришнинг назарий методологик асослари» номли ҳамда «Педагогик маҳорат» номли электрон ўқув қўлланмалар мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26 октябрдаги 89-03-4202-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришда педагогика назарияси фанини мазмунини бойитиш ва ривожлантиришга хизмат қилган;

талабаларда интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг педагогик модели шахс қобилиятларини ривожлантириш технологиясининг методик асоси (мазмун, метод, шакл, восита) ва педагогик шарт-шароитининг мотивацион, конструктив, коммуникатив ва ташкилий параметрларининг мантиқий кетма-кетлигига устиворлик бериш орқали такомиллаштиришга оид тавсиялар Тошкент, Жиззах ва Қўқон давлат педагогика университетларининг ўқув-тарбия жараёнларига татбиқ этилган (Низомий номидаги ТДПУнинг 2022 йил 11 майдаги 02-07-1284-сонли маълумотномаси). Натижада таълим-тарбия жараёнларида талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг сифат даражасининг ошишига эришилган;

педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш механизмлари интеллектуал-ижодий қобилият самарадорлигини белгиловчи мотивацион, конструктив, ташкилий ва коммуникатив омилларни ўқув жараёнига эффектив қўллашга оид хулоса ва тавсиялардан ПЗ-20170923121 рақамли «Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш» номли грант доирасида белгиланган вазифаларни ҳал этишда фойдаланилган (Низомий номидаги ТДПУнинг 2022 йил 11 майдаги 02-07-1284-сонли маълумотномаси). Натижада, умумкасбий фанлар бўйича семинар ва амалий машғулотларни ташкил этиш самарадорлигини оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси**. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманида жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги**. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 2 та электрон ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган иккита (DGU 10052-сонли, DGU 09092-сонли) гувоҳнома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда жами 14 та мақола, шундан 5 та республика илмий-услубий журналларида, 9 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми**. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 132 саҳифани ташкил этади.

# I-БОБ. ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ-ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

## 1.1-§. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш ижтимоий-педагогик муаммо сифатида

Республикамизда жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида таълим тизими олдида муаммоли вазиятларда ноанъанавий ечимларни ишлаб чиқишга қодир ижодкор шахсларга нисбатан талаб ва эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу эса, мамлакатимизда фан ва техниканинг жадал ривожланиши, ахборотлар оқимининг жадал ўсиши ва мамлакат сиёсати, иқтисодиёт ва маънавий-маърифий ишлардаги туб ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ. Бу борада педагогика олий таълим муассасаларида талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш муаммоси тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Айниқса, олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини юқори даражада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчилик касби энг зарур касблардан бири бўлиб, у ўз моҳиятига кўра мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришда, уларнинг интеллектуал-ижодий салоҳиятининг ўсишида катта ҳисса қўшади.

Ҳар бир инсон гўёки ўз қобилияти, характери, хулқ-атворини жуда яхши биладигандек туюлади, аммо ўзини-ўзи четдан кузатиб туриш имкони бўлганда эди, у ўзини таний олмаган, баъзи фикр ва мулоҳазаларини, ҳатти-ҳаракатларини бемаъни, номақул деб топган бўлар эди. Инсонга табиатан хос бўлган хислатлардан бири шуки, у ўз интеллектуал-ижодий фазилатларини ё бўрттириб ёки камайтириб идрок қилади.

Ҳақиқатдан ҳам, инсоннинг қудрат ва имкониятлари аслида улкан, лекин бу имкониятлар, унда мавжуд бўлган интеллектуал ижодий

фазилатлари куртаклари фақат назарий ва амалий фаолият жараёнидагина ривожлана олади.

Ҳар бир шахс, агар интеллектуал ва ижодий фазилатларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг илмий-назарий асосларини ўрганиб, ўзида етишмаган, яъни керакли бўлган қобилиятларни билган ҳолда астойдил ўз устида ишлаш машаққатидан қочмаса, ўзига керакли қобилиятларни ҳосил қила олади.

Мазкур тадқиқот ишимизда шахснинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини шакллантиришнинг ўзига хос бўлган бутун бир тизимининг илмий-назарий масалалари ҳақида сўз юритилади. Ижодкорлик жараёни таркибини ташкил этувчи – истеъдод, фикрлаш, қобилият, талант, даҳолик каби тушунчалар ва уларни ривожлантириш усуллари? шарт-шароитлари ҳамда бошқа кўплаб масалалар қадим-қадимдан социологлар, файласуфлар, физиологлар, руҳшунослар ва педагоглар диққатини тортиб келган.

Ижодкорлик жараёнини ўрганиш, амалга оширилган мазкур тадқиқотларда интеллектуал-ижодкорликни сифатли янги моддий ва маънавий бойлик яратиш билан боғлиқ инсонлар фаолиятининг аниқ ва юқори даражадаги ўзгариш жараёни сифатида талқин қиладилар[38; 62; 122].

Ижодкорликнинг ўзига хослигини психологлар, унда тадқиқот тавсифидаги фаолиятга шахснинг барча руҳий ҳолати ва жараёни сафарбар қилиниши ҳамда унинг ҳаётий фаолият жараёнлари, қўйилган масалани ижобий ҳал қилишга ва ечишга бўйсундирилади деб таъкидлайдилар, шу билан бирга ижодкорлик кўр-кўрона такрорланувчи фаолият бўлиб қолмасдан, у инсоннинг тафаккури фаоллиги маҳсулдорлигининг кўриниши ёки юзага чиқиши деб таъкидлашади [91; 154; 77]

Бизнинг назаримизда, ижодкорлик мазмунини талабаларга нисбатан таърифлаганда, шахснинг ижодкорлик имкониятларини ривожлантириш биринчи ўринга чиқади. Аммо, бу охирги натижа эмас, унинг навбатдаги муҳим ва ўзига хос томонларидан бири жамият аҳамиятига эга бўлган замонавий мутахассисларни тайёрлаш ва ўқув жараёнида талабалар

ижодкорлигини юқори даражада шакллантириб, ўқитувчилар жамоаси ҳамкорлигида ва раҳбарлигида аниқ ва мукаммал муаммоларни ҳал қилиш билан ҳам, иқтисодий самарали ва педагогик натижага эришиш бўлиб ҳисобланиши зарур. Шу жиҳатларга эътибор қаратилгандагина олий таълим муассасаси талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятлари ривожланиб, уларнинг ўқув жараёнида олган билимлари ҳар томонлама чуқур ва мустаҳкам бўлиб, юқори босқичга кўтарила олади.

**«Ижодкорлик»** ва **«ижодкорлик жараёни»** тушунчалари мажмуавий тушунчалар ҳисобланади ҳамда улар «интеллектуал-ижодий фикрлаш», «интеллектуал-ижодий фазилат», «ижодкорлик фаолияти» ва бошқа тушунчаларни кенг қамраб олади [24; 414-417]. Аммо, ҳар қандай ижодкорлик жараёни интеллектуал-ижодий қобилиятга таянади. Унга кўра, уни ўраб турган муҳит инсонга ижобий таъсир кўрсатиб, уни аниқ, жонли фикрлашга ундайди, яъни у ҳар хил муҳитдан ўтиб синаётган нурга ўхшаб, инсон фаолияти турлари орқали ўтиб синади, бу эса, уларни махсус илмий билимлар кўламида изланишлар олиб боришга йўналтирилтиради.

Ижодкорлик мавжуд умумий қонуниятларни очиб берувчи нуқтаи-назардан олиб қараганда, бизни ўраб турган дунё (табиат)нинг объектив қонуниятларини очиб берувчи даҳонинг сермаҳсул фикрлаши билан мавжуд умумий қонуниятларни ўз онгида ўзи учун кашф қилаётган талабанинг сермаҳсул фикрлаши орасида фарқ йўқ. Аммо, уларнинг фикрлаш фаолиятлари савиясига мос ҳолда билиш ва изланиш шароити ҳам турли хил бўлади.

Шу билан бир пайтда, психологлар, педагоглар интеллектуал-ижодий қобилият асосини ўзига хос фикрнинг пайдо бўлишидан эмас, балки унинг умумий хусусиятларидан ҳисобланган энг зарурий ташкил этувчиси бўлган ижодкорликка мойилликдан излаш керак деб ҳисоблайдилар ҳамда интеллектуал- ижодий қобилият қоидадан ташқари нарса сифатида эмас, балки, кўпроқ маълум қоида деб қарашни тавсия этадилар. Уларнинг фикрига кўра, қўйилган муаммонинг муваффақиятли ечилиши шахснинг

интеллектуал-ижодий қобилиятини таъминловчи иш тажрибаси бўлиб ҳисобланади. Оммавий билимлари ва эсда қолган нарсаларини хотирада қайта тиклай олиш характерига боғлиқ деб кўрсатадилар [93; 97; 103].

Психолог ва педагог тадқиқотчилар Ю.К.Бабанский [69], М.Давлетшин [91], С.Л.Рубинштейн [134], А.К.Маркова [119], Л.С.Виготский [77]лар ўз тадқиқотларида интеллектуал-ижодий қобилият туғма ёки уни ўргатиш жараёнида шакллантириладими? деган савол тўғрисида қайта-қайта сўз юритишади ва қобилиятнинг бир қисмини бошқа бировдан фарқ қилувчи маълум бир интеллектуал руҳий хусусияти деб ёки фазилатни одамдаги захиравий билим ва кўникмалар эмас, аксинча, уларни уддабуронлик ва тезкорлик билан ўзлаштириб, эгаллаб олиш сифатида изоҳлайдилар. Уларнинг фикрига кўра, инсоннинг интеллектуал-ижодий қобилияти нафақат намоён бўлади ва ҳатто, уларнинг фаолиятларида ҳам шаклланиб боради. Бундан ҳар қандай нормал инсоннинг интеллектуал-ижодий қобилиятини машқ қилдириш ва шакллантириш мумкин деган, қарорга келиш ҳам мумкин.

Бирор интеллектуал-ижодий фаолият билан машғул бўлиш фазилати (анатомик-физиологик имконият) ҳар бир шахсда мавжуд бўлади. Дунёда ҳеч қандай ижодкорлик қобилиятига эга бўлмаган инсоннинг ўзи йўқ.

Унда инсоннинг интеллектуал-ижодий қобилиятга лаёқатини белгиловчи «куртаклар» нима ўзи? деган савол туғилиши табиийдир. Масалан, нафас олиш йўлларининг тузилиши, овоз пардаларининг жарангдорлиги, қўшиқ айтишга, сухандонликка бўлган қобилиятларнинг шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Чуқур таҳлил ва тафаккур қилиш лаёқати, кучли хотира, интеллектуал-ижодий қобилиятларнинг шаклланиши ва ривожланишида катта аҳамиятга эга, лекин буларни ҳали ижодкорлик қобилияти дея олмаймиз, балки улар туғма имкониятлар холос.

Ҳар бир инсонда истеъдод куртагининг гуркираб ўсиши учун унга мос тушувчи маълум бир иш фаолияти ва унга мувофиқ тарзда шарт-шароит бўлиши зарурдир. Буларсиз ҳар қандай зўр истеъдод куртаги ҳам ривожлана олмаслиги маълум. Масалан, машҳур композитор Моцарт 4 ёшида клавесин

чалиб, 5 ёшида музика яратган, буюк мутаффаккир Алишер Навоий ҳазратлари Фаридидин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарини ўқиб ёд олган вақтларида 20 ёшга ҳам тўлмаган эди. У 12 ёшида биргина байти «Оразин ёпқоч ...» радифли ғазали билан замонасининг «Малик ул каломи» (сўз подшоси), Носириддин Лутфуллоҳ Лутфийдек инсонни лол қолдирган, С.Марчелян талабалик чоғидаёқ физика-математика фанлари доктори бўлган бўлса, Е.И.Гусева аввал шароити бўлмаганлиги сабабли 40 ёшида саводини чиқариб, 73 ёшида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган, Жемс Уатт, Ж.Свифт, К.Гаусслар «Мактабнинг ўгай ўғиллари» бўлиб, лаёқатсиз болалар қаторида бўлган. Ньютон мактабда физика ва математикадан жуда нўноқ бўлган. Карл Линнейдан эса, этикдўзгина чиқиши мумкин деб ҳисоблашган, Гельмгольцни салкам ақли заифга чиқаришган, Вольтер Скоттни университет профессори: «У аҳмоқ аҳмоқликдан ўнмай кетади»-деган.

Бизнингча, бу каби мисоллар инсонларда интеллектуал-ижодий қобилиятларнинг ривожланишини турли сабаблар вақтинчалик тўхтатиб қўйиши мумкинлигини кўрсатади. Бундан аввал таъкидлаганимиз киши табиатан қанчалик кучли ва унда ижодкорлик фазилати куртагига эга бўлиб туғилмасин, агар у қулай шароитда бўлмаса унинг ривожланиши қийин деган хулосага келиш мумкин.

Демак, ижодкорлик қобилиятининг тўғри камол топишида унга мос шарт-шароит яратувчи педагогик тарбиянинг роли ниҳоятда катта аҳамиятга эга, педагогика олий таълим муассасалари шароитида тарбиянинг бу тури талаба-ёшларни ҳар томонлама мукаммал текшириш ва ўрганишга қаратилиши талаб этилади. Шу маънода талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини шакллантириш муаммоси мураккаб ва кўп қиррали жараёндир, уни ҳал этиш ижодкор шахснинг бир қатор фазилатлари ва интеллектуал-ижодий жараёнининг ўзига хос ва муҳим хусусиятларини ҳисобга олишни тақозо этади. Шахснинг интеллектуал-ижодий фазилатлари қуйидагиларни ўзида мужассамлайди (1.1-расм).




**1.1-расм. Шахснинг интеллектуал-ижодий фазилатлари**

Бугунги кунда талабалар интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у субъектив тавсифга эга бўлганлиги учун ҳам бошқа қобилиятлар сингари ўқув фаолияти давомида бошқарилади ҳамда ривожланади. Демак, бу фаолиятда олий таълим муассасалари педагогларининг асосий вазифаси, талабаларнинг ижодкорлик ишларини ташкил этиш шаклларини, услуб ва воситаларини излаб топиш ва амалга ошириш ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ва ижодкорлик масалалари ечимини тўғри асослаш: билишга қизиқиш ҳамда қобилиятларни шакллантириш, умумлашган ўқув ва амалий кўникма ҳамда малакаларни ҳосил қилиш, чуқур ва мустаҳкам билимларни, ҳодисаларни тушунтириш учун қўллай билиш орқали талабаларнинг фаоллиги, фикрлаши ва мустақиллигини максимал даражада ривожлантиришнинг ташкилий педагогик асосларини назарда тутади деб таърифладик (1.2-расм).

Талабаларда назарий ва амалий фикрлашни мужассамлайдиган, назарий хулосаларни мужассамлаштиришга таянадиган, ҳам интеллектуал-

ижодий қобилиятларини шакллантириш механизмлари умумий ҳолда: илгари бажарилган назарий ёки амалий текширишларга (аммо ўзида янги ғояларни ифодалаган) таянадиган ишчи фаразни ва текшириш услубини ишлаб чиқиш; текшириш мақсадини аниқ ифодалаш; унинг мантиқий кетма-кетлигини аниқлаш; ишлаб чиқилган услуб ва режага мос ҳолда хусусий текширишларни ўтказиш; олинган натижаларнинг таҳлили ва хулосаларни ифодалашдан иборат.




**1.2-расм. Ижодкорлик жараёнининг ўзига хос муҳим таркибий хусусиятлари**

Талабаларнинг интеллектуал-ижодкорлик фаолиятида мазкур босқичларнинг ҳаммасини мустақил бажарилишини улардан талаб қилиб бўлмайди. Аммо, олий таълим муассасаларида ўтиладиган фанларни чуқур ўрганишлари орқали уларни илмий текшириш таркиби билан таништириш, илмий текширишлар мантиғини очиб бериш, олимлар у ёки бу кашфиётларга қандай эришганликларини, қандай услублар уларни ечимга ундаганликлари сабабини очиб бериш ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини шакллантиришнинг қуйидаги тўртта йўлини алоҳида кўрсатиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1.Қарама-қаршиликлар сабабини ўрганиш ҳамда уни ҳал этишни тўғри шакллантириш;

2.Ишчи фаразни таърифлашга, якуний ечим йўлини қидиришга, текшириш учун режасини тузишга ҳамда текшириш услубини ишлаб чиқишга жалб қилиш;

3.Сабаб ва оқибат боғланишларини аниқлашга, идеал моделлар билан ишлашга жалб қилиш;

4.Талабаларда индукция ва дедукция бўйича хулоса чиқариш қобилиятини ҳосил қилишдан иборат.

Шу билан бирга, интеллектуал-ижодий фазилатлар: нотиқлик, саводхонлик, зеҳнлилик, бамаънилик, хотиржамлик, лўндалик, қизиқувчанлик, ишқибозлик каби яна бир қанча ҳолатларни ўзида мужассамлайди.

Илмий манбаларда **«қобилият»**, **«иқтидор»**, **«истеъдод»** ва **«салоҳият»** тушунчалари гарчи, ягона негизга эга бўлсада, бироқ, улар турли даражадаги хусусиятларни ифодалаши алоҳида таъкидлаб ўтилади. Жумладан, қобилият «шахснинг муайян фаолияти юзасидан лаёқати ва унинг ишни муваффақиятли бажаришидаги ўзига хос имкониятларни ифодаловчи руҳий хусусиятлари», «шахснинг маълум фаолиятидаги муваффақиятларини ва осонлик билан бирор фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусиятлар» сифатида эътироф этилса, иқтидор – «инсоннинг ўз ҳатти-ҳаракатларига нисбатан субъектив муносабати» дея талқин этилади [116; 48; 82].

Тадқиқот муаммосига оид биз томонимиздан ўрганилган манбаларда шахснинг ўзгалардан фарқли хусусиятларини англатишга хизмат қилувчи индивидуал хусусиятларга эгалик турли даражада бўлишига ҳамда

даражасига кўра шахсга муайян нисбатлар берилишига алоҳида эътибор қаратилади (1.1-жадвал).

**1.1-жадвал**

**Шахс индивидуал хусусиятларининг эгалик даражаси**

| **Индивид психологик хусусият** | **Намоён бўлиш даражаси ёки ҳолати** | **Хусусият эгасининг мақоми** | **Шахснинг хатти- ҳаракатлари** |
|---|---|---|---|
| **Лаёқат** | Муайян иш-ҳаракатни бажара олиш ёки ташкиллаштира билиш. | Лаёқатли маълум | Маълум хатти-ҳаракатни бажариш ҳамда фаолиятни ташкиллаштириш даврида самарадорликка эришиш мумкинлиги ҳақида қисман бўлса-да, ўйлаб кўради. Бироқ ўзгалардан фарқли равишда бу жараённи тезкор, сифатли бажариш ёки юқори натижаларга эришиш имкониятига эга бўлмай, умумий натижаларгагина эришади. |
| **Қобилият** | Туғма бўлиб, муайян йўналиш-ларда фаолиятни ташкил этиш ёки хатти- ҳаракат-ларни оширишга дадил киришади, ўзига нисбатан ишончи мавжуд. | Қобилиятли | Маълум фаолиятни етиш ёки хатти-ҳаракатни ҳам бажаришда бошқаларга нисбатан самарали, уларга нисбатан кам вақт сарфлайди. Билим олиш, малака ҳосил қилиш орқали қобилиятини такомиллаштириб боради. |
| **Иқтидор** | Шахснинг ўз хулқи қилмишларига нисбатан ҳақ эканлигига комил ишончи қатъийлиги натижасида намоён бўлади. | Иқтидорли | Бирор соҳа бўйича лаёқатини онгли равишда сезган одам ўзидаги қобилиятини тўла намоён қилиш учун қатъият кўрсатади. Куч-кувватини аямайди ва кутилган натижасига – мақсадига ётади, яъни ўзини кўрсата билади мардлик, чидамлилик, ўз-ўзини бошқара олиш, ташаббускорлик каби хислат ва фазилатларга эга бўлишади, ўз хатти ҳаракатларига ҳамиша танқидий кўз билан қарайдилар, доимо олға интиладилар, эришган самаралари билан чекланиб қолмайдилар. |
| **Истеъдод** | Ҳар томонлама ривожланган, ниҳоятда кучли ва такрорланмас, ноёб қобилият сифатида намоён бўлади, интеллектуал билим ва малакага таянади. | Истеъдодли | Кам жисмоний куч ва вақт сарфлаб юқори натижага эриша олади, ўз олдига қўйган максадга тез ва кутилганидан аъло натижаларни қўлга киритган ҳолда эришади. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Салоҳият** | Бирор-бир фаолият ёки хатти-ҳаракатни бажа-ришга нисбатан уқувли бўлиш, уларнинг «таянч нуқталари»ни топиш асосида тезкор бажариш. | Салоҳиятли | Бирор-бир фаолият ёки хатти-ҳаракатни бажаришга нисбатан масъулиятли ёндашади, уларнинг муҳим иккинчи даражали қисмларга ажратади, муҳимдан бошлаб, иккинчи даражали қисмларни бажариш асосида вақтни нисбатан тежашга муваффақ бўлади. |

Тадқиқотнинг асосий тушунчаси бўлган «қобилият» атамаси ҳамда у билан синоним сифатида қўлланилувчи «иқтидор», «истеъдод», «салоҳият» тушунчаларининг моҳияти мавжуд манбаларда турлича ифодаланса-да, бироқ, улар орасида ўзаро ўхшашликлар ҳам мавжуд. Чунончи, шахснинг ҳар қандай ўзига хос хусусиятлари туғма бўлиб, бу унинг жуда ёшлиқданоқ намоён бўлади. Қобилият, истеъдод, иқтидор ва салоҳият ҳам зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлган шароитдагина ривожланади. Бу бир сифат босқичидан иккинчи сифат босқичига ўтади; индивидуал ёндашув, доимий ўқиб-ўрганиш ва ҳаракат уларни янада ривожлантиришга ёрдам беради; фаолиятдаги муайян тўхталиш ва танаффуслар бу каби хусусиятларнинг ўз-ўзидан барҳам топишига сабаб бўлади.

Касбий тарбияланганлик ва таълим-тарбия масалаларининг узоқ тарихий илдизлари Шарқнинг буюк мутафаккирлари Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний асарларида ҳам акс этган. Мутафаккирларнинг тарихий асарларида касб-ҳунарга йўналтирилганлик ғояларининг жамият тараққиётидаги аҳамияти ва муҳимлиги масалалари ҳақида кўплаб фикр-мулоҳазалар баён этилган [152].

Бўлажак ўқитувчиларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини шакллантириш, уларни касбга йўналтиришнинг психологик асослари ҳақида Н.Ф.Талызина [139], М.Давлетшин [91], Л.С.Выготский [79] ва бошқалар ўзларининг илмий ишларида эътиборга молик фикрларни илгари суришган. Мамлакатимиз педагог олимларидан Ш.Мардонов [118], Н.Муслимов [122], Ў.Толипов [142], У.Иноятов [100], З.Исмаилова [103], Р.Исянов [35], Ш.Шарипов [152], Д.Химматалиев [143], Ж.Ҳамидов [157]лар илмий-

тадқиқотларида бўлажак ўқитувчиларда касбий билим ва малакаларни шакллантириш, малакали кадрлар тайёрлаш масаласини илмий-услубий жиҳатдан таҳлил этишган.

Педагогик фаолиятнинг интеллектуал-ижодий характери бўйича тадқиқотлар ўтмишнинг буюк педагоглари А.Дестервег, Ж.А.Сомениус, И.Г.Песталоцци, К.Д.Ушинский, етакчи миллий педагог ва психологлардан П.Блонский, В.А.Сухомлинский, С.Т.Шацкий, В.А.Гоноболин, Крутецкий, Н.Д.Левитов, М.Н.Скаткин, А.И.Шчербаковлар томонидан катта тажрибалар тўпланган. Ушбу педагогларнинг қарашларига кўра педагогик қобилиятлар орасида албатта мустақил, ижодий ва интеллектуал фикр юритиш, педагогик тасаввурга эга бўлиш алоҳида ўрин тутади [109; 20-б.].

Педагогик ва психологик тадқиқотларда бир неча ўн йиллар давомида педагогик ижодкорлик тушунчаси таҳлил қилинмоқда. Ижоднинг бошқа илмий, бадиий, техник турлари билан кўп умумийликка эга бўлган педагогик ижод муайян ўзига хосликка эга. Педагогик ижоднинг моҳияти ва хусусиятларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар Ю.П.Азаров, Н.Ф.Гоноболин, В.И.Загвязинский, Н.С.Зайцев, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузьмина, И.П.Никандров, А.И.Шчербаков ва бошқаларнинг ишларида тадқиқ этилган [75].

Педагогик тадқиқотларда ижоднинг бошқа турлари билан бир қаторда унинг бир қанча даражалари мавжуд: 1) бошқа етакчи ўқитувчилар тажрибасига асосланилган гуруҳлар билан ўзаро муносабатлар; 2) гуруҳдаги фаолиятни муқобиллаштириш даражаси; 3) профессор-ўқитувчиларнинг мустақиллиги.

Ҳозирги замон педагогика фанида ўқитувчиларнинг ижодкорлик ва интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш муаммолари айниқса долзарблик касб этмоқда. Бу эса, таълим соҳасидаги туб ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ. Бу борада шахсий йўналтирилган таълимга ўтиш давом этмоқда. Бунда, ўсиб бораётган эҳтиёжлар, билим, қизиқишлар ва қобилиятлар ривожланаётган шахснинг барча таълим-тарбия ишларининг

марказига қўйилади. Ўқитувчи ва талабага таълим-тарбия ишларининг йўналишлари, дастурлари ва усулларини танлаш имконияти берилади. Шу билан бирга ҳозирги кунда таълимнинг ривожлантирувчи функцияси биринчи ўринга чиқди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, талаба-ёшларнинг қобилиятларини ривожлантириш бўлажак мутахассисларнинг интеллектуал-ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим шарти сифатида аҳамиятга эга. Шу муносабат билан олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини аниқлашда маънавият, ижодкорлик ва инновацияларга кучли эътибор берилаяпти [21; 19-б.].

Бугунги глобаллашув шароитида ўқитувчиларнинг фаолияти педагогик ижодкорликнинг энг юқори даражасига жавоб бериши зарур. Бу борада Россиялик олимларнинг педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг касбий интеллектуал-ижодий фаолиятга тайёрлашнинг назарий асосларига бағишланган В.И.Андреев, Ю.К.Бабанский, В.В.Краевский ва В.А.Сластенинларнинг бир қанча тадқиқот ишлари аҳамиятга молик.

Маълумки, ҳозирги шароитда ҳар қандай интеллектуал-ижодий қобилиятларни мақсадли ривожлантириш ўқув фаолияти давомида амалга оширилади, шунинг учун унга алоҳида эътибор қаратилади. Инсоннинг интеллектуал-ижодий қобилиятлари хусусиятларига бир неча ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар:

1) интеллектуал-ижодий қобилият умумий ақлий қобилиятнинг таркибий қисми ҳисобланади;

2) интеллектуал-ижодий қобилият ва ҳатти-ҳаракатларни аниқлашда асосий мотивлар, қадрият ва шахсий хусусиятларнинг ўз ўрни мавжудлиги;

3) интеллектуал-ижодий қобилияти, мустақил омил ва мустақил ақлнинг аҳамиятлилиги;

4) синтетик тушунчалар. [27; 87; 89; 72; 129; 119].

Ҳар бир ёндашув ўз хусусиятлари ва тарафдорларига эга бўлиб, ижод мустақил равишда ақлнинг таркибий қисми сифатида мавжуд деб фараз

қиладиган бўлсак, социологлар ва биологлар интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантириш имконияти ҳақида етарлича баҳс-мунозараларни юритадилар. Бир томондан, А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубинштейн, Б.М.Тепловнинг қобилиятлари назарияси бўйича фундаментал тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, Б.Д. Шариков интеллектуал-ижодий турли тушунчаларни биринчи даражага қўяди [37; 53-б.].

Бошқа томондан, бўлажак мутахассисларда интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантириш муаммоси етакчи олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу тадқиқотларда ўқув жараёнида талабалар гуруҳининг, шу жумладан, педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг назарий асосларининг педагогик омиллари, қонунлари ва тамойиллари очиб берилган [60; 64; 105; 117;131; 136].

Хорижлик олимлар томонидан ишлаб чиқилган психологик-педагогик ва илмий адабиётларда мавжуд бўлган қарашлар талабаларда интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантириш бўйича амалий аҳамиятга эгадир. Бу муаммонинг илмий-тадқиқот моделларини ўрганиш унинг моделини ривожлантириш учун интеллектуал-ижодий қобилият дастурларини ва технологияларини ривожлантириш қобилияти ҳамда эвристик тизим кабилар [135; 145;162; 164].

Бугунги кунга қадар талабаларда интеллектуал-ижодий қобилият ва уларни ривожлантириш бўйича қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган бўлсада, ушбу умумий назарий тушунчаларни олий таълим муассасасининг ўқув фаолиятида амалга оширишда муайян қийинчиликлар ва муаммолар мавжуд. Интеллектуал-ижодий қобилиятлар ва уларни ривожлантириш имкониятлари тушунчасига асосий ёндашувни дастлаб танлаш қийин, чунки ишлаб чиқилган моделлар, дастурлар, технологиялар ва тизимларни амалга ошириш, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ёки глобал табиати билан янги таълим тури сифатида мураккаблашади. Ўқув фаолиятида шахснинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини

ривожлантириш жараёнининг назарий асосларини амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитлари биз томонимиздан ўрганилган адабиётларда батафсил келтирилмаган.

Бўлажак ўқитувчининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш заруриятини асослаш ва уларнинг қобилиятларини ривожлантириш жараёнини амалга оширишда педагогик шартларнинг ноаниқлиги ўртасидаги маълум зиддиятлар мавжуд. Тадқиқотларда келтириб ўтилган мазкур зиддиятлар тадқиқот ишимизнинг вазифаларини шакллантиришга асос бўлди, яъни бу таълим жараёнида талабалар интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш самарадорлигини таъминловчи педагогик шарт-шароитларни ишлаб чиқишни мажбурий эканлигини кўрсатди.

Инсоннинг етакчи хусусияти сифатида унинг йўналганлиги тушунилади. Бу барқарор шахсий мотивлар (қадрият йўналишлари, эҳтиёжлари, идеаллари, дунёқараши ва мақсадлари) тизими ҳисобланади. Шахснинг йўналганлиги доимо ижтимоий белгиланади ҳамда таълим орқали шаклланади.

Умуман олганда, шахс бир бутун тизим сифатида ривожланади яъни, шахсий ривожланиш ташқи ва ички шароитлар билан белгиланади, ички шароит- физиологик ва биокимёвий, ташқи шароит эса, жамиятдир. Шундай қилиб, ирсият, муҳит, тарбия шахс ривожланишининг асосий омиллари бўлиб ҳисобланади. Бу омиллар биргаликда ишлайди, шахсий ривожланиш даражаси ва суръати уларнинг изчиллиги орқали белгиланади.

Бизнингча, қобилият умумий психологик тушунчалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда қобилиятларнинг турли хусусиятларга асосланган таснифлари мавжуд бўлиб, уларни қуйида келтирамиз:

амалга ошириш бўйича: потенциал (муайян фаолият турида амалга оширилмайди, лекин ижтимоий шароитлар ўзгарганда янгиланиши мумкин), ҳақиқий (маълум бир фаолиятда ишлаб чиқилади ва амалга оширилади);

руҳий жараёнлар ҳақида: фикрлаш, идрок, диққат, хотира ва бошқалар;

фаолиятга нисбатан: умумий қобилият (қулайлик ва фаолиятнинг турли хил ўзлаштириш унумдорлигини таъминлаш), махсус қобилият (фаолиятнинг маълум бир тури билан боғлиқ);

психиканинг вазифалари ҳақида: коммуникатив, тартибга солувчи, когнитив.

Юқорида айтиб ўтилганидек, қобилиятларнинг маҳсулдорлиги маълум фаолият турига нисбатан аниқланади. Шунингдек, талабаларда интеллектуал-ижодий қобилиятларни намоён қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Педагогик тадқиқотларда ижодкорлик муаммолари бўйича назарий ва амалий характердаги қатор материаллар тўпланган бўлиб, биз ўрганган адабиётларда асосий эътибор ижодкорликнинг процессуал томонига қаратилади.

Хорижий олимлар XX асрнинг бошларида интеллектуал-ижодий жараён босқичларининг турли тармоқларида салмоқли ўрин эгаллаганлигини кўрсатишади. Процессуал ёндашув тарафдорлари ҳам интеллектуал-ижодий муаммолар жараёнини ўрганишган.

С.Л.Рубинштейн муаммоларни ҳал қилишда руҳий изланишнинг аналитик ва синтетик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини алоҳида таъкидлайди: муаммо шартларининг таҳлили уларнинг талаб билан боғлиқлигининг синтетик акти орқали амалга оширилади [134].

А.Н. Леонтьевнинг фикрига кўра, интеллектуал-ижодий муаммони ҳал қилиш жараёни икки босқичга эга: биринчи босқич етарли тамойил ва ҳал қилиш усулини топади; иккинчи босқич эса, бу тамойилни текшириш ва ўзгартириш билан боғлиқ муаммо бўлиб ҳисобланади [112].

П.Я.Галперин интеллектуал-ижодий қобилиятнинг ривожланиш шарт-шароитларини ўрганишга алоҳида қизиқиш уйғотувчи маҳсулдор вазифалардаги ечимларни очиб беришга ҳаракат қилади [83].

А.Б.Коваленко ўз тадқиқотларида интеллектуал-ижодий вазифаларни тушуниш жараёнининг хусусиятларини ўрганиш, ижодий вазифани тушуниш

жараёнида объектив (вазифаларни тақдим этишнинг ахборот шакли миқдори, мураккаблик даражаси) ва субъектив (билим даражаси, мотивлар) омиллар таъсирини ўрганиш ва мавзуни билиш даражасига қараб вазифани тушунишнинг турларини танлаш зарурлигини алоҳида таъкидлайди.

Г.С.Алтшуллер интеллектуал-ижодий ихтирочилик фаолиятининг тубдан янги кўринишини тақдим этди. У ихтирони техник зиддиятни бартараф этиш усули деб ҳисоблайди [60]. Ушбу мақсадлар учун тадқиқотчи зиддиятларни очиш ва бартараф этиш мақсадида тегишли тизим ишлаб чиқди, унинг асосида ихтирочилик муаммоларини ҳал қилиш алгоритмини тузиб чиқди. Олимлар томонидан ишлаб чиқилган қоидалар ихтирочилик фаолияти учун энг замонавий ўқув дастурларининг асосини ташкил этди.

Бизнинг тадқиқотимиз таҳлиллари асосида бугунги кунда ижод тушунчаси ҳам жуда кўп қиррали эканлигини алоҳида англаймиз. Бу борада турли хил шарҳлар мавжуд, биз улардан баъзиларига тўхталдик, уларни таснифлашга эришдик. А.З.Рахимов ижод моҳиятини тушунишни акс эттирувчи энг асосий семантик бирикмаларни аниқлади ва кейинчалик уларни шартли равишда тўртта тематик гуруҳга бўлди. И.А.Шаршов эса бу таснифни 10 таасосий гуруҳга кенгайтирди, яъни: ижод мезони сифатида янгиликка таяниш; онгсиз нуқтаи назардан ижодкорлик; ижодкорнинг ўзига хос фазилатларини ҳисобга олиш; ижод жараён сифатида натижага йўналтириш, ижоднинг «сўнгги маҳсули»; ижод фаолият сифатида ижод даражаларини аниқлаш; интеллектуал-ижодий фаолият йўналишига боғлиқ назариялар; ижодкорлик ақлий қобилиятлар нуқтаи назаридан; ижодкорлик ажралмас ҳодиса сифатида [151; 54-б.].

Муаллиф томонидан «ижод тушунчасининг турли жиҳатлари кўриб чиқилса, уларнинг баъзилари бир-бирига зид эмас, балки бир-бирини тўлдиради, чунки 10 та муҳим хусусиятни танлаш нисбатан шартли равишда амалга оширилади. Бундай кўп қиррали тушунча учун тўлиқ тасниф тузиш мумкин эмасдек туюлади» - деб эътироф этади.

Тадқиқотимиз мавзусига мувофиқ тарзда ижоднинг муҳим хусусиятларига тўхталамиз. Интеллектуал қобилият шахснинг интеллектуал-ижодий фаолияти учун зарур, аммо етарли даражада эмас. Интеллектуал-ижодий хулқни аниқлашда туртки, қадриятлар, шахс белгилари катта рол ўйнайди.

Ижодкор шахс-янги қўшимча хусусиятларга эга бўлган оддий шахс эмас, балки махсус шахс тури бўлиб ҳисобланади. Биз ижтимоий ҳаётда инсон табиатини, характерини ўзгартириш ва умуман шахсни тўлиқ ривожлантириш умумий муаммосига дуч келамиз. Ижодкор шахсни ўрганишнинг мезони сифатида А.Маслоу шахснинг ижобий салоҳиятини очиб беришда қобилиятининг конструктив ўсишига интилишини асос қилиб кўрсатади [114]. Дарҳақиқат, интеллектуал-ижодий ютуқларга руҳий жараёнларнинг хусусиятлари, шахсий хусусиятлар ва мотивация таъсир кўрсатади. Бироқ, психологик адабиётларда мотивация, характер ва қобилиятни аралаштириш одатий эмас. Шубҳасиз, тадқиқотчилар ижод тушунчасини белгилаб, интеллектуал-ижодий қобилиятнинг муайян муаммосидан интеллектуал-ижодий шахснинг умумий муаммосига ўтадилар. Бундай ҳолда шахснинг ижодкорлигини белгиловчи устувор хусусиятларини таъкидлаш зарур бўлади.

Тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган ёндашувларни, шунингдек, педагогик иш тажрибаларини таҳлил қилиш асосида биз қуйидаги хусусиятларни аниқладик:

- характер;
- рефлексив қобилиятлар;
- ирода;
- ҳис-туйғулар.

Мазкур мураккаб хусусиятлар ижодкор шахснинг ўзини намоён этиш мотиви, унинг йўналишини белгилаб беради. Бу хусусиятлар инсон ўз-ўзинни англаши ўз фаолиятини амалга ошириши учун имконият яратади.

Шундай қилиб, шахсда интеллектуал-ижодий қобилиятлар педагогик жараёнда интеграллашган ҳолда намоён бўлади, аммо маълум босқичларда энг муҳим қобилиятларни аниқлаш мумкин. Бу эса, талабада уларнинг ташхиси ва ривожланиши учун муҳим бўлган интеллектуал-ижодий қобилиятларни тузилиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

## 1.2-§. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг илмий назарий масалалари

Бизга маълумки, бугунги кунда ўқитувчининг профессионал талабларини учта асосий мажмуага бирлаштиришга имкон берувчи ўқитувчи профессиограммасини яратишда бой тажрибалар тўпланган. Бунга кўра ўқитувчи профессиограммасини умумий фуқаролик фазилатлари, мутахассисликнинг, шунингдек ўқитувчилик касбининг ўзига хос хусусиятларини белгиловчи фазилатлар, махсус билим, кўникма ва малакалар ташкил этади.

Ушбу маънода ҳозирги кунда психологик-педагогик тадқиқотларда ўқитувчининг педагогик қобилиятларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олимлар педагогик қобилиятларни қуйидагиларга ажратишган:

конструктив;

академик;

дидактик (муаммоларни ажратиш асосида билимларни талабаларга қулай, қисқа, қизиқарли шаклда узата олиш қобилияти);

идрокли (кузатишга асосланган тарзда талабаларнинг шахсий ва руҳий ҳолатларини тушуниш; турли педагогик вазиятларда аниқ ва тез йўналтириш; педагогик такт);

лойиҳалаш (талабаларнинг сифатларини, ўз ишининг натижаларини, шунингдек хатолар ва мумкин бўлган қийинчиликларни олдиндан кўра билиш);

коммуникатив қобилияти;

ташкилотчилик маҳорати;

мустақил ва интеллектуал-ижодий фикрлаши, педагогик тасаввурлари [85; 88; 107].

Ўқитувчилар педагогик фаолиятини таҳлил қилиш асосида уларнинг педагогик қобилиятларини қизиқарли ўрганиш бўйича тадқиқотлар Н.В. Кузьмина томонидан олиб борилди ва у натижада педагогик қобилиятлар таркибидаги ўқитувчининг фаолият субъекти сифатида ўзига хос сезгирлиги ва педагогик фаолиятининг объекти, жараёни ва натижалари ҳамда ўқитувчининг талабага нисбатан мулоқоти, билим ва иш предмети сифатида ўзига хос сезгирлиги каби иккита хусусиятни аниқлади [110].

Бугунги кунда замонавий ўқитувчининг фазилатларини белгилаганда, албатта, унинг ижодкорлигига, педагогик амалиётдаги билимига, маънавиятига, инновацияларни эгаллаш кўникмаларига кучли эътибор қаратилади, яъни:

ақл, маънавий маданият, истак, хоҳиш ва бошқалар билан ишлаш қобилияти;

юксак фуқаролик масъулияти ва ижтимоий фаоллиги;

доимий ўз-ўзини тарбиялаш ва унга тайёр бўлиш зарурати;

болаларни севиши, уларнинг қалбига йўл топа олиш қобилияти;

янги қадриятларни яратиш ва интеллектуал-ижодий қарорларни қабул қилишга тайёрлик, юксак профессионализм, илмий-педагогик фикрлашнинг инновацион услуби;

жисмоний ва руҳий саломатлиги, профессионал маданияти.

Кўпинча замонавий илмий адабиётларда ўқитувчи профессионализми тушунчаси касбий-педагогик маданият тушунчаси билан боғлиқ ҳолда тақдим этилади. Унинг тузилиши ижтимоий, педагогик, илмий, шахсий (педагогик жараён, касбий маҳорат, хулқ-атвор ва ижодий фаолиятдаги ютуқларни интеграциялаш) каби турли даражаларни ўз ичига олади. Педагогик маданият даражасини оширишнинг энг самарали омили ва рағбати педагогика олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабаларини ҳам

педагогик ижодга жалб этиш, маҳсулдор ўз- ўзини ифодалашга, янгиликка, тадқиқот изланишларига эътибор қаратиш ҳисобланади.

Ўқитувчиларнинг касбий сифатлари ҳақида турли фикрлар юритилишидан яққол кўриниб турибдики, мустақил ва интеллектуал-ижодий фикрлаш замонавий шароитда ўқитувчи профессиограммасининг доимий ва энг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Бу ҳақиқатни профессионализм масалаларига бевосита дахлдорлигини педагог ва психологлар ҳам алоҳида қайд этганлар.

Умуман олганда, педагогик ижодкорлик диалектик характерга эга эканлиги исботланган. Ўқитувчи талабаларнинг ўсиши ва ривожланиши жараёнида, доимий равишда ўзгариб турадиган муҳитда уни яратади. Педагогик ижодкорлик жараёни доимий интроспексия ва ўз-ўзини баҳолашни талаб қилади. Бироқ, интеллектуал-ижодий ҳаракатнинг динамиклиги ҳар доим ҳам интуитив даражадаги қарорлар, онг ости фаолияти билан алмаштириладиган бундай таҳлил учун имконият қолдирмайди.

Д.Гилфорд ижодкорликнинг асосини умумий ижодий қобилият сифатида кўриб чиқди. Унинг фикрига кўра, ижод параметрлари орасида, аниқлаш ва муаммоларни шакллантириш, мослашувчан ғояларни ишлаб чиқиш, оригиналлиги-ностандарт тарзда огоҳлантиришларга жавоб бериш, маълумотларни қўшиб, бир объектни яхшилаш ва муаммоларни ҳал қилиш қобилиятлари кабилар муҳим ўрин тутади [31; 27-б.].

Кўп ҳолларда креативлик билиш соҳасининг катта ҳажмдаги хотира, жонли тасаввур, танқидийлик, билишдаги юқори фаоллик, ривожланган интуиция каби хусусиятлари деб ҳам кўрсатилади.

Интеллектуал ижодийлик деганда, кўп ўлчовли, ақлий ҳамда шахсий ижтимоий омилларни ўз ичига олувчи ҳодиса тушунилади [61].

Ижодкорлик интеллектуал-ижодий қобилиятдир. У ижод бирлиги-ақлий фаолият ва унинг белгиси-ақлий фаолиятнинг талаб этилган

(интеллектуал ташаббус)дан ташқари давом этиши ажратиб кўрсатилади. Шахс ақлий фаолияти қуйидаги даражаларига кўра фарқланади:

стимулин-самарали ёки пассив;

эвристикда асосий восита қиёсий таҳлилдир;

интеллектуал-ижодий даражада «Ҳақиқий ривожланиш сифатида маълум бир қобиқдан чиқиш йўли мавжуд бўлиб, инсоннинг маънавий фаолиятида ижоднинг энг юқори шакллари, предметда янги нарсаларни, бошқалар кўрмайдиган нарсаларни кўра олиш сирлари ётади».

Шахснинг интеллектуал-ижодий фаолияти, унинг ижодий турига хос бўлган муайян ақлий тузилишга боғлиқ. Шахснинг бу тури фаолият туридан қатъий назар барча новаторларга хосдир.

Ҳозирги кунда қобилиятлар психиканинг тузилишида ўз ўрнини топиб, психиканинг умумий тушунчасини бош миянинг объектив оламни акс эттириш хусусияти сифатида аниқлаштириб, бу хусусиятни ўзига хос руҳий функцияларга ажратиб, унга индивидуал ифода чорасини киритади ва самарали ҳарактерни очиб беради.

Ижодкорликнинг психологик жиҳати у мустақил равишда мавжуд бўлиш ҳуқуқига эгадир, чунки: 1) интеллектуал-ижодий қобилиятлар инсон фаолиятининг маълум бир шакли билан боғлиқ равишда ривожланади, асосан, фаолият-ижод деб белгиланади ва бу фаолиятнинг бошқа турларида уларнинг қобилиятлари шаклланади; 2) маълум қобилиятларнинг алоҳида ажратилиши уларнинг мақсадли ривожланиши учун асос бўлиши ҳам мумкин.

Бизнинг фикримизга кўра, интеллектуал-ижодий қобилиятлар ибораси бу концепцияни энг яқин жинс ва турлар фарқи орқали яратиш қобилияти сифатида белгиланади. Яхлит ҳолда ижодкорлик - бу жараённинг самарадорлигини белгиловчи психологик функционал тизимнинг индивидуал хусусияти сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Бундан ташқари, интеллектуал-ижодий қобилиятлар умумий қобилиятлар сифатида таснифланиши керак, чунки уларнинг намоён бўлиши

касбий фаолиятда ақл билан бирга махсус қобилиятлар учун асос бўлиб хизмат қилади. Инсоннинг барча махсус қобилиятлари, пировардида, уларнинг инсон маданияти ютуқларини эгаллаши ва уни янада рағбатлантириши умумий қобилиятининг турли кўринишларидир [69; 140; 141].

Интеллектуал-ижодий кўринишлар, адабиёт, санъат ва фанда тубдан фарқ қилиши мумкин. Бу эса, интеллектуал-ижодий механизмларнинг фарқланишига олиб келади. Бироқ, ҳақиқат баъзи интеллектуал-ижодий жараёнларнинг кўптармоқлилиги, шунингдек, интеллектуал-ижодий жараённи жойлаштириш кетма-кетлигида ётади. Ҳар қандай интеллектуал-ижодий жараён муаммоларни шакллантириш ва ҳал қилиш билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Ижоднинг айрим турларида масалан санъатда бу камроқ, бошқаларида (фанда) аниқроқ ва қатъий белгиланган шаклда ифодаланади. Шу боисдан ҳам, асосий эътиборимиз муаммолар билан ишлашга қаратилади. Интеллектуал-ижодий жараённинг босқичлари сифатида қуйидагилар мавжуд: муаммони топиш, муаммони тушуниш, муаммони ҳал қилиш учун ғояларни яратиш ва ғояларни текшириш.

Педагоглик фаолиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг натижаларининг узоқлиги ва уларни фақат қисман натижалар билан ҳукм қилишга мажбур қилиш қобилиятини ўз ичига олганлигидир. Бу хусусият ўқитувчининг шахсига нисбатан бир қатор талабларни юклайди, яъни, педагогик таъсирнинг оқибатларини ва кундан-кунга тизимли, мақсадга мувофиқ «ярата» олиш қобилиятини олдиндан кўра билиши кабилар.

Педагогик ижоднинг энг муҳим хусусиятларидан бири унинг талаба ва бутун педагог кадрларнинг интеллектуал-ижодий жараёни билан боғлиқдир. Педагоглар ўз муҳитида интеллектуал-ижодий жамоада доимий равишда зиддиятларни юзага чиқара олмайди. ПЕдагогик фаолиятда низоли вазиятлар юзага келганда, мазкур зиддиятларни бартараф этишда танқид ва ўз- ўзини танқид қилишни ривожлантиради, интеллектуал-ижодий жараёнга бўлган

педагогик муаммоларни ҳал этишнинг янги йўллари ва воситаларини излаб топади.

Бу хусусиятларнинг деярли барчасини педагогик ижоднинг қийинчиликлари тоифасига киритиш мумкин, яъни, вақтнинг етишмаслиги, натижаларнинг узоқ муддатлилиги, хатоларнинг йўл қўйилмаслиги, тарқатишнинг қийинлиги кабилар. Бироқ, педагогик ижоднинг ижобий томонлари ҳам мавжуд бўлиб, ижоднинг объекти ва педагог кадрлар билан ҳамнафас бўлиш катта рағбатлантирувчи салоҳиятга эгадир. Ўқитувчини интеллектуал-ижодий фаолияти доирасини кенгайтиришга ва шахсий фазилатларини фаол очиб беришга ундайди.

Ижодкорлик нафақат бутун педагогик фаолиятни қамраб олади, балки, ўқитувчининг касбий маҳоратини мезонларидан бирини ташкил этади [119]. Бу фикр педагогик-психологик адабиётларда профессионаллик таърифи билан тасдиқланган яъни, касбий билим, кўникма ва малака, бу соҳада инсон натижаларининг фақат юқори даражаси эмас, балки, онг муайян тизим сифатида, инсоннинг руҳи, қуйидаги қисмларга, шу жумладан: шахс сифатида мулк ҳуқуқлари (улар орасида интеллектуал ижодий, унинг хусусиятлари бевосита намоён бўлади); профессионаллик (ахборот, фикрлаш, тасаввур ва уларнинг профессионал хусусиятлари билан ишлашни ўз ичига олади); профессионалнинг онги, билими, тажрибаси ва маданияти; психодинамика; касб талаблари билан боғлиқ ҳолда ўз ёши ва жинси каби масалаларини тушуниши.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида ўқитувчи ишининг мазмуни ва ташкил этилиши, уларнинг ўз ишига интеллектуал-ижодий муносабати даражасини аниқлаш билангина тўғри баҳоланиши мумкин. Ҳозирги кунда ижодкорликнинг кашфиёт (илғор педагогик ва инновация ғояларини илгари суриш ва уларни муайян тарбиявий ишлар тизимида амалга ошириш); ихтиролар (педагогик тизимнинг алоҳида элементлари, воситалари, усуллари, ўқитиш ва тарбиялаш шарт-шароитларини ўзгартириш ва қуриш); такомиллаштириш (таълим ва

тарбиянинг маълум усул ва воситаларини муайян шароитларга замонавийлаштириш ва мослаштириш) каби уч даражаси мавжуд.

Педагогик ижод учун зарур бўлган шахсий сифатларни аниқлашда олимлар асосан икки йўналишга амал қиладилар:

1) Ўқитувчининг профессиограммаси орқали аниқлаш. Б.И.Загвязинский ўқитувчи-ижодкорликка хос сифат ва фазилатларни, илмий ва касбий компетентликнинг юқори даражасини очиб беради. Булар: ривожланган педагогик фикрлаш; интеллектуал-ижодий ечимларга интилиш; педагоглик касбини эгаллаш тажрибаси; касбий маҳорати, тасаввур ва интуициянинг етарли даражада ривожланиши кабилар [96; 112-б.].

2) Интеллектуал-ижодий қобилиятларни тузилишига амал қилиш. Бу борада педагог олим С.С.Зорин тажрибаси асосида, ижодкор ўқитувчи фаолиятининг услубий хусусиятлари ажралиб туради. Олимнинг фикрича, ўқитувчининг педагогик ижодкорлик даражаси унинг тафаккури асосида шаклланади. Зеро, уларнинг индивидуал интеллектуал-ижодий фаолияти касбий услубига боғлиқ. Унингча ўқитувчи интеллектуал-ижодий фаолиятининг асосий кўрсаткичлари қуйидагилар ҳисобланади: танқидий фикрлаш; ўз позициясини асослаш; материални муаммоли усул билан тақдим этиш; мунозара ўтказа олиш; ўзини ўзибошқара олишқобилияти; ўқитувчи қобилиятига шахсий ёндашув; шахс таъсир этиши ва йўналтириши кабилар.

В.А.Кан-Калик педагогик мулоқотни интеллектуал-ижодий муаммосини ўрганиб ҳамда таҳлил қилиб ўқитувчи олдида турган коммуникатив мақсад ва вазифаларни, мулоқотнинг тузилиши ва бошқарилишини, тўсиқларни ва коммуникатив алоқа ролини батафсил ўрганган. У ўқитувчи томонидан кўрсатилган мулоқотда ижодкорлик бешта қобилиятдан иборат эканлигига алоҳида эътиборини қаратган, жумладан, жонли ва мажозий маълумотни етказиш, талабанинг руҳий ҳолатини ташқи кўринишлар орқали тушуниш, улар билан муносабатларни моҳирлик билан қура олиш ва мунтазам ривожлантириш, моҳирона таъсир қилиш ва ҳамкорликда мулоқот қилиш, низоли вазиятларда ўз-ўзини бошқариш, руҳий

ҳолатларини бошқариш, руҳий тўсиқларни бартараф этиш ва оптимист бўлиш кабилар киради.

Н.А.Лозникова ҳамкорлик педагогикаси доирасида талабалар билан муносабатларда интеллектуал-ижодий услубни ўрганиб ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги муносабатларнинг турли услублари орасида энг самарали усул ижодкорликни аниқлайди ва ушбу шароитда мақсадга эришиш учун энг самарали бўлган муносабатларнинг янги усулларини яратиш жараёни сифатида белгилайди [115].

Н.Е.Кузьмина ўз тадқиқоти давомида мулоқотдаги ижодкорлик бу шахсий билим ва ижтимоий-психологик жиҳатларга эга эканлигини кўрсатади. Бу бизнинг тажрибамизни амалга ошириш ва ривожлантириш учун янги ҳатти-ҳаракатлар, конструктив ва ностандарт ечимларни топиш имконини беради. Унинг фикрича ижодкорлик параметрлари сифатида хулқ-атвор йўллари ҳақида кўплаб ғояларни яратиш ва уларни мулоқотда амалга ошириш ҳамда хулқ-атвор стратегияларини ўзгартириш ва ноаниқ, парадоксал баёнотлар қобилиятлари бўлиб ҳисобланади [110; 86-б.]. Ҳиссий соҳада-давлатларнинг бир қутбдан қарама-қарши томонга ҳаракат қилиши ва шахсий режада ҳукмронлик қилиш тенденцияси яъни, олдиндан айтиш, ҳазил-мутойиба ҳисси, танқидийлик, ўзбошимчалик, уларнинг тажрибаси ва ўзгаришларини акс эттиришга тайёрлик бўлиб ҳисобланади.

Назарий ҳамда амалий изланишларимиз натижалари асосида ижодкорлик фаолияти педагогик асосларини ривожлантиришнинг замонавий босқичида талабалар касбий компетентлигини таъминлашнинг методологик талаблари ҳамда дидактик шарт-шароитларини белгилашда замонавий ёндашувга асосланган ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш зарурати юзага келганлигини кўрсатмоқда. Бунда талабаларнинг касбий ижодий-ижодкорлиги назарий билимларнинг амалий кўникма ва малакаларга ўтиб бориши устуворлиги, таълимий, тарбиявий ҳамда ривожлантирувчи муҳитнинг бирлиги, таълим олувчиларнинг билим олиш ҳамда интеллектуал-ижодий фаолиятга бўлган ижобий мотивациясини

рағбатлантириш, муаммолилик, индивидуал ҳамда дифференциал ёндашувларнинг ўзаро уйғунлиги, таълимнинг шахс фаоллигини таъминлашга ҳар томонлама йўналтирилганлиги, таълим мазмуни ҳамда ўқув ва дидактик материалларнинг талаба шахсини ривожлантиришга қаратилган дидактик шарт-шароитларга тўла асосланади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини юқори технологиялар асосида ривожлантириш олий таълим тизимида янги малакага эга бўлган касбий ижодкор мутахассислар тайёрлашга хизмат қилувчи инновацион ғоялар ва технологияларни шакллантиришни тақозо этмоқда. Шу маънода тадқиқот ишимизда касбий ва интеллектуал ижодий қобилият тушунчасини мутахассислик кўникма ва малакалари, илмий-техник билимлар ҳамда инновацион фаолият, фан- таълим- ишлаб чиқариш ўзаро интеграцияси асосида интеллектуал мулк, яъни ижодкорлик маҳсулини яратишга қаратилган фаолият сифатида қабул қилдик.

Интеллектуал-ижодий қобилият масаласи таниқли педагог олимлари томонидан қайд этилган бўлиб, интеллектуал-ижодий компонентли ўқитувчининг профессиограммасида доимо мавжуд бўлган, «педагогик ижод» тушунчаси вужудга келган ва мустаҳкам ўрнашиб қолган.

Аввало, ижодкорлик ўқитувчи касбий маҳоратининг энг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади. Ундан ташқари, касбий ижод учун зарур деб қайд этилган сифатлар асосан, шахснинг интеллектуал-ижодий қобилиятларига тўла мос келади. Педагогик ижодкорлик учун коммуникатив ва интеллектуал-ижодий қобилиятларнинг муҳим ўринни эгаллаши алоҳида қайд этилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, ўқитувчи педагогик ижодда юксакликка эришиши учун педагогик ижод учун қобилиятларни мустаҳкамлаш, шахснинг умумий интеллектуал-ижодий қобилиятларини шакллантириш, педагогик фаолиятда профессионализмга яқинлашиш каби мантиқий занжирни босиб ўтиши лозим. Шундай қилиб, ҳозирги шароитда педагогика олий таълим муассасаларида шахснинг касбий ва интеллектуал-

ижодий қобилиятларини янада ривожлантириш, бўлажак ўқитувчиларни юқори сифатли касбий тайёрлашнинг зарурий шарти вазифасини бажаради.

## 1.3-§. Талабаларнинг интеллектуал ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг амалиётдаги ҳолати

Талабаларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларни пухта эгаллаши уларда касбий аҳамиятга эга сифатларнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда кечади. Бугунги кунда олий таълимнинг мазмуни ва уни ривожлантириш усуллари ўқитувчилар учун тайёрланган ўқув дастурлари ҳамда методик йўриқномаларда ўз аксини топган.

Талабаларнинг касбий ва интеллектуал-ижодий қобилиятлари касбий аҳамиятга эга бошқа сифатлари каби, билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши жараёнида ривожланади. Уларни тўғри шакллантириш ҳамда етарли даражага эришиш биринчи навбатда, таълим жараёнида қўлланилаётган ўқув-услубий воситаларнинг психологик, педагогик, дидактик ва ташкилий талабларга мос келишига боғлиқ бўлади.

Мутахассиснинг шахсий салоҳиятини ташкил этадиган касбий сифатларнинг шаклланиши унинг умумий ривожланиши негизида рўй беради ва бевосита унга боғлиқ ҳолда амалга ошади. Бунда кўпинча мавжуд бўлган, лекин талаб қилинмаган сифатларнинг жонланиши, яхши ривожланмаган сифатларнинг «уйғотилиши» ва кучайтирилиши рўй беради. Натижада инсоннинг ривожланиш даражаси қанчалик юксак бўлса, унинг шахсий меҳнат салоҳияти ҳамда касбий фаолият сифати ҳам шунчалик даражада юқори бўлиши кузатилади. Аксинча, касбий аҳамиятга эга сифатларнинг суст шакллантирилганлиги меҳнатдан қониқмаганликни юзага келтириб чиқаради, бу эса уларнинг касбий ривожланиш мотивациясини пасайтиради, кўпинча касбни ўзгартиришга олиб келади.

Ўтган асрда психологияда шахс ривожланишида фаолиятнинг ўрни кўп бора тадқиқ этилган. Фаолият инсоннинг ижтимоий муҳитда мавжудлигининг ифодаси бўлиб, дунёни англашнинг ўзига хос томони

ҳисобланади. Бу эса, шахснинг фаолиятида муносабатлар тизимининг динамик характерга эга эканлигини англатади.

Мамлакатимиз психолог олимлари М.Г.Давлетшин [91], В.Каримова [106], Э.Ғозиев [154], Б.Қодиров [104] ва бошқаларнинг олиб борган илмий изланишлари натижалари асосида ўқитувчилар ва мактабгача таълим ташкилотлари муассасаларининг ўқитувчи-тарбиячилари каби қатор мутахассисликлар бўйича ўқитувчи профессиограммасининг тахминий моделини (намунасини) аниқлаб олиш имкониятини берди.

Ҳар бир мутахассисликлар кесимида ўқитувчининг ихтисослашган тавсифномасини назарда тутган профессиограммаси тузилди, жумладан, бўлажак ўқитувчи келажакда фаолият юритиши мумкин бўлган умумий ўрта таълим мактабининг профессиограммасини қуйида мисол қилиб келтирамиз.

Ўқитувчи профессиограммасини М.Г.Давлетшин қуйидаги кўринишда тавсифлаб берган:

1. Ўқитувчининг шахсий сифатлари - ўқувчиларни яхши кўриш ҳамда уларни севиш, меҳнатсеварлик, психологик ақл-фаросатлилик, мустаҳкам характерга эгалик, камтаринлик, жамоат ишларида фаоллик, инсонларга нисбатан меҳрибонлик, одамийлик, дилкашлик, уддабуронлик, ўз билимини оширишга интилиш кабилардан иборат.

2. Касбий сифати – ҳозирги замон таълим тизимида олиб бориладиган ўқув-тарбия жараёнида умуминсоний бойликлар, миллий урф-одатлар ва анъаналар аҳамиятини тушуниши, ўз диққат эътиборини тақсимлай олиши, кузатувчанлиги, педагогик фантазияларнинг ривожланганлиги, ўзига нисбатан танқидий муносабатда бўлиши, ўзини-ўзи назорат қилиши ва бошқара олиши, нутқининг эмоционал ифодаланиши.

3. Ўқитувчилик касбига хос билими - таълим-тарбия жараёни моҳиятини унинг мақсад ва вазифаларини етарли даражада тушуниши, психология фанининг асосларини, айниқса ёш даврлар психологиясини, педагогик-психология асосларини билиши, этнопсихологик билимларни эгаллаши, ҳозирги замон педагогикаси асосларини яхши ўзлаштирган

бўлиши, ҳозирги замон педагогикасининг методологик асосларини тўлиқ эгаллаганлиги, мактаб ёшидаги болаларнинг психологик-педагогик хусусиятларини тушуниши, ўз фанини ўқитиш методикасини чуқур эгаллаши, ўқувчиларга тарбиявий таъсир этишнинг самарадорлигини билиши, ота-оналар ҳамда жамоатчилик билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмунини билиши.

4. Ташкилотчилик малакалари - жамоани бирлаштира олиши, турли шароит ва вазиятларда жамоани одилона бошқара олиши, ўқувчиларни билим олишга қизиқтириши, уларни фаоллаштира олиши, амалий масалаларни ҳал этишда ўзининг билим ва тажрибаларини усталик билан тез моҳирона қўллай олиши.

5. Шахсий педагогик уддабуронлиги – ҳар бир дарс машғулотлари учун зарур ва замонавий материалларни танлай билиши, талабаларнинг билиш фаолиятини назорат қилиши, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ривожланишини истиқболли бошқара олиши, педагогик вазифаларни шакллантириш ҳамда тарбиявий ишларни режалаштиришни билиши, ўқувчилар жамоасига раҳбарлик қилишда ўз фаолиятини пухта режалаштириши, ўзининг таълим-тарбиявий ишларига тайёрланиш тизимини режалаштира олиши, келажакдаги ўз мақсадларини истиқболли режалаштира олиши.

6. Коммуникатив малакалари - ўқувчиларнинг жамоалараро ва жамоа ичидаги ўзаро муносабатларини тартибга солиши, ўқувчиларни ўзига жалб этишни билиши, болалар ва ота-оналар билан мақсадга мувофиқ педагогик муносабатларни ўрнатиши, ўқувчиларнинг ота-оналари билан синфдан ташқаридан алоқа боғлашни билиши.

7. Инсоний сифатлари - ўзининг педагогик маҳоратини мунтазам такомиллаштиришга интилиши, ўзининг талаба-ёшларни тарбиялаш дастурини ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириш қобилияти, ўзини талаба ўрнига қўйиб, бўлиб ўтган ҳодисаларга унинг назари билан қарай олиши, аввалги воқеа-ҳодисалар ва тарбияланувчи шахсига янгича қарай олиши,

ўзининг талабага педагогик таъсири натижаларини олдиндан кўра билишга интилиши.

8. Гностик малакалари – таълим олувчиларнинг психик ривожланиш даражасини аниқлай олиши, ўзининг тажрибаси ва педагогик фаолият натижаларини танқидий таҳлил қилиши, бошқа етакчи ўқитувчиларнинг тажрибаларини назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганиши ва ундан тўғри хулоса чиқара олиши, психологик ва педагогик адабиётлардан фойдаланишни билиши, вазиятларда ёшларни тўғри тушунган ҳолда, уларнинг хулқ-атвори сабабларини тушунтиришни билиши [91].

Бугунги глобаллашув ва мобиллашув жараёнида педагогнинг ўқув фаолиятида талабаларнинг интеллектуал ижодий қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашиши ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида моделлаштириш методидан фойдаланилади. Моделлаштиришнинг асосий афзаллиги шундан иборатки, ўрганилаётган объект ҳақида берилган маълумотларнинг яхлитлигидир. Моделни қуришда биз педагогик тадқиқотлар тажрибаси, моделлаштириш жараёни билан боғлиқ умумий илмий талабларга асосландик.

Мазкур тадқиқотимиз давомида биз томонимиздан педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг интеллектуал ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизими моделига қатор ўзаро боғлиқ компонентларни киритиш орқали жараённи амалга оширишга ҳаракат қилиндик.

Моделнинг тизимни ташкил этувчи асосий компонентларидан бири-мақсадли компонент ҳисобланади. Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу тизимнинг мақсади педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг интеллектуал ижодий қобилиятларини ривожлантириш жараёнини такомиллаштириш деб белгилаб олинди.

Ушбу мақсадга муваффақиятли эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш зарур деб ҳисоблаймиз:

- талабаларни педагогик ижодкорлик, интеллектуал ижодий фаолият ҳақидаги билимлар билан қуроллантириш;

- бўлажак ўқитувчилар ўртасида интеллектуал ижодий фаолиятга нисбатан ижобий муносабатларни шакллантириш;

- талабаларда шахсий сифатларни, шунингдек касбий даражадаги фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган кўникмаларни шакллантириш.

Биз тизимнинг назарий ҳамда методологик таркибий қисмларини ишлаб чиқишда педагогик омилларнинг мантиқий боғланишига ва қонуниятларига ҳамда педагогик жараённи ташкил этиш тамойилларига асосландик.

Маълумки, педагогик омил ҳар қандай педагогик жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Таълим жараёнида аниқ омилларни объектив зарурият билан амалга оширишда таълим-тарбия фаолияти йўналиши ва характеридаги ўзгаришларнинг муайян намунаси ва пировард натижада ўқув жараёни натижалари очиб берилади. Натижани аниқлаш эса, ҳар қандай илмий назариянинг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Фаолиятни ташкил этишга қўйиладиган асосий талабларни ўз ичига олган педагогик жараённинг қонуниятлари унинг йўналишини кўрсатувчи кўрсатмаларда, яъни тамойилларда ўзининг аниқ ифодасини топади. Қонуниятлар объектив равишда мавжуд бўлиб, тамойиллар норматив шаклда қонуниятлар моҳиятини акс эттирувчи ҳодисадир.

Биз томонимиздан манбаалар таҳлил қилиниши жараёнида педагогнинг иш тажрибасига асосланиб, педагогик омиллар гуруҳига асосий эътиборни қаратдик, уларнинг амалга оширилиши, бизнингча, талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг самарадорлигини ошириши лозим. Очиб берилган қонуниятлар талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини янада ривожлантиришга хизмат қилувчи педагогик фаолиятни ташкил этиш тамойилларини шакллантириш имконини беради.

В.А.Сластенин нуқтаи-назарига кўра, педагогларни тайёрлаш унда педагогик вазифаларни амалга оширишда зарур бўладиган аналитик-

рефлексив, ташкилий, конструктив-прогностик, баҳолаш-ахборот, коррекциялаш-ростлаш билимларни шакллантиришни кўзда тутади. Шу билан биргаликда, бўлажак мутахассиснинг касбий сифати тузилмасини тадқиқ қилиш педагог меҳнатини пухта таҳлил қилиш, унинг тайёргарлик даражасига ҳозирда модернизация қилинаётган ва узлуксиз педагогик таълим концепцияси амалга оширилаётган шароитларда олий ва умумий ўрта таълими тизими томонидан қўйилаётган талабларни аниқлашни назарда тутади.

Психологлар Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, П.Я.Гальперин ишларига таянадиган фаолиятли ёндашув олий таълим муассасасида ўқитиш мақсади сифатида ўқитиш субъектида маълум фаолиятни бажаришда касбий тайёргарликни тарбиялашни кўзда тутади [77]. У ҳолда олий таьлим муассасаларида ўқитишнинг асосий натижаси талабаларда касбий вазифаларни амалга ошириш, фаолият масалаларини ҳал этиш, билимларини шакллантиришдан иборат бўлади. Масаланинг бундай қўйилиши таълим жараёнида воситалар, методлар ва ўқитувчининг билимларига ҳам бошқача ёндашувни талаб этади. Фаолиятли ёндашувнинг амалга оширилишига Б.Джураеванинг фикри кўп даражада мос келади. У бу борада ўқитувчи фаолиятининг гностик, ўқув-методик, креатив, коммуникатив-ташкилий турларини ажратади.

Ўқитувчилар касбий ва интеллектуал-ижодий сифатларининг шаклланганлиги педагогик меҳнатнинг барча жиҳатларида яъни, касбий фаолиятда, кундалик муносабатларда, шахсият ривожланишида, меҳнатнинг мажмуий натижаларида намоён бўлади. Шуни таькидлаш керакки, олий таьлим муассасалари ўқитувчисининг энг муҳим вазифаси талабаларнинг касбий сифатларини барқарорлаштириш, тўлдириш ва узатиш механизмларини бошқариш имкониятларини босқичма-босқич такомиллаштириш учун психологик-педагогик шароитларни яратишдан иборат. Уларни амалга ошириш босқичлари қуйидагилардан иборат: талаба фаолиятининг ўқитувчи томонидан бошқарилиши, ўқитувчи ва талаба

томонидан касбий сифатлар шаклланишини биргаликда бошқарилиши, бўлажак мутахассиснинг касбий ўз-ўзини ривожлантиришини мустақил бошқариши.

Бўлажак ўқитувчилар ўзларида касбий ва интеллектуал-ижодий сифатларни шакллантиришлари учун фаолиятини аниқ бир мақсадга йўналтириши ва унга эришиши учун ўз билимини мустақил тарзда ошириб бориши, педагогик амалиёт ўтаётган таълим муассасасининг моддий-техник базаси ва ахборот ресурс маркази имкониятларидан унумли фойдаланиши, ўқув хонаси, лаборатория хонаси ва амалиёт шарт-шароитларини таълим олувчиларга мослаштириши каби шартларга риоя қилиши зарур.

Бўлажак ўқитувчи ўзида қуйидаги сифатларни шакллантириб бориши шарт:

- олий таълим муассасалари талабаларининг интилишлари, қизиқишларини чуқур ҳис қилиш, тушуниш, уларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини ҳисобга олиш;

- талабалар билан эмоционал алоқа ўрнатиш, уларнинг ақлий, ахлоқий ва амалий фаолиятининг турли жабҳаларига фаол таъсир этиш.

Бўлажак ўқитувчилар ўзининг касбий ва интеллектуал ижодий сифатларини шакллантириш устида ишлаш тизимининг энг самарали усуллари, йўлларини танлаб олиши, технологик жараён ва техник объектларни тўғри танлаб фаолият кўрсатиши талаб этилади. Педагогик шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ва уларга мос тарзда индивидуал тарзда ёки жамоа билан бирга ўз билимини ошириш шаклларидан фойдаланиши, амалий машқлар бажариши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Бўлажак ўқитувчилар ўз билимларини оширишни доимий интеллектуал-ижодий изланишлар тарзида ташкил этиши ва маълум мақсадга йўналтириши зарур. Бунинг учун улар эсда тутиши лозим:

- интеллектуал ижодий изланишлар жараёнини бошқаришга мойил бўлиши;

- интеллектуал ижодий изланишларнинг самарадорлиги ўқитувчининг педагогик-психологик ва руҳий тайёргарлигига боғлиқ бўлишини.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, педагогика олий таълим муассасалари талабаларида касбий ва интеллектуал-ижодий сифатларнинг ривожланиши жараёни уларнинг шахсий ва касбий сифатлари билан бирга фаолият талаблари билан узвий боғлиқлиги масалалари кенг доирада таҳлил қилиниб, касбий ва интеллектуал ижодий фазилатларини шаклланишида индивидуал педагогик-психологик хусусиятларни ўрнини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Бўлажак ўқитувчининг касбий ва интеллектуал ижодий фазилатларини шаклланганлиги асосини интеллектуал салоҳият, иродавий сифатлар, амалий кўникмалар, ҳиссий сифатлар ҳамда ўз-ўзини бошқара олиш каби сифатлари ташкил этади. Педагогик вазифаларни ҳал этилиши аввaламбор, тарбия субъектининг индивидуал сифатларига таянади. Ушбу сифатларнинг ривожланганлиги инсоннинг тўла шаклланганлигини, индивидуаллигини, ҳар томонлама баркамоллигини тавсифлайди. Уларнинг ривожланганлик даражаси шахснинг ижтимоий фаоллиги, ҳаёт тарзи ва жамиятда ўзини қай тарзда тутишини белгилаб беради.

Педагогика олий таълим муассасаларида ўқитувчиларни тайёрлаш ва бу жараёнда рўй берадиган ҳодисаларнинг кўп ўлчамли ҳамда кўп поғонали характери касбий шаклланиш шароитида инсон фаолиятини имкон қадар тўлароқ ўрганиш учун турли педагогик усуллар қўллашни тақозо этади. Ҳозирги пайтда педагогика фанида, шунингдек, унга яқин бўлган бошқа соҳаларда кенг турдаги технологиялар қўлланилмоқда. Бугунги глобаллашув шароитида муаммоли таълим технологияси олий таълим муассасалари таълим жараёнида муаммоли вазиятни яратишга катта аҳамият беради. Ўқув муаммосини шакллантиришдан олдин ёки уни ҳал қилиш жараёнида асосий эътибор қаратилади. Педагогик турли хил йўллар орқали муаммоли вазиятларнинг моҳиятини ва уларнинг бир неча характерли хусусиятларини аниқлашлари мумкин: 1) интеллектуал қийинчилик; 2) қарама-қарши вазият;

3) билим, кўникма ва тушуниш учун зарур бўлган, муаммога зид бўлган жараён. Муаммоли вазиятларни яратишнинг методлари 1.3.1-расмда берилган.




**1.3-расм. Муаммоли вазиятларни яратиш методлари**

Психология фанининг машҳур назариётчиси С.Л. Рубинштейн фаолияти давомида билим, кўникма ва қобилиятларни ривожлантириш ўртасидаги диалектиканинг муҳим ролини ўрганган. У «бир томондан, кўникма, билим ва бошқалар маълум қобилиятларнинг мавжудлигини назарда тутади, бошқа томондан эса, муайян фаолиятда қобилиятнинг шаклланиши тегишли кўникма, билим ва бошқаларни ривожлантиришни назарда тутади» - деб эътироф этади [134; 212-б.].

Ҳозирда ижодкорлик интеллектуал-ижодий фаолият учун жуда муҳимдир. Бироқ, С.Л.Рубинштейннинг фикрига кўра «инсон ўз ҳаёт йўлида

тутган фаолиятида шахснинг барча руҳий хусусиятлари нафақат намоён бўлади, балки шаклланади» [134; 83-б.]. Қобилиятлар инсоннинг дунё билан муайян сифатлари билан ўзаро муносабатлари жараёнида шаклланади. Инсон фаолиятининг умумлаштирувчи натижалари унинг қобилиятларини қуришда «қурилиш материали» сифатида киритилади. Шунинг учун ўқув фаолиятининг интеллектуал ижодий хусусиятини таъминлаш омили асосий бўлиши керак, бу ҳақида етакчи тадқиқотчилар таъкидлаганлар.

Биз кўриб чиқаётган интеллектуал-ижодий қобилиятларнинг ривожланишига таъсир этувчи кўникмалар ушбу иерархиянинг энг юқори даражасига тегишли ҳисобланади. Мазкур доирада ушбу кўникмалар интеллектуал-ижодий жараённи бевосита қўллаб-қувватловчи кўникмалар мажмуи бўлиб ҳисобланади. Ушбу малакалар, аввало, асосий руҳий жараёнларнинг характери ҳамда уларнинг энг умумий қонуниятлари билан боғлиқ бўлиб, одатда, касбий фаолият доирасидан ташқарида ётади. Биз қуйидаги жадвалда талабалардаги интеллектуал-ижодий қобилиятлар ҳамда уларнинг ривожланиши учун қулай бўлган кўникмалар ўртасидаги ўзаро мосликни умумлашган шаклда тақдим этдик (1.2-жадвал).

**1.2-жадвал.**

**Талабалардаги интеллектуал-ижодий қобилиятлар ва уларнинг ривожланиши учун қулай бўлган кўникмалар ўртасидаги мослик**

| Интеллектуал-ижодий маҳорат | Интеллектуал-ижодий кўникмалар |
|---|---|
| Муаммоларни кўриш | Таълимда қарама-қаршиликларни аниқлаш, муаммоли саволларни қўйиш, муаммони орқа фондан ажратиш, муаммони ифодалашнинг янги усулларини излаш, уни кичик муаммоларга бўлиш |
| Идрокнинг тўлиқлиги | Объектнинг алоқалари ва муносабатларини кўриш, объектнинг тузилишини кўриш, ҳодисанинг муҳим ва аҳамиятсиз хусусиятларини таъкидлаш, турли хил нарсаларда (ҳодисаларда) асосан умумий хусусиятларни кўриш, ўхшаш объектларда (ҳодисаларда)сезиларли фарқларни аниқлаш |
| Хотиранинг тайёрлиги | Билимларни тизимлаштириш, билимлар тизимини қайта қуриш (билимларнинг динамиклиги) |

| | |
|---|---|
| Осон ассоциациялар ва тасаввурлар | Объектларнинг тафсилотлари билан таққослаш, объектни бир бутун таркибига киритиш орқали таққослаш, мос келмайдиган элементларни таққослаш асосида «билвосита» таққослашлар, объектларни бошқа шаклда акс эттириш; янги тасвирларни яратиш |
| Фикрлашнинг мослашувчанлиги | Бошқа ғояга ўтиш, одатдаги вақтинчалик ва фазовий алоқаларни, жамиятнинг одатдаги алоқаларини ўзгартириш |
| Диалектик фикрлаш | Оппозиция муносабатларини ўрнатиш, диалектик бирлашиш, диалектик воситачилик, диалектик трансформация |
| Ўзига хослик, фикрлаш | Маълум усул ёки назарияни рад этиш, фаолиятнинг ён-атрофдаги маҳсулотларидан фойдаланиш |
| Башорат қилиш | Үзоқ муддатли режалаштиришни амалга ошириш, ечимнинг ҳар бир босқичи натижасини башорат қилиш |
| Танқидий фикрлаш | Баҳолаш мезонларини танлаш, ғояларни таҳлил қилиш, оптимал ечим ғоясини танлаш |

Танланган интеллектуал-ижодий кўникмалар ижодий фаолият механизмларини амалда қўллаш учун зарур бўлган баъзи кўникмаларнинг муносабатларини таъкидлайдиган эвристик формулага бутунлай мос келади.

Шаклланган фаолиятнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ ҳолда интеллектуал қобилиятлар ҳаракат муваффақиятини кафолатлайдиган кўникма ҳисобланади. Психологик-педагогик адабиётларда кўникмаларни шакллантиришнинг турли босқичлари мавжуд, яъни, ижодий қобилиятларга энг яқин бўлган интеллектуал қобилиятлардир.

Интеллектуал-ижодий кўникмаларни шакллантириш учун ақлий ривожланиш назариясида таклиф этилган ақлий фаолиятни рационаллаштириш заруратини шакллантириш; ҳаракатни бажариш усулини билиш, ҳаракатни амалда ўзлаштириш, ўз-ўзини назорат қилиш.босқичлари кетма-кетлиги кўпроқ мос келади.

Бу масалаларни тадқиқ этиш асосида ижод учун зарур бўлган кўникма ва билимларни аниқлаб, тўла ишонч билан намунани шакллантиришимиз мумкин. Унга кўра, интеллектуал-ижодий қобилиятларни шакллантириш ижодий фаолият учун керакли бўлган билим ва кўникмалар тизими билан диалектик муносабатда бўла олади. Унинг амалда бажарилиши эса, педагогик фаолиятни ташкил этишга қўйиладиган асосий талабларни ижодий

фаолиятга тайёрлашда изчиллик сифатида бажариш орқали амалга оширилади.

Маълумки, ҳаётда шахс бир бутун бўлиб ривожланади. Маданий ривожланишнинг моҳияти шундаки, инсон ўз хатти-ҳаракатлари жараёнларини бошқаради, аммо бу маҳоратнинг зарур шарти шахсни шакллантиришдир, шунинг учун муайян функциянинг ривожланиши ҳар доим шахснинг ривожланиши билан боғлиқ ва шартланган. Шунинг учун интеллектуал-ижодий қобилиятнинг ривожланиш жараёнини ижодкор шахсининг бошқа таркибий қисмларидан алоҳида кўриб чиқа олмаймиз. Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда интеллектуал-ижодий қобилиятнинг ривожланиши ижодкор шахснинг бошқа таркибий қисмлари билан рағбатлантирилади ва тартибга солинади.

Билиш жараёни шахснинг нафақат ақлий томонини ўз ичига олади. Балки, интеллектуал ижодий кўринишларининг асоси бўлган инсон ақлининг фаолияти таъсир доираси қонунларига бўйсунади яъни, бу тамойилнинг моҳияти таъсир ва ақлнинг бирлигидир.

Ҳозирда шахснинг барча жиҳатлари бир-бири билан чамбарчас алоқада бўлади, лекин ҳукмрон таъсир ҳар доим шахснинг йўналиши билан қолади. Айрим қарашларда тушунча турлича очиб берилади яъни, динамик тенденция, маъно ҳосил қилувчи мотив, доминант муносабат каби. Ушбу муносабатларни очиб бериш учун инсондан ташқарига чиқиши ва уни тизимнинг элементи деб ҳисоблаши керак, чунки бу тизим жамиятдир. «Шахс-жамият» икки томонлама - шахс жамиятда шаклланар экан, жамият шахслар туфайли ривожланади каби муносабатлар. Ориентация шахснинг тизимни шакллантирувчи хусусияти бўлиб, унинг психологик макетини белгилайди. Бу жараёнда шахс ҳаракат қиладиган мақсадлар, унинг мотивлари ва воқеликнинг турли жиҳатларига субъектив муносабатлари ўз ифодасини топган.

Ҳозирда олий таълим муассасаларида ижодкор шахснинг характери ва иродасининг хусусиятлари унинг ўз-ўзини ривожлантириш имкониятларини, шу жумладан, интеллектуал-ижодий қобилиятларини ҳам белгилайди.

Талабанинг интеллектуал-ижодий компонентларини ривожлантириш фаолият учун зарур бўлган интеллектуал-ижодий фаолият, билим ва олинган кўникмаларни ўрганишда ўқитувчининг иштироки ва унинг таъсири туфайли шахсни янада ривожлантириш асосий ўринда туради, бу унинг нафақат объектив, балки ривожланиш предметига айланиш орқали ҳам белгиланади. Таълим сўнгида, интеллектуал-ижодий қобилиятлар ўз-ўзиини ривожлантиришга тайёр бўлиши учун, бундай ўтиш таълим жараёнида, талабларга мувофиқ бошланиши, яъни ривожланишда мазкур қобилиятларни ва ўзини-ўзи ривожлантиришга босқичма-босқич ўтишдир.

Касбий ва интеллектуал-ижодий қобилиятни ривожлантириш шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш жараёнининг бир қисми бўлиб ҳисобланади. Олимларнинг тадқиқотларига кўра, ўз-ўзини ривожлантириш жараёни бир неча функционал босқичларга бўлиниши мумкин: ўз-ўзини билиш, ўз-ўзини аниқлаш, ташкил этиш, тарбиялаш ва шахснинг ўз-ўзини англаши кабилар.

**1) Ўз-ўзини англаш** - бу талаба ёшларни интеллектуал-ижодий қобилиятини рўёбга чиқаришга, майдон ва воситаларни излаб топишга қаратилган фаолият бўлиб, ўз-ўзини аниқлаш натижасида қилинган танлов муваффақиятини таъминлайди.

**2) Ўз-ўзини тарбиялаш** интеллектуал-ижодий ўз-ўзини англашга қодир шахснинг идеал қиёфасига батамом эришиш учун инсон томонидан уларнинг зарурий ва потенциал кучлари томонидан онгли равишда ривожланиш ва такомиллашиш жараёнидир.

**3) Ўз-ўзини билиш** акс эттиришга асосланган бўлиб, бу жараёнда ҳақиқий фаолиятни узлуксиз англаш амалга оширилади ва шу асосда у такомиллашиб, маълум меъёрий шаклга келтирилади. Талабалар ўз-ўзини таҳлил қилишга эътибор қаратганда, ўқитувчи уларни шахснинг

интеллектуал- ижодий қобилиятларини таҳлил қилиш, уларни долзарблашга ундаши талаб этилади.

**4) Ўз-ўзини ташкил этиш-режалаштириш**, уларнинг интеллектуал-ижодий фаолияти предметини таъминлаш ва назорат қилиш, иродавий тартибга солиш техникасини эгаллаш демакдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ва интеллектуал-ижодий фаолиятини ривожлантиришда илмий-техник маълумотлар билан ишлаш асосий ўрин тутади. Ушбу жараёнда турли ахборотномалар, луғат ва глоссарийлар, илмий фаолият бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ихтирочилик материаллари талабалар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот ишимизда, олий таълим муассасалари талабаларининг ижодкорлик қобилиятларини янада ривожлантириш, уларда индивидуал сифатларини шакллантириш, олий таълимда касбий таълим мазмуни, концепциялар, олий таълим соҳасидаги инновациялар, таълимни ривожлантирувчи технологиялар, олий таълимда ўқув жараёнларини ташкил қилиш ва бошқариш, таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг қўлланилиши борасидаги олиб борилган тадқиқотлар муҳим асослар сифатида ўрганилди [30; 31; 63; 72; 73; 140; 93; 107; 133; 137]. Мазкур йўналишлардаги изланишларнинг таҳлилий натижаларига кўра олий таълим муассасаларида талабаларида касбий ва интеллектуал- ижодий фаолиятини ташкил қилиш самарадорлигини оширишнинг турли жиҳатлари бўйича илмий асосланган ечимлар таклиф қилинганлиги, аммо талабаларда интеллектуал-ижодий фаолиятнинг узвийлигини таъминлаш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаганлигини кўрсатди.

Тадқиқотимиз доирасида бўлажак ўқитувчиларнинг машғулотлар жараёнида интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун тўртта асосий педагогик омиллар мавжудлигини аниқладик ва улар билан боғлиқ қонуниятларни асослаб бердик ҳамда ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича зарур бўлган талабларни шакллантирдик.

Ўқув жараёнига даражали ёндашув энг муҳим омил бўлиб, интеллектуал-ижодий фаолиятни қамраб олади. Интеллектуал-ижодий билим жараёнида В.В.Петухов қуйидаги даражаларни аниқлайди: биринчи операциялар даражаси (ноанъанавий, оригинал ғоялар, жавоблар маҳсулоти сифатида кўрилган ижодкорлик); иккинчи ҳаракат даражаси (ижодкорлик ғайриоддий муаммоларга ечим сифатида таҳлил қилинади); учинчи фаолият даражаси (ижодкорлик яхлит фаолият сифатида таҳлил қилинади) - бу даража ижодкорлик қобилиятини ўзгартиришга имкон беради.

Бундан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, ижодкорлик қобилияти ўқув жараёнининг барча босқичларида турли даражада намоён бўлади, бунда ижод элементларини ўрганиш ва ижод даражалари ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги кўринишда тақдим этилади. (1.4-расм).




**1.4-расм. Ижод ва даражалар ўртасидаги боғлиқлик**

Ҳозирги шароитда ҳаракатлар даражасидаги ижодкорлик янги вазиятда, яъни ностандарт вазифаларни ҳал қилишда ва билимларни қўллаш даражасига тўлиқ мос келади. Фаолият даражасидаги тўлақонли ижодкорлик субъект ичидаги учинчи даражага мос келади, шунингдек, дастурий ва бошқа

соҳаларда билимларни интеграциялашган ҳолда қўллаш янги вазиятда талаб қилинадиган интерсубъект даражасига эришишни назарда тутади.

Билиш жараёнида аниқланган ижодкорлик даражаларининг ҳар бири талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун алоҳида имкониятларни яратади.

Фикримизча, олий таълим муассасаларида ўқув фаолиятида талабаларнинг интеллектуал-ижодий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш босқичлари қуйидагилар:

- интеллектуал-ижодий қобилиятни шакллантириш ва ривожлантириш.

- талабаларнинг интеллектуал-ижодий кўникмаларини шакллантиришни мактаб давриданоқ бошлаш зарурлиги бу эса, кириш босқичини сезиларли даражада камайтиришга сабаб бўлади.

- интеллектуал-ижодий кўникмалар субъектив эмас, шунинг учун улар контекстли ёндашув ёрдамида шакллантирилади.

- бу жараёнда, ўз-ўзини кузатиш эса, бажариладиган ҳаракатларни мустақил тарзда баҳолаш қобилиятини билдиради.

Ҳаракат даражасида ижодкорликни таҳлил қилиш интеллектуал-ижодий жараённинг барча босқичларини ўз ичига олади. Интеллектуал-ижодий қобилиятлар ҳаракатлар тизимида уларнинг яхлитлигида намоён бўлади. Шунинг учун қобилиятларни таҳлил қилишдан олдин уларни синтез қилишга ўтиш керак.

Олий таълим муассасалари талабалари яхлит интеллектуал-ижодий жараёни учун тахминий асосни шакллантиришлари талаб қилинади. «Уни яратишга ўргатиш учун» - деб ёзади И.Я.Лернер «фақат битта йўл бор, унга интеллектуал-ижодий тартибларни, яъни интеллектуал-ижодий фаолият моҳиятини ташкил этувчи тузилмаларни ўргатиш зарур» [113; 128-б.]. Шундай қилиб, ҳозирги шароитда интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантириш учун талабалар ижодий фаолият механизмлари ҳақида билимга эга бўлишлари, мавжуд шароитда уларни қўллашни ўрганишлари ва

кўриб чиқилаётган мавзуда ностандарт муаммоларни ҳал қилиш стратегияларини аниқлашлари мақсадга мувофиқ.

Таҳлил ишларимиз натижасида «Энг юқори» даражадаги ижод бу жараённинг барча босқичларида максимал даражада мустақилликка эга бўлган яхлит ижодий фаолият сифатида намоён бўлади.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларида назарий жиҳатдан ижодкорлик тушунчаларини шакллантириш ва педагогик ижодкорлик хусусиятларини ажратишга эътибор бериш талаб қилинади. Ижодкорликни таҳлил қилишнинг дастлабки икки даражасида ўқитувчи ҳам етакчи, ҳам ижод намунаси вазифасини бажарувчи сифатида муҳим рол ўйнайди.

Ривожланишдан интеллектуал-ижодий қобилиятларни ўз-ўзини ривожлантиришга босқичма-босқич ўтишга интилиш зарур. «Интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантириш-шахснинг ижодий салоҳиятини онгли ва маълум даражада мустақил очиб бериш ва ривожлантириш жараёнидир. Бу жараённинг мақсади ва натижаси ижодий сифатлар ва қобилиятларнинг маълум даражада ривожланишига эришиш, восита ва усуллар эса шахснинг бу жараённи амалга ошириш имкониятлари ва қобилиятлари билан белгиланади».

Даражалар иерархияси интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантиришга босқичма-босқич ёндашишни талаб қилади. Бироқ, олий таълим жараёни учун ўқув даражалари иерархияси тушунчаси фақат нисбий бўлиши мумкин ҳамда, энг аввало, амалий ва назарий машғулотларда ва билимларни қўллашда даражалар ўзаро муносабатда намоён бўлади. Ўқув жараёни ҳар доим идентификациялаш, кўпайтириш, олинган маълумотларни қўллаш қобилияти ва билимларни ўзгартиришни бирлаштиради. Таълим даражалари иерархияси ва уларнинг узлуксиз таълим тизимидаги кетма-кетлиги доимо аниқ таълим вазифаларидан келиб чиқадиган муносабатларда бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз, ижоднинг турли даражаларига тааллуқли учта асосий иш соҳасини аниқладик (1.5.-расм).

Таълим жараёнини ташкил этиш шакллари мамалакатимиз ва хорижлик олимлар томонидан турли асосларга кўра таснифланади. Бизнинг тадқиқот ишимизда таълим шакллари (маъруза, семинар, амалий, лаборатория дарслари, илмий-амалий, ўқув конференциялар, маслаҳатлар, экскурсиялар, малакавий амалиёт, тезислар, мақола ёзиш ва ҳ.к.) назорат ва талабалар билимини баҳолаш шакллари, тестлар, жорий ва якуний назорат ишлари, илмий-тадқиқот ишлари шакллари (илмий тўгараклар, лойиҳа ишлари ва бошқалар). Талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун таълимнинг юқорида келтирилган турли шаклларини танлаш мавзу ва ўқув дастурининг ўзига хос хусусиятларига бевосита боғлиқ.




**1.5-расм. Ижоднинг турли даражаларига тааллуқли асосий иш соҳаси**

Ҳозирги кунда интеллектуал-ижодий қобилиятларнинг ривожланиши билан биргаликда методларнинг имкониятлари ҳам фарқланади. Тадқиқот ишларимизни назарий ва амалий жиҳатдан ёритишга ҳаракат қиламиз. Тадқиқот ишда амалий қисмни амалга ошириш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилади, яъни муаммоли тақдимот ва эвристик тадқиқот.

Талабаларда интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантириш ва таълимнинг замонавий тенденцияларига жавоб бериш бўйича қуйидагилар энг самарали ўқитиш воситалари бўлиб ҳисобланади: ўқув адабиётлари, тарқатма материаллар, моделлар, муляжлар жадваллар, магнитофон, видео проектор, тил хоналари, видеомаърузалар, компьютерлар, телекоммуникация тармоқлари ва бошқалар. Педагогик шарт-шароитлар педагогик фаолиятнинг асосий таркибий қисмларида ўз аксини топиши лозим.

Ҳозирда педагогик адабиётларда жумладан, Н.В.Кузьминанинг фикрича, ўқитувчи фаолиятининг асосий хусусиятлари ҳам тавсифий, ҳам қатъий тузилган шаклда келтирилган. Бўлажак ўқитувчи фаолиятининг асосий таркибий қисмларини конструктив (лойиҳалаш, моддий ва педагогик мақсадларни амалга ошириш воситаларини танлаш), ташкилий, коммуникатив (талабаларнинг ўзаро муносабатларини ўрнатиш қобилияти), гностик (билимни олиш ва ундан фойдаланиш қобилияти) деб ҳисоблайди [110; 65-б.].

Интеллектуал-ижодий қобилиятлар бу интеллектуал-ижодий жараён самарадорлигини белгиловчи психологик функционал тизимнинг индивидуал хусусиятидир. Бундан ташқари, интеллектуал-ижодий қобилиятлар умумий қобилиятлар тоифасига киради, чунки уларнинг намоён бўлиши ҳар қандай касбий фаолиятда мумкин ва улар ақл билан бирга махсус қобилиятлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳулоса қилиб айтадиган бўлсак, биз ижод тушунчасини ўрганиб, интеллектуал-ижодий қобилиятнинг муайян муаммосидан баркамол шахснинг умумий муаммосига қараб, шахсга хос белги (ўз-ўзига ишонч, янги ва ғайриоддий фикрларни қабул қилиш, мустақиллик, ақл очиқлик, аниқ ва ноаниқ вазиятларга юқори бағрикенглик, рефлексив позиция, бу вазиятларда конструктив фаолияти), қобилиятлар (билимларни янги вазиятларда қўллаш, муаммоларни кўриш, хотиранинг тайёрлиги, диалектик ва оригинал фикрлаш, тасаввур қилиш, мослашувчанлик, прогнозлаш, мустақил ва танқидий фикрлаш), ирода (ўз-ўзини тартибга солиш қобилияти,

қийинчиликларни бартараф этиш, ғояларни охиригача етказиш), ҳис-туйғулар (қизиқиш, ажабланиш, илҳомланиши) каби хусусиятлар ўрин олган. Ижодкор шахснинг юқорида қайд этилган барча хусусиятлари мажмуасининг намоён бўлиш мотиви шахснинг йўналганлигида, яъни танланган фаолиятга қизиқиш, билимга чанқоқлик, ўз-ўзини англашга интилишида бўлади. Бу хусусиятлар бўлажак мутахассисларнинг билиш фаолиятини амалга ошириши учун имкон яратади.

## Биринчи боб бўйича хулосалар

Бўлажак ўқитувчиларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича амалга оширган назарий ва амалий таҳлилларимиз ҳамда бизнинг илмий тадқиқотлар натижалари, олий таълим муассасалари тажрибаси шуни кўрсатадики:

1. Педагогик-психологик тадқиқотларимиз натижасида шахснинг интеллектуал-ижодий қобилиятлари муаммосига тўртта асосий ёндашув мавжуд эканлигини кўрсатади. Уларнинг ҳар бирида бизнинг тадқиқотимиз учун фойдали бўлган фикрларни кўрсатишимиз мумкин.

Биринчи ёндашув интеллектуал-ижодий жараённинг ўзига хос фаолият шакли сифатида мавжудлигини инкор этади, интеллектуал қобилиятларнинг максимал ифодаси сифатида аниқланади.

Иккинчи ёндашув эса, интеллектуал-ижодий ҳатти-ҳаракатлар ҳисобланади, яъни ниятлар, қадриятлар ва шахсий хусусиятларни ўзида ифода этади.

Учинчи ёндашувда шахснинг янги тушунча ва кўникмаларни ҳосил қилиш қобилиятини акс эттирувчи қобилиятни ифодалаш учун янги атама - ижодкорлик жорий этилди.

Аввалги ёндашувларни танқид қилишимиз синтетик ёндашувнинг пайдо бўлишига олиб келди, унда ижодкорлик интеллектуал ва шахсий, ижтимоий омилларни ўз ичига олган кўп ўлчовли ҳодиса сифатида тушунилади.

2. Манбаларда «қобилият», «иқтидор», «истеъдод» ва «салоҳият» тушунчалари гарчи ягона негизга эга бўлса-да, бироқ турли даражадаги хусусиятларни ифодалашни алоҳида таъкидлаб ўтамиз. Жумладан, қобилият «шахснинг муайян фаолияти юзасидан лаёқати ва унинг ишни муваффақиятли бажаришидаги ўзига хос имкониятларини ифодаловчи руҳий хусусиятлар», «шахснинг маълум фаолиятидаги муваффақиятларини ва осонлик билан бирон фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусиятлар» сифатида эътироф этилса, «инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларига нисбатан субъектив муносабати» эса, иқтидор дея талқин этилади.

3. Мустақил ва интеллектуал-ижодий фикрлаш замонавий шароитда бўлажак ўқитувчи профессиограммасининг доимий ва энг муҳим таркибий қисмларидан биридир.

Ўқитувчилик касбида ижодкорликнинг объектив заруриятидан келиб чиқиб, муайян моҳият ва процессуал хусусиятларга эга бўлган педагогик ижодкорлик тушунчаси пайдо бўлди.

Ўқитувчи ишининг ўз ишига фидокорона интеллектуал ижодий муносабати даражасини аниқлаш билангина тўғри баҳолаш мумкин. Шунингдек, ижодкорлик ўқитувчининг касбий мезонларидан биридир.

Шунинг учун, ўқитишда профессионалликка эришиш учун биринчи навбатда, интеллектуал ижодий қобилиятларни ривожлантириш, ҳар қандай қобилиятларни махсус ташкил этилган мақсадли ривожлантириш ўқув фаолияти орқали амалга оширилишига эришиши талаб этилади.

# II-БОБ. ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ-ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

## 2.1-§. Талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини тажрибада ўрганишнинг амалий шарт-шароитлари

Ўтган XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, педагогика ва психология фанлари доирасида шахснинг иқтидори, қобилиятлилик даражаси, қобилиятни мақсадли ривожлантириш масалаларини тадқиқ этишга киришилди. Етакчи психолог-педагог олимлар томонидан қобилиятлилик ва унинг даражаларини белгиловчи мезонларни ишлаб чиқилиши, шунингдек, қобилиятли шахсларнинг ўзига хос психологик сифатларининг тадқиқ этилиши ҳамда улар билан ижобий муносабатни тўғри ташкил этиш юзасидан тавсияларнинг илгари сурилиши нафақат соҳа ривожини таъминлаб қолмай балки, қобилиятли шахсларнинг «чексиз имкониятлари»дан самарали фойдаланиш мумкинлигини ҳам кўрсатиб берди [110; 120; 125; 132; 160].

1980 йилларда Ж.Уитмор қуйидаги омиллар болаларда алоҳида қобилиятнинг намоён бўлишига замин яратишини асослаб берди:

1. Мукаммалликка интилиш. Бу омил қобилиятли ёшлар учун камолотга интилишнинг ички эҳтиёжига эгалик қилишликдир. Улар юқори натижаларни қўлга киритмагунларича тўхтамайдилар, бунинг илк кўриниши жуда ёшликдан бошлаб кўзга ташланади.

2. Қониқмаслик туйғусига эгалик. Ўз-ўзига бундай муносабатда бўлиш қобилиятлилар нима билан шуғулланса уларнинг барчасида мукаммал бўлишга интилувчи ёшларга хос хусусият саналади. Улар шахсий ютуқларига танқидий ёндашадилар, кўп ҳолатларда булардан қониқмайдилар, бундан ўз-ўзини нотўғри ва паст баҳолаш каби ҳисси юзага келади.

3. Нореал (амалга ошиш имконияти кам бўлган) мақсадларга эгалик қобилияти. Қобилиятли ёшлар одатда ўз олдиларига юксак мақсадларни қўядилар. Қўйилган мақсадларга эришиш имкониятига эга бўлмасалар ҳам, улар ташвишлана бошлайдилар. Бошқа томондан қараганда, мукаммалликка интилиш юксак ютуқларга эришиш имконини берувчи кучдир.

Ўта сезгирлик қобилиятига эга бўлган ёшлар эшитиш имкониятининг юқорилиги туфайли улар муносабат ва алоқаларни яхши тушунадилар, улар нафақат ўзларига, шу билан бирга атрофдаги инсонларга нисбатан ҳам, танқидий муносабатда бўладилар. Бундай қобилиятли ёшлар жуда таъсирчан бўлиб, улар атрофдагилардан ўзларига нисбатан билдирилаётган ёқимсиз сўз ёки сўзсиз ҳаракатларнинг пайдо бўлиши биланоқ қабул қиладилар. Доимий равишда турли кўринишдаги салбий таъсирларга жавоб бераверишни оқибатида бундай ёшлар кўп ҳолларда ўта фаол ва тез чалғийдиган бўлиб қоладилар.

4. Катталарнинг эътиборларига эҳтиёж сезиш қобилияти. Табиатан қизиқувчанликлари ва билишга бўлган интилишлари натижасида бундай қобилиятли ўқувчилар кўп ҳолларда ўқитувчилар, ота-оналар ва бошқа катта ёшли кишиларнинг эътиборлари ўзларигагина қаратилишини хоҳлайдилар. Бошқалар билан ўзаро муносабатларида уларнинг бундай истаклари вазиятни кескинлаштирувчи зиддиятни келтириб чиқаради.

5. Сабрсизлик. Қобилиятли болалар кўп ҳолатларда ақлий жиҳатдан ўзларидан кўра паст салоҳиятга эга бўлган болаларга нисбатан сабрсизлик билан муносабатда бўладилар. Шу сабабли улар ҳаётда тоқатсизлик ва сабрсизликни ифодаловчи ташқи танбеҳларга дуч келадилар.

Талабаларнинг қобилият ва иқтидорини ривожлантиришда улар учун махсус дастурларни ишлаб чиқиш ҳам муҳим омиллардан бири саналади. 1980 йилларда америкалик олимлар М.Карне, А.Шведел ва С.Миннемайрлар талабаларнинг қобилияти ва иқтидорини ривожлантириш мақсадида махсус дастурларни ишлаб чиқишда қуйидаги тамойилларнинг инобатга олиниши муҳим эканлигини алоҳида қайд этиб ўтганлар:

1) Ҳар бир бола такрорланмас, ўзига хос ҳусусиятларга эга:

- қобилиятли болалар ўзларига нисбатан ниҳоятда танқидий ёндашадилар ва кўп ҳолларда у қадар ижобий бўлмаган «Мен» образига эгаликлари билан ажралиб турадилар;

- оила қобилиятли болаларга таълим беришда етакчи ўринни эгаллаши;

- ишлаб чиқиладиган дастурларда уларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларига мувофиқ келувчи турли-туман ўқув материаллари ўрин олиши;

- қобилиятли болалар учун ишлаб чиқиладиган дастур унинг ҳар томонлама ҳаракати, ҳиссиёти, шунингдек, мулоқот қилиш малакаларини шакллантиришдаги ўзаро мутаносибликни таъминлаши ҳамда уларни ривожлантиришга ёрдам бера олиши;

- «билимларни ўртача ўзлаштирувчи» талабалар билан бир гуруҳда ўқитилганда худди ўзлари сингари қобилиятли болалар билан мулоқот қила олиш имкониятларига эга бўлишлари;

- дастурларни амалга оширишга махсус тайёргарлик ва қобилиятли ёшлар билан ишлаш тажрибасига эга мутахассиснинг раҳбарлик қилиши юқори натижаларни қўлга киритишга имкон бериши;

- намунавий дастурлар уларни бир таълим муассасасида узлуксиз ўқитишни талаб этиши;

- ота-оналар ва педагоглар учун талабалар олдига қўйилувчи мақсадлар ва уларни амалга ошириш йўлларини аниқлашга бўлган муносабатларда ҳамкорлик қилишлари;

- раҳбарларни иқтидорли талабаларга таълим беришга жалб этишнинг зарурий йўлларини топиш кабилар [150].

Интеллектуал-ижодий қобилиятли талабалар билан нафақат таълим муассасасида, шу билан бирга оила муҳитида ҳам доимий равишда ишлаш, қулай педагогик шарт-шароитларни яратиб беришнинг муҳимлигини инобатга олган ҳолда амалиётчи-психологларнинг оилалар билан мустаҳкам алоқа ўрнатишлари мақсадга мувофиқдир. Ушбу алоқа доирасида уларнинг ота-оналарига талабалар қобилиятини ривожлантиришга оид маслаҳатларнинг

берилиши, психопрофлактик ишларнинг йўлга қўйилиши уларнинг ички имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқариш, интеллектуал-ижодий қобилиятларини тўғри йўналтириш, ўз кучларига ва келажакка ишонч каби туйғуларига эга бўлишларига ёрдам беради.

Олий таълим муассасаларида қобилиятли талабалар ўртасида психопрофлактик ишларнинг олиб борилиши шунинг учун зарурки, қобилиятли талабаларнинг ўта таъсирчанликлари, эътибор талабликлари улар томонидан салбий таъсирларни тез қабул қилинишига сабаб бўлади, натижада бундай талабаларда асабийлик, тушкунликка тушиш ҳолатлари тез-тез юзага келади. Илмий нақтаи назардан тўғри ташкил қилинган психопрофлактик ишлар юқоридаги салбий ҳолатларни бартараф этиш имконини беради.

Бизнинг таҳлилларимизча, бўлажак ўқитувчида касбий аҳамиятга эга сифатларни ривожлантириш учун унинг фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда шакллантириш зарур бўлган сифатларни таснифлаш зарур. Шу ўринда таъкидлашимиз жоизки, ўқитувчининг касбий сифатлари унинг педагогик фаолиятининг асосини ташкил қилиш керак. Шу жумладан, бўлажак ўқитувчининг касбий сифатлари В.Г.Рындак томонидан мукаммал тарзда таснифлаб берилган.

Ўқитувчининг касбий сифатларини ўрганган В.Г.Рындак қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди:

*I. Ўқитувчининг билим даражаси.* Ўқитувчи ўзининг ўқитадиган фанни етарли даражада билиши, ўқитиладиган фаннинг методикасини билиши, таълим фалсафасини тўғри англаши, психологияни билиши, замонавий педагогик технологиялар ва инновацияларни дарс жараёнида қўллай олиши, физиологияни билиши, ўқувчи ақлий фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиш жараёнлари ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларини билиши кабилар киради.

*II. Ўқитувчи фаолиятининг натижалари.* Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларнинг фанга доир билимларини мустаҳкам ва чуқур билишга эришиши, ўқувчиларда фанга қизиқишнинг шаклланганлиги, фан

бўйича билимларни дарс машғулотлари ва дарсдан ташқари фаолиятда мустақил қўллаш бўйича кўникма ва малакалар, ўқув меҳнати малакаларининг мавжудлиги, интеллектуал-ижодий қобилияти ривожланганлиги, ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган қобилиятнинг шаклланганлиги; ўқувчилар тафаккурининг ривожланганлиги.

*III. Гностик кўникмалар.* Бўлажак ўқитувчилар ҳамкасбларининг тажрибасини ўрганиши орқали ўз билимларини тизимли кенгайтира олиш кўникмаси, реал педагогик жараёндан янги билимларни ўзлаштириш кўникмаси; ўқувчиларнинг шахси ва қобилиятларини ривожланганлик даражасини, таълим-тарбия натижаларига таъсир этувчи шарт-шароитларни ўрганиш кўникмаси, ўз шахсини ва фаолиятининг ютуқ камчиликларини ўрганиши ҳамда уни қайта ташкил этиш кўникмаси.

*IV. Лойиҳалаштириш кўникмалари.* Дарс ва дарсдан ташқари таълимнинг мақсади, ўқув материалининг характери, таълим босқичларига мувофиқ равишда, фанлараро алоқани ҳисобга олган ҳолда режалаштириш, дарсдан ташқари ишлар ўтиладиган фан бўйича ўқув-тарбиявий жараёнинг мақсад ва вазифаларини режалаштириш, ўқувчилар фаолиятининг бир мунча рационал турлари ҳақидаги маълумотни ўзлаштириш ва уларга қийинчилик туғдириш хусусиятларини аниқлаш, дарсни олиб боришнинг самарали метод ва усулларини билиш, дарс ўтишга оид элементар кўргазмали воситаларни лойиҳалаштириш ва яратиш кўникмаси, кўргазмалилик вазиятлари ва таълимнинг техник воситаларини дарс ва дарсдан ташқари ишларда мақсадга мувофиқ равишда (методик мақсадга мувофиқ ҳолда) қўллаш кўникмаси, интеллектуал-ижодий ишлар ва уй вазифаларини режалаштириш.

*V. Амалий кўникмалар.* Таълимнинг умумий ва хусусий мақсадларини ҳисобга олган ҳолда ўқитишнинг усул ва услубларини танлаш, дарсда кўргазмали тажрибанинг жойи ва характерини аниқлаш, топшириқ ва машқларни таълим олувчилар учун қийинлигини ортиб бориши тартибида тақсимлаш, ўқув материалининг хусусиятлари ва ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда тўплаш ва меъёрга келтириш, материални

осондан мураккаб томон тамойилига кўра тақсимлаш, маълумотларни ўзлаштиришни назорат қилишнинг обеъкт ва усулларини, кўникмаларнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш, ўқувчиларнинг у ёки бу фаолияти турида юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни кўра билиш, ишнинг умумий, гуруҳий ва индивидуал шаклларини танлаш кўникмаси, белгиланган вақтни дарс босқичларига рационал тақсимлаш, бир босқичдан иккинчисига мантиқий ўтиш, ҳар бир дарсда ўқувчилар ишларини бошқариш.

*VI. Ташкилотчилик қобилиятлари.* Гуруҳ жамоаси ҳамда унинг фаолиятини бутун ўқув курси давомида ривожланиш динамикасини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, педагогик мақсадга мувофиқ тўғри бошқариш, дарсни педагогик меҳнатни илмий ташкил этишнинг асосий тамойилларига риоя қилган ҳолда, амалга ошириш мақсадида ўз фаолияти ва ўқувчилар фаолиятини самарали ташкил этиш, жамоавий, гуруҳий ва индивидуал фаолият, ўқитувчиларда ташкилотчилик воситаларини яратиш бўйича фаолиятни ташкил этиш, ижтимоий фойдали фаолиятга жалб этишнинг кўп қиррали шаклларини қўллаш, ўқувчиларнинг ўзаро ёрдамини рационал бошқариш, уларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, қўшимча дарс машғулотлари ва тўгарак машғулотларини ташкил этиш, дарсдан ташқари ишлар бўйича белгиланган режани амалга ошириш, баҳолаш ҳамда тузатишлар киритиш, ўқувчиларни ўқув, меҳнат, педагогик вазифаларнинг ечими билан боғлиқ бўлган фаолиятни ташкил этиш кўникмаси ҳамда янги мулоқот усулларини қўллаш кабилардан иборат.

*VII. Йўналганлик:* Сўз ва ишнинг бирлиги, ўқув-тарбиявий ишлардаги ижод, ўз касбига бўлган муҳаббат, жавобгарлик, виждонлилик, иш билан машғуллик, ўз фанига бўлган муҳаббат, болаларга бўлган ғамхўрлик.

*VIII. Характер:* Тенглик, ташаббускорлик, мулоқатмандлик, талабчанлик, адолатлилик, хушёрлик, сабрлилик, юмор ҳисси, хушчақчақлик, оптимистик хайрихоҳлик, самимийлик, меҳрибонлик.

*IX. Қобилиятлар.* Онгнинг равшанлиги, ривожланган тассавур, нутқнинг ифодалилиги, кузатувчанлик, санъаткорлик қобилияти [133; 176-б.].

Тадқиқот доирасидаги ишларимиз таҳлилларимиз асосида бўлажак ўқитувчининг меҳнат фаолиятини ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқдик. Уларнинг касбий фаолияти учта таркибий қисм – педагогик, психологик ва мутахассис таркибий қисмларининг интегратив бирлигини ифодалайди. Буларнинг охирги иккитаси кўпинча битта атама – педагог-ўқитувчи таркибий қисми сифатида бирлаштирилади.

Бугунги кунда мамлакатимиз олий таълим муассасаларида иқтидорли талабалар гуруҳларини ташкил этиш жараёни шуни кўрсатдики, талабаларнинг ўқув фанларини ўзлаштириши ёки уларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятлари йўналиши ва даражасини ҳиобга олиб, таълимни жорий этиш, биринчидан, билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантириш даврида қобилиятли болаларнинг имкониятларини, янада ривожлантиришга хизмат қилади; иккинчидан, уларнинг вақтини беҳуда сарфламаслик; учинчидан эса, талабалар ўртасидаги муносабатнинг мўътадиллигини таъминлашга имкон беради, яъни, юқорида таъкидлаганимиздек, психологик нуқтаи-назардан, интеллектуал-ижодий қобилиятли болалар эътибор талаб эканликлари боис, ўзларига нисбатан паст даража ва мавқедаги тенгдошларини камситиш ҳамда уларга нисбатан нотўғри муносабатда бўладилар.

Педагогика олий таълим муассасаларида интеллектуал- ижодий қобилиятли талабаларни саралаш бевосита уларни қобилиятларининг йўналишлари ва даражаларига кўра муайян гуруҳларга бириктириш асосида ўқитилиши талаб қилинади. Шу маънода, олий таълимда табақалаштирилган таълим ўзига хос афзалликларга эга бўлиб, уни жорий этиш орқали иқтидорли талабаларни саралаш асосида ҳар бир ўқитувчи қобилиятли талабаларнинг ички имкониятларини тўла рўёбга чиқариш, уларда ижодкорлик хислатларини шакллантиришга ўз ҳиссасини қўша олиши кабилар талаб этилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтадиган бўлсак, педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш таълим муассасаси жамоаси эътиборини ягона мақсадга қаратиш, шунингдек, бу жараёнга жамоатчиликни фаол жалб этиш орқали эришилади деб ҳисоблаймиз (2.1-расм).




**2.1-расм. Иқтидорли талабаларни саралаш асосида табақалаштирилган таълимни жорий этиш**

Олий таълим муассасаларида талабалар табақалаштирилган таълим дастури бўйича ташкил этиладиган ҳар бир машғулотда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритиш имкониятларига эга бўлишлари керак. Табақалаштирилган гуруҳларда шуғулланиш талабаларни доимий равишда ўз устида ишлашга йўналтиради, бу эса, уларга ўз гуруҳларидан кўра қобилиятлироқ талабаларга бириктирилган гуруҳларга ўтишлари учун зарур шарт-шароитларни яратади. Энг қобилиятли талабалар эса ҳар бир машғулотда янги ўқув материалларини муҳим ахборот ва техник воситалар ёрдамида ўзлаштирадилар.

Таълим жараёнида табақалаштирилган ёндашув асосида фаолият олиб бориш умумий ва махсус фан ўқитувчиларидан комил инсонга хос сифатларга

эга бўлишни талаб этади. Бу каби сифатлар қаторига ўзларининг мутахассислик фанлари асосларини чуқур ўзлаштириш, кенг илмий тафаккур эга бўлиш, таълим олувчиларни тушуна оладиган, ижодкор, сабр-тоқатли, юқори даражадаги умуминсоний маданиятга эга, ҳозирги замон технологияларидан самарали фойдалана оладиган, талабаларга шахсий намуна кўрсатувчи, ташаббускор, мавжуд вазиятни адекват баҳолай оладиган, талабчан, интизомли, изланувчан, ижодкор, ўзгаларнинг фикрларини ҳурмат қиладиган шахс каби киради.

Табақалашган таълим асосини таълим олувчиларнинг «Мен» концепцияси туради. Шунингдек, бунда уларнинг билишлари, интеллектуал-ижодий ва ҳиссий қобилиятлари кескин ривожланади ва шу орқали таълимнинг демократлашувига эришилади. Бундан ташқари талабанинг имкониятлари рўёбга чиқади, талаба ўзига нисбатан ишонч, қатъиятли ва шижоатли бўлади, ундаги ҳадиксираш, тортинчоқлик ва хавотир йўқолади, ички ҳис-туйғулари кескин ривожланади, эркин ва мустақил фикрлаш кўникмасига эга бўлади, ахлоқ-одоби, интизоми ҳамда масъулияти ортади.

Педагогика олий таълим муассасаларида психологик хизмат асосида қобилиятли, иқтидорли талабаларни аниқлаш, уларни саралаш, табақалаштирилган гуруҳларга бириктириш асосида интеллектуал-ижодий қобилиятларини янада ривожлантириш мақсадида таълим-тарбия ишларини амалга ошириш бу ҳали тўла муваффақиятга эришилганликни англатмайди. Талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган фаолият самарадорлигини педагогика олий таълим муассасиларида умумий педагогик-психологик назоратнинг изчил ва тизимли олиб борилиши билан белгилаш мумкин.

Назоратни ташкил этишнинг энг муҳим воситаси - бу талабаларнинг шахсий психологик харитаси ҳисобланади. Педагогика олий таълим муассасасида таълимни эгаллаш даврида талабалар томонидан ташкил этиладиган умумий фаолият мазмуни, моҳияти, улар томонидан қўлга киритилаётган ютуқлар, интеллектуал-ижодий қобилиятлари даражаларини

белгиловчи психологик ташхис натижалари педагогик назоратнинг асосий таркибий унсурлари бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Таълим муассасаларида психологик-педагогик назорат учун масъулият амалиётчи-психологларнинг зиммаларига юкланиши керак. Бинобарин, улар мавжуд ҳолат натижаларининг таҳлилларига таянган ҳолда истиқбол режаларини ишлаб чиқиши ҳамда амалий фаолият йўналишини белгилаш жараёнларида махсус тайёргарликка эга бўладилар. Бироқ, мазкур назорат жараёнини бир гуруҳ мутахассислар иштирокида ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бинобарин, интеллектуал-ижодий қобилиятли талабалар руҳиятида кечаётган айрим ҳолатлар мутахассислар томонидан баҳоланиши талаб этилади.

Шундай қилиб, педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш жараёни кўп қиррали, мураккаб психологик жараён бўлиб ҳисобланади, уни самарали ташкил этиш таълим муассасаси ва унинг педагоглар жамоасидан педагогик билимларни пухта ўзлаштирилишини, амалий ташкилий-технологик ва методик жиҳатдан тўғри ташкиллаштирилишини тақозо этади. Шу билан бирга, ушбу жараённи ташкил этишда мавжуд ҳолатни ўрганиш, бу йўлдаги амалий ҳаракатни тизимли равишда олиб бориш учун зарур чора-тадбирларни белгилашга ёрдам беради. Шу сабабли, дастлабки педагогик тажриба-синов ишлари даврида педагогика олий таълим муассасаларида талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган педагогик ҳаракатнинг мавжуд ҳолати ўрганилди.

## 2.2-§. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал- ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённи ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари

Тадқиқотимиз доирасида мамлакатимиз ҳамда хорижий педагог-психологларини тадқиқот муаммосига оид шахс интеллектуал-ижодий

қобилиятларини ривожлантириш борасидаги илмий тадқиқот ишларини таҳлил қилдик ҳамда шу асосида педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш йўлларининг моҳиятини қуйидагича ифодаладик:

1. Соҳага оид мавжуд тажрибаларни ўрганиш. Бугунги кунда қобилиятли талабаларни аниқлаш, уларни саралаш ва иқтидорли талабалар таълимини ташкил этиш борасида мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимида ривожланган ҳорижий мамлакатларнинг бой тажрибалари асосида муайян тажрибалар тўпланган. Жумладан, бу борада М.Карне, Ш.Баратов, М.Давлетшин, М.Каримоваларнинг йўналишга оид қарашлари ҳамда Векслер ўлчови, Торренс тести, Слоссан тести, Вайланд ўлчови, Блум таксономияси, Калифорния ўлчови, Рензулли, Уилям ҳамда Гилфорд андозалари билан танишиш ва улардан маҳаллий шарт-шароитлар, миллий, маҳаллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда мақсадли фойдаланиш олий таълим муассасалари, шу жумладан, педагогика олий таълим муассасалари фаолиятида интеллектуал ижобий қобилиятли, талабалар билан ишлаш самарадорликни таъминлайди.

Олий таълим муассасаларида интеллектуал-ижодий қобилиятли талабаларни аниқлаш, уларни саралаш ва уларга таълим бериш тўғрисидаги илғор қарашлар, шахснинг қобилиятлилик даражасини аниқлашга ёрдам берувчи махсус тестлар, кўргазмалар ташкил этишлари, алоҳида аудиторияни улар билан жиҳозлашлари, умуман олганда, таълим муассасаларининг қобилиятли талабалари, уларнинг ижодий қобилиятлилик даражаси, улардан самарали фойдалана олиш имкониятлари ва қўлга киритган ютуқлари ҳақидаги умумий маълумотларни ҳосил қилишлари таълим муассасаларининг педагогик жамоалари ҳамда ота-оналарнинг назарий-методик билимларини бойитишга хизмат қилади.

Шунингдек, педагогика олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагоглар ҳамда гуруҳ раҳбарларининг талабалар интеллектуал-ижодий қобилиятларини аниқлашга оид тузилган махсус тестлар,

сўровномаларнинг, моҳияти билан таништириш, улардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, умумий ва интелектуал ижодий қобилиятни ривожлантиришга хизмат қилувчи тўгараклар фаолияти, режа ва дастурларни ишлаб чиқиш малакаларини ҳосил қилиш мақсадида маърузалар, амалий машғулотлар, семинар, тренинг, дебат ва давра суҳбатларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

2. Олий таълимда психологик хизматни ташкил этиш. Педагогика олий таълим муассасаларида психологик хизматни йўлга қўйиш натижасида таълим субъектлари орасидан қобилиятлиларини танлаб олиш, уларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларининг йўналишлари даражасини аниқлаш, ривожланиш дастурлари ёки бу борадаги илмий тавсияларини ишлаб чиқиш, узлуксиз ва тизимли тарзда талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожланиш самарадорлигини ўрганиш ва ушбу маълумотларни таҳлил қилиш фаолиятлари талабаларнинг индивидуал хусусиятларини ўрганишга имкон беради.

Педагогика олий таълим муассасаларидаги психологик хизмат - замонавий таълим тизимининг таълим ва тарбияда талабаларнинг лаёқат, қобилият, қизиқиш ва иқтидорларидан иборат ақлий ва шахсий имкониятларини ўз вақтида намоён бўлиши ва улардан максимал даражада тўла фойдаланишини таъминловчи муҳим восита ҳисобланади.

Психологик хизмат, шунингдек, талабаларнинг психологик ривожланиш захираларининг ўз вақтида рўёбга чиқарилишига имконият яратади. Агар гап қобилиятли талабалар ҳақида борганда, психологик хизмат ўқитувчиларнинг юқори даражадаги қобилиятларини вақтида аниқлаш ва уларнинг руҳий ривожланишини такомиллаштирилишини таъминлайди.

Олий таълим тизимида йўлга қўйилган психологик хизмат моҳиятидан келиб чиққан ҳолда педагогика олий таълим муассасаларида ҳам ундан фойдаланиш ҳар бир талабанинг ички имкониятларини тўлиқ ўрганиш, кенг кўламли тадқиқ қилиш, уларда муайян йўналиш бўйича намоён бўлувчи интеллектуал қобилиятни аниқлаш ва даражаларини белгилаш, мавжуд

ҳолатларга мувофиқ талабаларни махсус гуруҳларга бириктириш ҳамда уларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини бойитишга хизмат қилувчи ривожланиш дастурларини яратиш мумкин бўлади.

Биз тажриба-синов ишларини олиб борган педагогика олий таълим муассасаларида психологик хизмат воситасида интеллектуал-ижодий қобилиятли талабаларни аниқлаш ва уларни саралашда мазкур таълим муассасаларида фаолият юритаётган амалиётчи-психологлар муҳим рол ўйнайдилар. Уларнинг гуруҳ раҳбарлари, фан ўқитувчилари ҳамда ота-оналар билан ҳамкорликда амалга оширувчи кенг кўламли фаолиятлари натижасида интеллектуал-ижодий қобилиятли талабаларнинг ички имкониятларини тўла рўёбга чиқариш имконияти юзага келди. Амалиётчи-психологларнинг талабалар билан яқин ҳамкорлик ўрната олишлари ҳам сўз юритилаётган жараён муваффақиятининг гарови ҳисобланади.

Бугунги техника ва технология жадал ривожланган мавжуд шароитда олий таълим муассасаларида янги билим соҳаларини излаш ва очишга уриниш кучайди. Жумладан, бугунги кунда педагогика, иқтисодиёт, маданият, енгил саноат, техника, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам фаолиятнинг интеллектуал-ижодий хусусият касб этиши, бунда техник ва технологик воситалар ёрдамидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, шунингдек қўшма дастур асосида қушма факультетлар фаолияти йўлга қўйилди.

Интеллектуал-ижодий қобилияти юқори бўлган талабада эса, қуйидаги сифатлар намоён бўлади (2.1-жадвал).

**2.1-жадвал.**

**Интеллектуал-ижодий қобилияти юқори бўлган талабалар сифатлари**

| **Таваккал қилиш қобилияти** | **Бой тасаввурга эгалик** |
|---|---|
| Фалсафий фикрлаш қобилияти | Талабада ички сезгининг ривожланганлиги |
| Фикр юритиш ва ҳаракатни ташкил этишдаги тезкорлик | Турли вазиятларни бирдек қабул қилиш ва уларга жавоб бериш қобилияти |

| | |
|---|---|
| Тафаккур тезлигига эгалик | Юксак бадиий қадриятларга эгалик |
| Янгилик яратиш лаёқатига эгалик қобилияти | Ўзига хос (оригинал) ғояларни илгари сура олиш қобилияти |

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида интеллектуал-ижодий қобилиятни шакллантириш таълим-тарбия жараёнининг муҳим таркибий қисми саналади. Зеро, бўлажак бошланғич таълим, жисмоний тарбия, тасвирий санъат, меҳнат ва мусиқа ўқитувчилари сифатида уларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятга эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга.

Шахснинг ҳиссий қобилиятга эгалиги унинг атрофдагилар билан ижтимоий муносабатларни тўғри ташкил эта олишига имкон беради. Зеро, бу қобилият нафақат ўзлигини тушуниш, шу билан бирга атрофдагиларнинг уй-хаёллари, ички кечинмалари, орзу-ўйларини тушуниш, уларни ҳис қила олиш, руҳан яқин бўлишига имкон яратади. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятга эга бўлишлари эса, таълим ва тарбия жараёнларининг фаол субектлари-ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги муносабатларнинг бир хил тартибда кечишини таъминлайди ҳамда юзага келиш эҳтимоллиги бўлган зиддиятларнинг олдини олиш, уларни бартараф этишга хизмат қилади. Ҳар бир талабанинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиш ҳамда унга мувофиқ тарзда ёндашиш, шунингдек, талабаларнинг хатти-ҳаракатларини. тўғри тушуниш, билдираётган фикрларига ишонч билдиришда бўлажак педагогларнинг ҳиссий қобилиятга эга бўлишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Талабалар билан руҳий-ҳиссий яқинлик педагогик фаолият муваффақиятининг гарови бўла олади.

Ҳиссий қобилияти юқори бўлган шахсда эса қуйидаги психологик сифатларнинг кўзга ташланиши характерлидир (2.2-жадвал).

**2.2-жадвал.**

**Ҳиссий қобилияти юқори бўлган шахснинг психологик сифатлари**

| «Менлиги»ни англай олиши | Ички рағбатга эгалиги |
|---|---|

| | |
|---|---|
| Атрофдагиларга ҳурмат-эътиборли бўлиши | Фикрлаши ҳамда ижодий фаолиятда мустақил бўлиши |
| Болаларни яхши кўриши | Юмор ҳиссига эгалиги |
| Болалар ва инсонларнинг ўзига хос хислатларига тоқатли бўлиши | Ўз-ўзини таҳлил этиш ва ўз-ўзини бошқариш лаёқатига эгалиги |
| Ахлоқий меъёрларга ҳурмат билдириши | Мусобақалашиш малакасига эгалик |
| Танқидга нисбатан сабрли бўлиши | Ўз кучи ва қобилиятига тўла ишониши |
| Моддий ва маънавий омилларни ажрата олиш лаёқатига эгалиги | Топшириқларни бажаришдаги тиришқоқлиги |
| Ўзини таҳлил қила олиш лаёқатига эгалиги | Турли хилдаги такдирланишларни кутиб яшамаслиги |
| **Ахлоқий муаммоларни таҳлил этишда аниқликка эришиш** | |

Гарчи психологик-педагогик манбаларда шахс юқори даражадаги жисмоний имкониятларига кўра ҳам қобилиятли саналиши айтиб ўтилган бўлса-да, муайян йўналишлардаги қобилият тўғрисида гап борганда жисмоний қобилият тўғрисида батафсил сўз юритилмаган.

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш мураккаб жараён саналганлиги боис, уни мазкур жараённи самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот ишимиз олиб бориш мобайнида биз томонимиздан талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришга мўлжалланган «Талабалар интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш дастури» номли махсус дастур ишлаб чиқилди. Бунда биз педагогика олий таълим муассасасининг ички имкониятларини эътиборга олдик. Ушбу ривожлантириш дастури қуйидаги таркибий тузилмалардан иборат бўлди:

I. Дастурнинг мақсади: педагогика олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятлиларини аниқлаш, улар ўртасидан қобилиятлиларини ажратиб олиш ва уларнинг қобилиятларини ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

II. Дастурнинг вазифалари:

1. Шахс қобилиятини аниқлашга оид махсус психологик тестларни танлаш. Махсус тайёрланган тестлар ёрдамида талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини йўналиши ва даражаларини ўрганиш асосида уларни объектив баҳолаш.

2. Педагогика олий таълим муассасаси талабалари орасидан қобилиятлиларни ажратиб олиш ва уларнинг қобилиятларини ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

3. Қобилиятли талабаларнинг табақалаштирилган таълим асосида ўқитиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

4. Сараланган талабаларни «Кичик академия» талабалар илмий марказлари, тўгараклар ҳамда «Мунозара», «Ёш педагоглар», «Инновацияни тарғиб этувчи педагог», «Энг фаол китобхонлар», «Зулфияхоним қизлари», «Моҳир қўллар», «Ораста қизлар» клублари фаолиятига жалб этиш асосида уларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини янада ривожлантириш борасидаги амалий ҳаракатларни ташкил этиш.

5. Муайян даврларда махсус синовлар, ўқув тестлари, эксперт баҳолаш, савол-жавоб, суҳбат, интеллектуал-ижодий танловлар асосида педагогика олий таълим муассасалари талабалари қобилиятларининг ривожланганлик даражасини ўрганиш.

III. Кутилаётган натижа: педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг билиш, интеллектуал-ижодий, ҳиссий ҳамда педагогик қобилиятларини амалий натижалари (улар томонидан қўлга киритилган ютуқлар) билан тасдиқланиши.

IV. Иқтидорли талабалар қобилиятларини самарали ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситалари.

Кутилган натижага эришилганлик даражаси бу ҳақида қуйида батафсил тўхталиб ўтилади.

Педагогика олий таълим муассасаларида интеллектуал-ижодий қобилиятли талабаларни аниқлаш, уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш, интеллектуал салоҳиятини ўстириш мақсадида олий таълим

муассасаларида «Иқтидорли талабалар билан ишлаш маркази» ташкил қилинган. Айни вақтда қобилиятли ва иқтидорли талабалар билан ишлаш маркази қуйидаги олти йўналиш бўйича фаолият олиб бормоқда.

1. «Кичик академия» йўналиши (махсус, аниқ, табиий ҳамда ижтимоий-гуманитар фанлар, филология, олимпиада қатнашчилари, илмий изланувчилар, мустақил тадқиқотлар, билимдонлар, ижодкорлар, «Заковат», «Интеллектуал ринг», инглиз тили ва таржимонлик, энг фаол китобхон).

2. Маданият ва санъат йўналиши (қўшиқ, рақс, созандалик).

3. Ахборот технологиялари йўналиши (операторлик, комьпютер графикаси, комьпютер дизайнери).

4. Ижод гулшани йўналиши (назм, наср, журналистика).

5. Миллий ҳунармандчилик ва амалий санъат йўналиши (қўл меҳнати, қоғоз ва турли материаллардан буюм ва ўйинчоқларни ясаш, тикувчилик, каштачилик, зардўзлик, наққошлик, тасвирий санъат).

6. Спорт йўналиши (бокс, қўл жанги, енгил атлетика, таэквандо, қўл тўпи, баскетбол, волейбол, футбол, теннис, шахмат, шашка).

Биз томонимиздан педагогик тажриба-синов ишлари олиб борилган педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича ташкил этилган йўналишларда амалга оширилган ишлар ҳақида қуйида батафсил тўхталиб ўтамиз.

«Кичик академия» гуруҳи аъзолари умумкасбий ва мутахассислик фанлари бўйича интеллектуал-ижодий қобилиятга эга, шунингдек, бу гуруҳга алоҳида қизиқиши бўлган талабалар жалб этилиб, уларнинг назарий билимларини узликсиз равишда изчил ошириш, амалий кўникма, малака ва компетенцияларини бойитишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу йўналишда олиб борган фаолиятимиз давомида гуруҳдаги талабаларнинг билиш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён қуйидаги кўринишга эга бўлди:

- фан олимпиадаларга тайёргарлик;
- илмий ва интеллектуал-ижодий изланишлар;

- семинарлар ва давра суҳбатларида иштирок этиш;

- «Заковат ва билимдонлик шоҳсупаси», «Уйла, изла, топ» ақлий ўйинлар воситасида талабаларнинг интеллектуал салоҳиятларини узлуксиз ошириш;

- эркин мавзуларда интеллектуал-ижодий ишларни тайёрлаш;

- иқтидорли талабалар гуруҳларида ишлаш.

«Кичик академия»да амалий машғулотларни технологик ёндашув асосида шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилаётганлиги талабаларнинг умумий ва махсус фанларга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжларини оширибгина қолмай, уларда эркин, мустақил фикрлаш тафаккурини шакллантиришга, амалий педагогик кўникма ҳамда малакаларини ҳосил қилишга хизмат қилмокда. Жумладан: ижтимоий мақсадларни шакллантириш ва уларга эришиш йўлларини аниқлаш. Масалан, «Соғлом турмуш тарзи - камолот гарови», «Ёшлар фаоллиги тараққиёт кафолати», «Маънавий ва моддий бойлик икки қутб ёки параллел чизиқлар», «Умр камолот майдони ёки тубанлик жари» ва бошқа мавзуларда мақсадни аниқ қўя билиш ва уларга эришишнинг самарали йўлларини асословчи лойиҳаларни яратиш, уларни ҳимоя қилиш); ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига оид масалалар бўйича муаммоли вазиятларни хал қилиш, жумладан: ижтимоий-иқтисодий муносабатларга оид - «Ўртоқлари билан дўконга кирган Жамшид харид қилган маҳсулоти учун пул тўлар экан, маҳсулотнинг сертификатини сўради. Бироқ, сотувчи ҳозир сертификатни кўрсата олмаслигини, чунки у сейфда бўлиб, у қулф, очқичи эса, дўкон мудирида эканлигини айтди. Жамшид у ҳолда пулини қайтариб беришларини талаб қилган эди, сотувчи рад жавобини бериб, пулни касса назоратидан ўтказиб қўйганлигини, шу сабабли уни қайтариб бера олмаслигини айтди. Жамшид эса, ўз талабида қатъий туриб олди. Шунда ўртоқлари: «Одамлар бизга қарашаяпти. Бизни ноқулай аҳволга қўйма. Олинган маҳсулотни қайтариб нима қиласан, у соғлиғингга шунчалик ёмон таъсир қилармиди? Мана биз ҳеч қачон маҳсулот учун сертификат талаб қилмай харид қиламиз»,

дея насиҳат қилишди. Сизнинг фикрингизча, бу ўринда кимнинг ҳаракатлари тўғри:

1) маҳсулот учун сертификат талаб қилган Жамшиднинг ҳаракатлари;

2) сертификат қулфланган сейфда бўлганлиги сабабли, уни кўрсата олмаган сотувчнинг ҳаракатлари;

3) пулни касса назоратидан ўтказиб қўйганлиги сабабли уни қайтариб бермаган сотувчи;

4) маҳсулот учун пулни тўлаётганда сертификатни талаб қилган Жамшид;

5) дўкондаги одамлар ўзларига қарашаётганлигидан ҳижолат бўлган ўртоқлари.

Оилавий муносабатларга оид - «Она 17 ёшли ўғлини доимий равишда назорат қилади, унинг эркин хатти-ҳаракат қилишига йўл қўймайди. Кунлардан бир куни ўғил онасига: «Мен энди ёш бола эмасман. Мени назорат қилишга ҳақли эмассиз!» дея ўз норозилигини билдирди. Сиз қандай фикрдасиз:

1) она ўғли 40-50 ёшга чиққанда ҳам уни назорат қилишга, тергашга ҳақлими;

2) онанинг доимий равишда вояга етаётган ўғлининг назорат қилиши уни эркин, мустақил ўсишига тўсқинлик қилиши тўғрими?

3) ўғил ўз норозилигини бошқача тарзда, масалан, ётиғи билан ифодалаши зарур эдими.

Кийиниш маданияти масалаларига оид - «Камолаларнинг уйларида катта ёшлилар миллийликни улуғлашади. Шу руҳда тарбияланган Камола дугоналаридан фарқли равишда замонавий кийинмайди. Шу сабабли дугоналари Камоланинг бу хатти-ҳаракатларини танқид қилиб, уни «қолоқлик» да айблашди. Зиёда ҳатто туғилган кунини нишонлаш арафасида турган Нилуфарга «Камолани таклиф қилма, бегона меҳмонлар олдида у бизни уялтиради» деб кўрсатма берди. Сизнинг фикрингизча:

1) Камоланинг дугоналаридан ажралиб қолиши тўғрими?

2) Зиёданинг таклифи ўринлими, чунки, бегона меҳмонлар Камола туфайли бошқаларга ҳам «маданиятсиз» деб баҳо беришадими, шу сабабли бунинг олдини олишида қандай йўл тутиш керак;

3) Камола «европача маданият»ни «улуғлаётган» дугоналарига миллийлик миллатнинг мавжудлигини, шундай миллат борлигини кўрсатувчи муҳим далил эканлигини тушунтириши маъқулили.

Таълимий муносабатларга оид - «Дилшод бу йил мактабни битиради. Шу боис, олий таълим муассасасига ўқишга кириш учун ҳужжат топширишга тайёрланмоқда. Пухта билим олиш, иқтисодиёт йўналиши бўйича ўқув фанларидан билимларини мустаҳкамлаш мақсадида якка тартибда (репетиторлик асосида шуғулланмокда. Репетитор сифатида эса, ўзининг табиий фанлар ўқитувчиларини эмас, илмий-тадқиқот институтида фаолият юритувчи мутахассисни танлади. Чунки, ўз ўқитувчиларининг иш услублари уни қониқтирмас эди, унинг мактабдан ташқари шароитда қўшимча дарс машғулотига қатнашаётганидан хабар топган математика фани ўқитувчисининг Дилшодга нисбатан муносабати ўзгариб қолди, гарчи берилган топшириқларни тўғри ҳал қилсада, бироқ унга ёмон баҳолар қўяр, бўлар-бўлмасга танқид қилар эди. Дастлаб, бунга у қадар эътибор бермади, аммо кейинроқ ўқитувчининг ўзига нисбатан салбий муносабати унинг нафсониятига тега бошлади. Охир-оқибатда математика ўқитувчисига «Мен Сиздан қўшимча таълим олмаётганлигим учун шундай қиляпсизми? Кимнинг ёрдамида шуғулланишни мен ўзим ҳал қиламан. Менга нисбатан муносабатингизни ўзгартирмасангиз, устингиздан тегишли орган ёки шахсларга шикоят қиламан» - деди. Ўқитувчи эса, биринчидан, унга нисбатан ёмон муносабатда бўлаётганлигини исботлай олмаслигини, иккинчидан эса, мактаб раҳбарияти ҳам унинг тарафдори эканлигини, учинчидан, барибир ундан ёрдам сўраб келишга мажбур бўлишини айтди. Сизнинг фикрингизча:

1) Дилшод тутган йўл қай даражада тўғри - қўшимча таълим олиш учун ўзига мурожаат қилмаганлиги ўқитувчининг иззат-нафсига тегадими?

2) Дилшод пулли таълим олмоқда, шу сабабли маблағни етарлича билим бера олмайдиган ўқитувчига бермасликка унинг ҳаққи борми?

3) демократик тамойилларга мувофиқ Дилшод кимдан қўшимча таълим олишни ўзи мустақил ҳал қилади ва унинг бу хатти-ҳаракатини қоралашга ҳеч ким ҳақли эмасми?

4) Дилшод ўзи тутган йўлни ўқитувчига ётиғи билан тушунтириши, унинг иззат-нафсига тегмаган ҳолда вазиятни юмшатиши зарур эдими.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, олий таълимда талабаларни муаммоли вазиятларни ечишга ундаш уларнинг педагогик фаолият моҳиятини тўғри англаб етиш, кутилмаган вазиятларга тайёр туриш, юзага келган зиддиятларни ижобий ҳал этиш, талабалар ва уларнинг ота-оналарига бевосита педагогик ёрдам кўрсатиш малакаларига эга бўлишлари учун мустаҳкам замин яратади. Шунингдек, уларда:

- муаммони кўра билиш;

- уни ижобий ҳал этиш йўлларини белгилаш;

- муаммонинг ечимини топиш;

- ечимнинг тўғри ва ҳаққонийлигини исботлаш;

- муаммонинг ечими борасидаги шахсий қарашларини асослаш каби таркибий унсурлар ёрдамида талабаларнинг билиш фаоллиги ривожланади.

«Кичик академия», шунингдек, талабаларда мантиқий тафаккурни ривожлантиришга имкон берувчи педагогик фаолиятни ҳам ташкил этишга ёрдам беради. Бунда талабалар орасидан ажратиб олинган қобилиятли ёшлар ўртасида мантиқий ечимларга эга машқ ва мисолларни бажариш бўйича табақалаштирилган-мустақил машгулотларни ҳам ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда бир қатор материаллар тўпланди.

Мазкур талабни амалга оширишда: муаммоларни ҳал қилишнинг янги имкониятлари пайдо бўлишини англаш ўқитувчининг маълум бир ҳаракатлари кетма-кетлигини назарда тутади.

Талабаларнинг интеллектуал-ижодий муаммога бўлган қизиқишларини шакллантиришда инсоннинг ўз идроки ва ҳаракатида энг аҳамиятли деб

ҳисоблаган нарсага педагогика фани ақлий эътибор сифатида қарайди. Талабаларда қизиқишлар шахсий ва ижтимоий бўлади. Уларда муаммони топиш ва олдини олиш учун эҳтиёж бор, яъни муаммони ислоҳ қилиш, ёки янги муаммоларни излаш, бундай ҳолларда талаба-ёшларнинг мавзуга оид шахсий муносабати, ўз позицияси «ихчамлаштирилади» ҳамда ҳал этилмаган илмий муаммоларни шакллантириш ҳам қизиқарли бўлиб ҳисобланади.

Таълим олувчи талабаларда ўз қобилиятларидан қониқмаслик туйғулари баъзида пайдо бўлади ва ҳар қандай муаммо интеллектуал қийинчилик ҳолатининг юзага келиши билан чамбарчас боғлиқ, аммо қийинчилик даражаси баъзида ўзгариши мумкин. Бизнинг назаримизда, муаммонинг ечимини кечиктириш баъзида яхши бўлади, чунки ҳозирги вақтда уни ҳал қилишда айрим қийинчиликлар туғилиши табиий ҳол.

Талабаларга берилган муайян вазифа бир қанча дидактик функцияларга эга бўлиши мумкин, улардан бири унинг етакчилик ролини белгилайди. Бугунги кунда вазифаларнинг турли таснифлари мавжуд.

1. Талабалардан (таклифлар, билиш, қўллаш) операцияларни (таниб олиш, кўпайтириш) бажаришни талаб қиладиган вазифалар.

2. Талабалардан элементар ақлий операцияларни (анализ, синтез, таққослаш, таснифлаш, сабаб-оқибат муносабатларини ўрнатиш) бажаришни талаб қиладиган вазифалар.

3. Маълумотлар билан мураккаб ақлий операцияларни талаб қиладиган вазифалар (индукция, дедукция, талқин, текшириш).

4. Ақлий операциялар ҳақида қўшимча баёнотлар талаб қиладиган вазифалар (ҳисоботларни ишлаб чиқиш; мустақил иш, жорий ва якуний назорат иши).

5. Интеллектуал-ижодий фикрлашни талаб қиладиган вазифалар (амалий иш, амалда қўллаш, кузатишлар ёки мулоҳазалар асосида аниқлаш, мустақил тарзда муаммони шакллантириш, муаммони ҳал қилиш).

Олий таълим муассасаларида дарс жараёнида муаммоларни ҳал қилишда самарали ва репродуктив ҳаракатлар комбинациясига кўра:

- репродуктив вазифалар барча элементар амалларни бажариш учун оғзаки дастур асосида ҳал этилади, уларни қўллаш шартларини кўрсатади;

- муаммоли ҳарактердаги вазифалар, алгоритм бўйича ечилади, шунинг учун муаммоли характердаги ҳаракатлар талаб қилинади;

- кичик гуруҳларда ишлаш, ўзгартирилган вазифалар янги вазиятларда қўлланади ва фойдаланишни талаб қилади;

- интеллектуал-ижодий қидирув муаммолари мантиқий таҳлил ва интуиция комбинацияси орқали ҳал этилади.

Кўриб турганимиздек, бу таснифларда интеллектуал-ижодий вазифалар ҳам мавжуд. Бироқ, бу вазифалар умумий тарзда тақдим этилади, ҳамда албатта қарорлар қабул қилинади.

Дарс ва дарсдан ташқари шароитда муаммоли таълимни амалга оширишда қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

- талабаларнинг билимини эгаллашлари орқали уларда мустақил вазифаларни ҳал қилиш маданиятини кучайтириш;

- алоҳида кўрсатмалар орқали муамонинг ечимини топиш;

- муаммоли вазифаларни ҳал этишда индивидуал ижодкорлик ёндашув даражалари, талабаларда ижодкорликнинг турли даражаларига оид вазифалар тизимини қуриш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бу борада интеллектуал-ижодий операциялар даражасига ҳам тўхталиб ўтамиз. Бу ишлар машқлар билан боғлиқ индивидуал интеллектуал-ижодий операцияларни ривожлантириш орқали амалга оширилади. Бироқ, бизнинг тадқиқот ишларимиз муайян ўқув фаолияти доирасида амалга оширилаётганини ҳисобга олиб, асосий эътиборимиз мавзуга хос вазифаларни танлашга ва бажаришга қаратилди.

Интеллектуал-ижодий ҳаракатлар даражаси, асосан, бу даражадаги вазифалар ностандартликни касб этади, яъни маълум бир операциялар фойдаланишни талаб қилмайди. Уларнинг ечими эса кенг, ўтказиш хусусиятига эга бўлган ва маълум бир турдаги муаммога боғлиқ бўлмаган баъзи бир масалаларни осонлаштириши ҳам тажриба ишларида аниқланган.

«Ўқитиш-бу қанчалик қийин ва етарли ривожланишда бўлмасин, хулосалар чиқариш осон эмас. Ҳеч бир ўқитувчи талабанинг шахсига мажбуран кира олмайди ва функционал мотивни жорий қила олмайди. Энг яхшиси, у тажриба каналларини тақдим этиши мумкин ва баъзан талабага ушбу тажрибанинг қиймат потенциалини кўришга ёрдам беради, бу даражадаги ижодкорлик вазифалари амалий аҳамиятга эга бўлиши, талабанинг билиш ва қизиқишларига мос келиши, интеллектуал ва ижодий қобилиятининг шаклланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда зарур даражада мураккабликка эга бўлиши ҳам талаб этилади. Энг яхши вариант эса, талабалар томонидан вазифани танлаш зарурлигидир. Агар вазифа жуда мураккаб бўлса, талаба маълум бир масалани ҳал қилиш билан чеклаши ҳам мумкин бўладиган фаолият даражасини биз интеллектуал-ижодий фаолият даражаси деб эътироф этишимиз мумкин.

Тадқиқот доирасида педагогика олий таълим муассасалари талабаларида интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантиришда ўқув жараёнининг ўқув адабиётлар; талабалар ижодкорлиги; интеллектуал-ижодий фаолият механизмлари; муаммоларни ҳал қилиш стратегияси; турли даражадаги ижодкорлик билан боғлиқ вазифалар; мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун жиддий тавсияларни ишлаб чиқиш каби ўқув-услубий таъминотини яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Булар:.

Бугунги кунда олий таълим соҳасида ташкилий масалалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ўқув фаолияти давомида ўқитиш усуллари ва шакллари маълум интеллектуал-ижодий хусусиятда эга бўлиши мумкин. Шу сабабдан ҳам олий таълим муасасалари ўқув жараёнларида ташкилий муҳитни ҳамда педагогик-шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Яъни, ўқиш ва ўқитишда интеллектуал-ижодий фаолиятни ташкил этиш усуллари ва шаклларидан етарли даражада фойдаланиш лозим.

Бугунги кунда интеллектуал-ижодий фаолият тажрибасини ўргатиш учун махсус мўлжалланган тадқиқот, эвристик ва муаммога асосланган ўқитиш методлари мавжуд. Бу тадқиқот методлари интеллектуал-ижодий

фаолият хусусиятларини шакллантириш, билимларни интеллектуал-ижодий ўзлаштиришни ташкил этиш, яъни муаммоли масалаларни ечишда қўллаш, бу усулларни излаб топиш жараёнида илмий билиш усулларини эгаллашни таъминлаш каби вазифаларни ҳал қилади. Эвристик метод интеллектуал-ижодий фаолият тажрибасини босқичма-босқич ўрганишни, муаммони ҳал этишнинг алоҳида босқичларини ўзлаштиришни таъминлайди. Фикрлаш маданияти ва мантиқ стандартининг вазифалари муаммони тақдим этиш усули билан бирга амалга оширилади. Бу усулларни ўқув интеллектуал-ижодий фаолиятни ташкил этиш усуллари деб ҳам аташ мумкин.

Ҳозирда талабаларнинг ҳарактерида ҳақиқий интеллектуал-ижодий жараённи оптималлаштириш учун ҳар бир талабада индивидуал троектория-интеллектуал-ижодий ривожланиш вазиятини шакллантириши зарур. Агарки, таълим муассасаларида таълимни ташкил этишнинг индивидуал ҳамда гуруҳли шаклларидан ўз вақтида фойдаланиш, мақсадга мувофиқ бўлади.

Олий таълим жараёнини ташкил этишнинг ижодкорлик даражадаси бир хил бўлган индивидуал ва гуруҳли шаклларидан қуйидаги тартибда фойдаланиш назарда тутилган:

- талабаларга таълим беришда ҳар бир талабанинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини шакллантириш даражасини алоҳида тизимли равишда ўрганиш;

- энг асосий педагогик вазифаларни талабалар билан мустақил ишлашда белгилаш;

- талабаларда интеллектуал-ижодий қобилиятларни шакллантириш даражаси ҳамда педагогик вазифаларга мувофиқ муаммоли вазифаларни танлаш ва тақдим этиш.

Топшириқларни индивидуал ва гуруҳли амалга оширишнинг асосий турлари, шу жумладан муаммоли турлари қуйидагилар: осон; ўрта; қийин. Бундан ташқари, вазифани танлаш бир неча вариантларда амалга ошиши мумкин: 1) Қийинчилик даражасига кўра вазифалар ўқитувчи томонидан белгиланади ва у вариантларни танлайди. 2) Қийинчилик даражаси ўқитувчи

томонидан кўрсатилади ва талабалар вазифани ўзлари танлайдилар. 3) Қийинчилик даражаси ва танлов талабалар томонидан амалга оширилади.

Индивидуал ва гуруҳли иш шакллари аудиториядаги вазифаларни фарқлабгина қолмай, балки аудиториядан ташқари ҳамда вазифаларини ҳам дифференциаллашни ўз ичига олади. Бундай ҳолда ҳар бир талаба муаммони ҳал қилиш учун қанча вақт сарфлаши, уй вазифаси учун энг яхши вариант талабанинг ўзи топадиган ўқув муаммосини ҳал қилиши керак бўлади.

Ўқитувчининг ҳар бир талаба ёки гуруҳ билан индивидуал мулоқоти, ёрдамнинг турли вариантлари орқали гуруҳ ишида талабаларни иштироки билан боғлиқ масалаларни ечиш талаб этилади. Гуруҳлар интеллектуал-ижодий қобилияти тенг бўлган талабалардан ташкил топади. Гуруҳларнинг барқарорлиги нисбий бўлиши, яъни талабаларнинг иш натижаларига кўра гуруҳларни доимий равишда қайта шакллантириш зарур. Қайта гуруҳлаш талабаларнинг қобилиятини шакллантириш ҳақида эътирозларга эга бўлмасликларини таъминлаш учун жуда муҳимдир, баъзи талабалар кучли гуруҳга кириш учун ўз ривожланишида сезиларли ютуқларга эришадилар, баъзи талабаларда бунинг тескариси бўлиши ҳам кузатилади.

Индивидуал ва гуруҳли ишларнинг муваффақияти ўқитувчининг педагогик тактига, маҳоратига боғлиқ. Айниқса, бу жараёнда ўқитувчи томонидан белгилаган асосий мақсад талабаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, уларни ривожлантириш ва индивидуаллигини таъминлаш, қобилиятларининг қатъий олдиндан белгиланган даражасига мослаштирмасликдан иборат.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўрганиш жараёни мулоқот методи орқали амалга оширилади. Ўқитувчи мулоқотнинг ўзгарувчан шароитларини тез илғаб олиши жуда муҳим. Бунда коммуникация тизимини тўғри режалаштириш ва амалга ошириш, ўз интеллектуал-ижодий фаолиятига, мулоқот вазиятига, талаба жамоасининг индивидуал хусусиятларига мос келадиган алоқа актининг ва алоқа воситаларининг тегишли мазмунини аниқ

топиши зарур. Бунинг учун ўқитувчи етарлича юқори даражадаги мулоқот маданиятига ҳамда тажрибага эга бўлиши таъминланиши зарур.

Бундан ташқари, олий таълим жараёни иштирокчиларининг тафаккурини ҳосил қилиш учун мулоқот диалогик кўринишда бўлиши хам мумкин. «Ички диалог (мустақил фикрлаш) қобилияти талабаларда ташқи диалогнинг турли шаклларида, жонли нутқий мулоқотда фаол иштирок этиш тажрибасига эга бўлгандагина шаклланади». Шунинг учун мулоқотдан ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги субъект-субъект ўзаро алоқасининг шакли сифатида фойдаланиш каби коммуникатив шартни яратиш лозим.

Диалогик алоқа педагогика олий таълим муассасалари ўқув жараёнида катта аҳамият касб этади. Бу жараёнда ўқитувчи талабалар билан «қонун тарафдори» сифатида эмас, балки шахсий мазмунини «улашиб» турадиган суҳбатдош сифатида алоқага чиқади. Ўқитувчи талабанинг ўз ҳукмига бўлган ҳуқуқини нафақат тан олади, балки унга қизиқади. Шу маънода талабалар билан мулоқот уларни муаммони ҳал қилиш учун илгари сурилган фаразларни топиш жараёнида иштирок этиш учун яратилган.

Ўқув мулоқотида талаба ва ўқитувчи лавозимларининг тенглиги, яъни субъект-субъект муносабати тикланади ва ҳар ким муаммога ўз нуқтаи назарини билдириш ҳуқуқига эга бўлади. Таълимнинг диалогик хусусиятини ошириш талабаларнинг интеллектуал ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун жуда муҳим бўлган муаммоларни ҳал қилишнинг юқори даражаларига олиб келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг табиатига қараб, қуйидаги муаммолар аниқланади: 1) ўқитувчи томонидан илмий билимларни муаммоли тақдим этишда у муаммони қўяди ва уни ҳал қилиш жараёнини кўрсатади; 2) ўқитувчи талабаларни муаммонинг ечимини топишга жалб қилади; 3) талабалар муаммони англаб, ўзлари режасини тузадилар, тахмин қиладилар, фикр юритадилар, хулосани чиқарадилар ва умумлаштирадилар.

Биз томонимиздан тадқиқотимиз доирасида ишлаб чиқилган ва таклиф этилаётган таркибий тузилмада қайд этилган педагогик шарт-шароитлар тадқиқотлар жараёнида аниқлаштирилган. Шундай қилиб, олий таълимда талабаларда интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ўзаро боғлиқ ҳолда пайдо бўлади. Шу сабабдан ҳам педагогик шарт-шароитлар бўлажак мутахассисларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришдаги аҳамияти, уларнинг махсус ўзаро муносабатларининг боғлиқлиги билан белгиланиши тажриба ишлари жараёнида ойдинлашди.

## 2.3-§.Талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг инновацион технологиялари

Тадқиқотимиз доирасида олдимизга қўйилган вазифани ҳал қилишда биз педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг моделини ишлаб чиқдик. Бу жараёнда таълим компонентларини ҳисобга олишга ҳаракат қилдик. Ўқитувчи илгари сурган мақсад бу талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришдир. Маълумки, мақсаднинг шахсий маъноси мотив орқали берилади, мотив энергияга, ҳаракат ўлчовига, виждонлилик даражасига, ҳаракатдаги фаоллик даражасига ҳамда натижага таъсир этади. Мақсадни қўллаб-қувватлайдиган мотивацион механизмлар тадқиқотчилар учун жуда муҳимдир. Шунинг учун тажриба ишида мотивацион компонентни кўриб чиқишга ҳаракат қилдик.

Коммуникатив элементлар ҳар қандай ижтимоий жараёнда мулоқотнинг муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда ташкилотчиликдан ажралиб чиқиши мумкин. Гностик элементлар эса бўлажак ўқитувчининг касбий ривожланишини тавсифлайди, яъни: ўз-ўзини тарбиялаш, тадқиқот фаолияти ва интеллектуал-ижодий масалалар. Бироқ, бу элементлар ўқув жараёнида очиқ намоён бўлмайди. Шулардан келиб чиқиб, педагогик фаолиятнинг мотивацион, конструктив, ташкилий ва коммуникатив механизмларини

қўллашга доир педагогик шарт-шароитларни кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Шунинг учун педагогик шарт-шароитлар экспериментал асослашни талаб қилади [112; 114;153;155].




**2.2-расм. Талабаларнинг ўқув фаолиятида интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш самарадорлигини белгиловчи омиллар**

Педагогик шарт-шароитлар педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг ўқув фаолиятида интеллектуал-ижодий қобилиятларини юқори даражада ривожлантириш самарадорлигини таъминлайди. Қуйида келтирилган расмда талабаларининг ўқув фаолиятида интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш самарадорлигини белгиловчи омиллар кўрсатилган.

Педагогик иш тажрибамизни таҳлил қилиш асосида олий таълим муасасасалари талабаларининг ўқув фаолиятида ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизими моделининг тузилиши ўзаро боғлиқ мақсадли,

назарий ва услубий, мазмунли, технологик ва самарали, шунингдек, моделда ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг педагогик омиллари ва шартлари каби таркибий қисмларни ўз ичига олган деган хулосага келдик.

**Мақсадли компонент:** педагогика олий таълим муассасаларии талабаларининг ижодий қобилиятларини ривожлантириш жараёнини такомиллаштириш.

**Вазифалар:** талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда ижодкорлик, ижодий фаолият, педагогик ижодкорликнинг механизмлари ҳақидаги билимлар билан бойитиш; келажакда бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий фаолиятга муносабатини ҳар томонлама шакллантириш; шахсий хусусиятларини, шунингдек, фаолиятни ижодий даражада амалга ошириш учун зарур бўлган кўникмаларни такомиллаштириш.

**Педагогик омиллар:** талабаларга ўқув фаолиятининг ижодий хусусиятини етказиш; ижодий фаолият учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар тизимини ўзлаштиришини назорат қилиш; таълим жараёнида талабаларнинг интелектуал-ижодий қобилиятларини ривожланганлик даражасини инобатга олиш; ижодий фаолиятни рағбатлантирувчи ва тартибга солувчи шахснинг руҳий ва ҳиссий хусусиятларини ҳисобга олиш ва ривожлантириш.

**Назарий ва услубий компонент:** шарт-шароит яратади; таълим олувчиларда ижодий қобилиятларни шакллантириш фаолияти учун зарур бўлган билим ва кўникмалар тизими билан ўзаро диалектик алоқада бўлади; ижодий қобилиятлар талабаларнинг индивидуал хусусиятларига, уларнинг намоён бўлиш даражасига ҳамда бошқа таркибий қисмлари томонидан рағбатлантирилади ва тартибга солинади.

**Тамойиллар:** ижодий фаолиятга тайёргарлик кўриш жараёнида изчиллик, муаммолилик; ижодий қобилиятларнинг эришилган даражасига асосланган яккалик; ривожланишнинг ижтимоий-маданий контекстининг етакчи ўрни; интеллект бирлиги; ижодий қобилиятларнинг ривожланишига босқичма-босқич ўтиш.

**Таркибий қисми:** ижодкорликнинг турли даражалари билан боғлиқ бўлган асосий иш йўналишлари: операциялар даражасида; ҳаракатлар даражаси; фаолият даражаси.

**Технологик компонент:** 1) таьлим шакллари: маьруза, семинар, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, ўқув конференциялари, маслаҳат, экскурсиялар, экспедициялар, таьлим-тарбия амалиёти, курс лойиҳа ишлари ва тезислар. 2) ўқитиш усуллари: тушунтириш, репродуктив, эвристик, муаммоларни баён қилиш, тадқиқот. 3) ўқитиш воситалари: ўқув ва илмий адабиётлар, ўқув-услубий мажмуалар, тарқатма материаллар, моделлар, жадваллар, диаграммалар, видео, рақамли проектор, лингвистик идоралар, комьпютерлар, телекоммуникация тармоқлари.

**Педагогик шартлар:** 1) мотивацион (ўқитувчининг касбий фаолиятида ижоднинг ўрни ва ролини асослаш, муаммоларни ҳал қилиш учун янги имкониятлар пайдо бўлиши тўғрисида хабардор бўлиш); 2) конструктив (талабаларни ижодий фаолият механизмлари тўғрисида маьлумот билан қуроллантириш, таьлим олиш мазмунига ижодий вазифаларни киритиш, услубий ёрдам бериш); 3) ташкилий (ўқув фаолиятни ташкил этиш усуллари, тренинглар ташкил этишнинг индивидуал ва гуруҳли шаклларидан фойдаланиш); 4) коммуникатив (ўқитувчининг коммуникатив маданиятини шакллантиришнинг юқори даражаси, суҳбатни ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги субьект-субъект муносабатлари шакли сифатида фойдаланиш).

**Самарали компонент:** натижа сифатида талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳамда бўлажак ўқитувчининг касбий тайёргарлигини ошириш.

Назарий ва услубий компонент мақсад, педагогик омиллар, қонуниятларнинг мантиқий алоқаси асосида педагогик жараённи ташкил этиш тамойиллари аниқланди. Амалга оширишда «таьлим жараёнида муайян омиллар мақсадга мувофиқ равишда ўқув фаолияти ва таълим жараёни натижаларидаги ўзгаришларнинг маьлум бир намунаси бўлиши мақсадга

мувофиқ. Педагогик жараённинг қонуниятлари педагогик фаолиятни ташкил этиш тамойилларида ўзининг аниқ ифодасини топади.

Моделнинг мазмун компоненти ўқув фаолияти ва ижодий интеллектуал жараёнларни баҳолашга поғонали ёндашиш асосида аниқланди. Когнитив жараёнда таькидланган ижодкорлик даражаларининг ҳар бири талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун алоҳида имкониятларни яратади.

Педагогик шарт-шароитлар деганда, биз омиллар таьсири билан шартланган педагогик жараёнларнинг намоён бўлишига хизмат қиладиган педагогик ҳолатларни тушунамиз. Педагогик шартлар ўқитувчи фаолиятининг таркибий қисмларида акс этади ҳамда мазкур моделда алоҳида қайд этилган. Бироқ, моделда келтирилган педагогик шартлар илмий асослашни талаб қилади.

Тадқиқот натижаси сифатида яратилган моделнинг самарадорлигни ва ўқув фаолиятида интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантириш жараёнини амалга оширишда педагогик шароитларни тажрибада тасдиқлаш учун тажриба-синов ишларини ўтказдик. Педагогик тажриба-синов ишлари педагогика олий таълим муассасаларининг «Бошланғич таълим» йўналишларида амалга оширилди.

Аниқловчи тажриба ишлари давомида аввало мезон белгилаб олинди ҳамда талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини шакллантириш даражалари ўрганилди. Талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларининг ривожланиш даражаларини биз қуйидаги баҳолаш мезонлари асосида аниқладик: 1) Муаммони топишда муваффақият. Бунда номаьлум, ва таниш вазиятларда муаммоларнинг кўриш ва муаммони шакллантириш каби кўрсаткичлар белгилаб олинди; 2) Муаммони тушунишдаги муваффақият. Кўрсаткичлар: қайта муаммони тузиш, муаммони ёки унинг қисмларини илгари ҳал қилинганга нисбатан таснифлаш, билимларни янги вазиятларга ўтказиш; 3) Мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун ғояларни яратишдаги муваффақият. Кўрсаткичлар:

фикрлашнинг мослашувчанлиги, тасаввур ва билишнинг қулайлиги, ҳамда диалектик фикрлаш; 4) Ғояларни синашдаги муваффақият. Кўрсаткичлар: ғояларни таҳлил қилиш, гипотеза, танқидий фикрлаш.

Ушбу белгиланган кўрсаткичлар тегишли мезоннинг даражасига қараб баҳолашга имкон беради. Мезоннинг миқдорий кўрсаткичларини баҳолашда биз уни оралиқ миқёсда (0 дан 1 гача; 1 дан 2 гача; 2 дан 3 гача; 3 дан 4 гача; 4 дан 5 гача) ўртача кўрсаткичи сифатида аниқланди. Мезон кўрсаткичларининг намоён бўлиши унинг мавжудлиги ва тўлиқлигини назарда тутади. Белгиланган мезон ва кўрсаткичларга мувофиқ биз ижодий қобилиятларни шакллантиришнинг қуйидаги даражаларини аниқладик: паст, ўртача кўрсаткичдан паст, ўрта, ўртача кўрсаткичдан юқори. Бундан ташқари, агар барча мезонларни миқдорий баҳолаш камида 4 бўлса, унда бу даража юқори деб ҳисобланади, 3 - ўртача қийматдан юқори, 2 – ўртача, 1 - ўртача қийматдан паст, бошқа ҳолларда - паст. Талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш даражаларини таҳлил қилиш мақсадида тестлар, ижодий қобилиятларнинг ўз-ўзини баҳолаш жадвали, ўқитувчилар ўқув жараёнида ижодий муаммоларни ҳал қилишлари ва кузатишлари асосида амалга оширилди.

Таьлим-тарбия бериш жараёнида педагогика олий таълим талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун яратилган модел асосида биз ўз тадқиқотимиз доирасида талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш методикасини ҳам ишлаб чиқдик.

Шу маънода, таълимда ижодкорликнинг турли даражаларга боғлиқ бўлган фаолият йўналишларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир (2.3-расм).

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг ўқув фаолиятида интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш самарадорлигини таьминлашида биз томонимиздан педагогик шарт-шароитлар аниқланди. Булар қуйидагилар:

келажакда бўлажак ўқитувчиларнинг ривожланиш мақсадларини шакллантириш ва ижодий қобилиятларни ўз-ўзини ривожлантиришга йўналтирилган мотивацион шарт-шароитлар (ўқитувчининг касбий фаолиятида ижоднинг ўрни ва ролини асослаш, муаммоларни ҳал қилишнинг янги имкониятлари пайдо бўлиши тўғрисида хабардорлик);




**2.3.-расм. Ижодкорликнинг турли даражаларига боғлиқ бўлган фаолият йўналишлари**

конструктив шарт-шароитлар (талабаларни ижодий фаолият тўғрисидаги маълумотлар билан хабардор қилиш ва унинг таркибини тушунтириш) турли даражалардаги инновацион электрон ўқув вазифалар (ижодкорлик, мавжуд тажрибани ўзлаштириш ва ижодий фаолиятнинг яхлит услубини такомиллаштиришга имкон берадиган тегишли ўқув-услубий ёрдам);

олий таълимда ўқув фаолиятини ташкил этишнинг ижодий хусусиятини таьминлашга ёрдам берувчи ташкилий шарт-шароитлар (ўқув ва ижодий фаолиятни ташкил этиш усуллари, шакллари ва ўқув машғулотларини ташкил этишнинг алоҳида ва гуруҳли шаклларидан фойдаланиш), бу эса талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларининг якка ривожланишини муқобиллаштиришга амалий ёрдам беради;

коммуникатив шарт-шароитлар (таълим берувчининг коммуникатив маданиятини шакллантиришнинг юқори даражаси, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги субьект-субьект муносабатининг шакли сифатида суҳбатдан унумли фойдаланиш), бу ўзаро мулоқотда қулай коммуникатив муҳитни яратишга, талабаларнинг ташқи ва ички қобилиятларини оширишга имкон беради.

Тажриба-синов ишлари жараёнида фойдаланилган математик-статистика методлар бўлажак ўқитувчиларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини шакллантириш даражасини оширишга қаратилган методиканинг самарадорлигини кўрсатди. Ушбу тажриба-синов натижалари педагогик олий таълим муассасаси талабаларининг таьлим фаолиятида интеллектуал- ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимида яратилган моделнинг самарадорлигини, ушбу яратилган тизимни олий таълим фаолиятида кенг татбиқ этишнинг ижобий натижасини олиш учун маьлум педагогик шарт-шароитларни (мотивацион, конструктив, ташкилий, коммуникатив) яратиш зарурлигини тасдиқлайди. Шу сабабдан тадқиқот доирасида яратилган педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимининг модели 2.4-расмда келтириб ўтилган.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган тизимнинг педагогика олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнига татбиқ этилиши бўлажак мутахассисларнинг билиш даражаларининг сифатини оширади ижодий фаолиятга ижобий муносабатни шакллантириш орқали бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш, уларни билим билан қуроллантириш, фаолиятини

смарали бажариш учун зарур бўлган кўникмалар, талабаларнинг ижодий ва шахсий хусусиятларини ривожлантиришни назарда тутади.

Мазкур моделда келтириб ўтилган омиллар талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришга олиб келадиган ҳаракатлантирувчи куч бўлади деган фаразни илгари сурдик ва бўлажак мутахассисларни педагогик фаолиятини ташкил этиш бўйича қўйилган талабларга тўлиқ амал қилдик. Моделда талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг ҳар бир тамойили ўзига хос ўринга эга эканлигини кузатдик. Талабаларда интеллектуал-ижодий қобилиятнинг шаклланишини таъминлаш ва унинг фаолият механизмларини ўзлаштириш, интеллектуал-ижодий қобилиятнинг ривожлантиришга босқичма-босқич ўтиш кабилар ушбу моделида ўз аксини топди. Бу борада танланган ривожланиш соҳаларида кўзланган натижаларга эришишни таъминловчи ривожланишнинг ижтимоий-маданий контексти, педагогик таъсир, ақл бирлиги ва интеллектуал-ижодий қобилиятнинг эришилган даражасига асосланган индивидуаллаштириш каби тамойилларга эътибор қилинган.

Мазкур тадқиқот ишимизнинг мазмуни моделнинг мазмун компонентига тўла мос келди. Бундан ташқари, таълим-тарбия жараёнини оптималлаштиришга эътибор қаратилди. Бундан ташқари талабаларнинг касбий ўз-ўзини такомиллаштириш, шу жумладан, қулай ижодий муҳитни яратиш ва индивидуал ёндашув амалга ошириш асносида талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш кабилар моделнинг мазмунида ўз аксини топган.

Бу борада машғулотнинг маъруза, амалий ва лаборатория машғулотлари, бундан ташқари, маслаҳатлар ўтказилиб, юқори курсларда тезис ва мақолаларни тайёрлашларига каби асосий шаклларига алоҳида эътибор берилди.




**2.4-расм. Педагогика олий таълим муассасалари ўқув фаолиятида талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш модели**

Ўқитиш усуллари: репродуктив; муаммоли тақдимот; эвристик; тадқиқот. Ўқув воситалари: ўқув суҳбат, маъруза, адабиётлар тузиш, тарқатма материаллар, жадваллар, рақамли проектор, компьютерлар, телекоммуникация тармоқлари.

Ишнинг натижаси олий таълим муассасаси талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини шакллантириш даражасининг ўзгариш динамикасини ўрганишда кўрсатиладиган қобилиятларини юқори даражадаги ютуғи бўлди. Шундай қилиб, интеллектуал-ижодий компонентнинг мустаҳкамланиши туфайли бўлажак ўқитувчиларни касбга йўналтириш сифати янада ошди.

Ҳозирги кунда шахс ижтимоий тушунча бўлиб, унинг ривожланиши нафақат бир шахснинг манфаати учун, балки бутун жамият учун ҳам амалга ошади. Зеро, жамиятда шахс ўзини намоён этади, шахсий ривожланиш эса турли жиҳатларга субъектив муносабати ифодаланган тизим орқали шакллантирувчи мулк сифатида унинг йўналганлиги билан белгиланади, яъни воқелик, мотив ва мақсадлар. Мотив-эҳтиёжларнинг субъектив инъикоси бўлиб, шахснинг жамиятдаги мавқеи билан ифодаланади. Эҳтиёж-мотивацион соҳада шахснинг ҳаётий мақсадлари шаклланадиган пойдевор бўлиб ҳисобланади. Шахсий фаолият билан боғлиқ барча хусусий мақсадларнинг умумий интегратори сифатида фаолият юритишнинг ҳаётий мақсади бўлиб, бу мотивация орқали аниқланади. Талабалар учун ўз-ўзини англаш имконияти, уларнинг келажакдаги касбий фаолияти билан, айрим глобал муаммоларни ҳал қилишлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Шунинг сабабдан олий таълим муассасаларида талабаларнинг интеллектуал ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш долзарб заруратга айланиши учун бир қанча мотивацион шарт-шароитларни яратиш лозим, яъни, бўлажак ўқитувчининг касбий фаолиятида ижодкорликнинг ўрни ва ролини асослаш, эҳтиёжни англаш ва муаммоларни ҳал қилиш учун янги имкониятларни яратиш.

Бўлажак педагог мутахассисларда ижодкорликнинг турли даражаларига оид йўналишлар қамраб олинди. Булар:

- амалиётлар даражасида: талабалар берилган мавзу бўйича зарур билимлар тизимини ўзлаштирадилар ҳамда ўзларининг интеллектуал-ижодий кўникмаларни шакллантирадилар;

- ҳаракатлар даражасида: талабаларни интеллектуал-ижодий фаолият механизмлари ва уларни амалга оширишда қобилият ҳақидаги билимлар билан қуроллантириш, юзага келиши мумкин бўлган вазифаларни ҳал этиш;

- фаолият даражасида: талабалар онгида ижод билан боғлиқ ижодкорлик, педагогик ижодкорлик тушунчаларини шакллантириш, интеллектуал-ижодий фаолиятнинг шахсий индивидуал услубини аниқлаштириш, интеллектуал ўз-ўзини ривожлантиришга босқичма-босқич ўтиш.

Бундан ташқари, талабалар билан ўқув жараёнини ташкил этишда қуйидагилар ҳисобга олинди:

1) Бўлажак ўқитувчи шахсини ва касбий ўз-ўзини такомиллаштиришга, шу жумладан, интеллектуал-ижодий қобилиятни барқарор, узлуксиз ривожлантиришга йўналтирилган таклиф ва тавсияларни шакллантириш;

2) Педагогика олий таълим муассасаларида қулай ижодий муҳитни яратиш. Дарснинг эмоционал замини таълим-тарбия мазмунининг ривожланганлиги, нутқ, мулоқот, эмоционалликни, таълим-тарбия жараёнидаги ҳолатларини рағбатлантириш билан характерланиши керак;

3) Бўлажак ўқитувчи шахсини касбий ўз-ўзини такомиллаштиришга, шу жумладан, интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришга барқарор йўналтириш.

Бугунги кунда олимлар талабанинг ёши ҳамда уни профессионал ривожланишига руҳий, ижтимоий ва жисмоний имкониятларни ривожлантиришда оптимал эришиш билан характерланади, деб ҳисоблайди.

Шунинг учун биз ўқитувчи касбини ҳимоя қилишда, бўлажак ўқитувчи шахсини педагогик фаолиятда ўз-ўзини англашга йўналтиришни

шакллантириш, уларда билим, ижодкорлик ва интеллектуал-ижодий қобилиятга бўлган эҳтиёжларни ривожлантиришда олий таълим муассасаси ўқитувчисининг ролини кўрамиз, яъни, қулай ижодий муҳитни яратиш ва алоҳида ёндашув.

Ўқитувчи «ўртача» талабани тез-тез йўналтириши юқори даражадаги қобилиятга эга бўлган талабаларнинг ривожланиши ва ўз-ўзини ривожлантириш имкониятларини йўқотишига олиб келади. Ҳар томонлама ривожланган талаба бундай ўқитувчилар билан ишлаши анча қийин, чунки фақат ҳақиқий ривожланиш зонасида ишлаши учун туртки йўқолади.

Ўз-ўзини ривожлантириши ва ўзини тайёрлаши якунида уларнинг салоҳияти ҳамда имкониятлари мос эмас.

Бу ҳолатни олдини олиш мақсадида ҳар бир талаба учун маълум даражадаги ижодкорлик ҳисобга олинади.

Ўқув жараёнида маърузали-эвристик суҳбатда интеллектуал-ижодий изланишнинг янги стратегиясини белгилаб берувчи муаммоли-изланувчи саволларга алоҳида ўрин берилади.

Маърузаларни олиб боришда унга қаратилган саволлар тўртта асосий талаб орқали аниқланди:

- мавзунинг мақсадини белгилаш муаммони топиш;
- мақсад асосида режа тузиш;
- режани амалга ошириш;
- талабалар томонидан хулосаларни шакллантириш (адабиётлар билан таққослаш).

Булар маърузалар устида ишлашда яққол кўзга ташланади. Прогнозлаштирилган ахборот-талабалар томонидан уларни қабул қилиш аванслари асосида қайта яратилган ўқув материали бўлиб ҳисобланади. Талабанинг ўз онгида ва ташқи нутқида билим ва уни ўзлаштириш йўлларини қуради, сўнгра уларни аниқлаб, шакллантириб, бу билимнинг тўғрилигини тегишли маълумотномалар асосида текширади. Мазкур муаммони ҳал қилишнинг ҳар бир қадами натижасини аниқлаштириш, узоқ

муддатли режалаштиришни амалга ошириш қобилиятини яхшилашга хизмат қилади.

## Иккинчи боб бўйича хулосалар

Мазкур бобда ўрганилган масалалар моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини аниқлаш мураккаб жараён саналади. Шу боис, бу жараён тегишли ихтисосликлар мутахассисларини жалб этиш ва пухта асосланган ташкилий-техник тайёргарлик асосида иш кўришни тақозо этади. Аслини олганда қобилият мураккаб психологик хусусият бўлганлиги сабабли унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

2. Биз ўрганган педагогик ва психологик адабиётларда шахснинг қобилияти: билиш интеллектуал-ижодий ва ҳиссий қобилият тарзида гуруҳланди. Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида билиш қобилияти ва интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш орқали улар муаммони қўйиши, мақсадни белгилаши, уларнинг ечимларини таъминловчи воситаларни белгилаши, таҳлил, синтез, истиқболни белгилаш, хулосалар чиқариш ва янги мақсадни асослаш каби сифатларга эга бўлиб борадилар.

3. Талабаларда интеллектуал-ижодий қобилият намоён бўлиши ва натижасига кўра бетакрор, ўзига хослик, шу билан бирга ижтимоий-тарихий хусусиятга эга фаолият мазмунини акс эттиради. Шахсда ижодкорлик фазилатлари муайян шарт-шароитлар мавжуд бўлган шароитлардагина ривожланади. Масалан, танқид эркинлиги, интеллектуал-ижодий мунозара, фикрлар алмашинуви ва улар ўртасидаги ўзаро кураш интеллектуал-ижодий қобилият ҳамда иқтидорни янада ривожлантиришга ёрдам беради. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида интеллектуал-ижодий қобилиятни шакллантириш таълим-тарбия жараёнининг муҳим таркибий

қисми саналади ва бўлажак бошланғич таълим ўқитувчиларининг интеллектуал-ижодий қобилиятга эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга.

4. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг ҳиссий интеллектуал-ижодий қобилиятга эга бўлишлари, таълим-тарбия жараёнининг фаол субъектлари бўлган ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги муносабатларнинг бир маромда кечишини таъминлайди ва юзага келиш эҳтимоли юқори бўлган зиддиятли вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга ёрдам беради. Таълимда ҳар бир талабанинг ўзига хос хусусиятини инобатга олиш ва унга мувофиқ ёндашиш, шунингдек, талабаларнинг хатти-ҳаракатларини тўғри тушуниш, баҳолаш, айтаётган сўзларига ишонч билдиришда бўлажак педагогларнинг ҳиссий қобилиятга эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Талабалар билан руҳий-ҳиссий яқинлик педагогик фаолият муваффақиятининг гарови бўла олади.

5. Бизнинг ўрганишларимиз асосида бир қатор педагогик ва психологик тадқиқотларнинг натижалари асосида ўқитувчига хос касбий сифатлар таснифи ишлаб чиқилган бўлиб, унда педагогик касбий сифатлар умумий тарзда қуйидагича гуруҳланди: талабанинг касбий йўналиши; педагогик маҳорати ва қобилияти; характерининг психологик хусусиятлари; билиш фаолияти; талабанинг эгаллаётган касбига тайёрланиши.

6. Педагогика олий таълим муассасаларида интеллектуал-ижодий қобилиятни ривожлантириш йўлида олиб борилаётан кенг кўламли ишлар натижасида талабаларда махсус қобилият ривожланмоқда. Бу борада олиб борилаётган ишлар натижасида уларда дидактик, академик, коммуникатив, ташкилотчилик, авторитар каби педагогик қобилиятларни ривожлантиришга ёрдам бериши тажриба-синов ишлари давомида аниқланди.

7. Талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш мураккаб жараён саналади, шу боис мазкур жараённи самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Тадқиқот ишларини олиб бориш жараёнида талабаларнинг интеллектуал-

ижодий қобилиятларини ривожлантиришга оид дастурни ишлаб чиқдик ва дастур талабларига мувофиқ амалий тарзда ҳатти-ҳаракатлар олиб борилди.

# III БОБ. ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ-ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ

## 3.1-§. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришга доир тажриба-синов ишларини ташкил этиш

Қўйилган вазифаларни ҳал этиш юзасидан олиб борилган педагогика олий таълим муассасаларида талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган тадқиқот ишимиз бугунги кун учун долзарб ҳисобланади. Шу мақсадда республикамизнинг учта ҳудудида тажриба-синов ишларини олиб бордик. Тажриба-синов ишлари 2018-2021 йиллар давомида Жиззах давлат педагогика институти, Тошкент давлат педагогика университети ва Қўқон давлат педагогика институтларининг бошланғич таълим бакалавриат таълим йўналишларида ўтказилди.

Тажриба-синов ишлари Жиззах давлат педагогика институти, Тошкент давлат педагогика университети ва Қўқон давлат педагогика институтларининг Бошланғич таълим бакалавриат таълим йўналишларида 2018-2021 йилларда ўтказилди.

Дастлабки, шакллантирувчи тажриба-синов ишимизнинг мақсади ўқув фаолиятида педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини шакллантириш механизмларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотимизнинг муаммоси доирасида тадриба-синов учун танлаб олинган тажриба ва назорат гуруҳларида талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини шакллантириш даражаларини аниқлаш, кўриб чиқилаётган муаммо доирасида тажриба-синов натижаларининг сифат ва микдорий таҳлили амалга оширилди.

Олий таълим муассасаларида интеллектуал-ижодий жараён босқичларини амалга оширишда муваффақиятга эришиш мақсади қуйидаги

мезонларга амал қилиш асосида яъни, муаммони топишдаги, муаммони тушунишдаги, муаммони ҳал қилиш учун янги ғояларни ишлаб чиқишдаги, ғояларни текширишдаги муваффақият. Биз тадқиқот ишимизда эса, қуйидаги ҳолатларга асосландик:

- талабалар интеллектуал-ижодий қобилиятлари шаклланишини фақат интеллектуал-ижодий жараёндаги кўринишлар орқали кузатиш;

- реал интеллектуал-ижодий жараёнда қобилиятлар яхлит тарзда, унинг барча босқичлари орқали намоён бўлади;

- мазкур ёндашув интеллектуал-ижодий қобилиятларнинг шаклланиш даражаларини аниқлаш учун қулай шароитларни яратади.

Биз танланган мезонларнинг асосий кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида турли диагностик воситалар ёрдамида тўпланган хусусиятларнинг корреляцион таҳлил усулидан фойдаланишга қарор қилдик.

Бугунги кунда тадқиқот ишларида ижод билан боғлиқ турли диагностик тартиб ва методлар етарли даражада. Ижодкорлик қобилиятига оид тестлардан фойдаланиб, интеллектуал-ижодий қобилиятга эга бўлган барча талабаларни аниқлаш мумкин эмас, чунки ижодкорлик намоёндаларини ўз-ўзидан тартибга солиш ишлари қийин, шунингдек бошқа усуллар ҳам зарур бўлади.

Энг кўп тарқалган диагностик воситаларга маълумот олиш учун мўлжалланган сўровномалар киради. Биз бўлажак ўқитувчиларнинг шахсиятларидаги интеллектуал-ижодий фазилатларни ўрганар эканмиз, стандартлаштирилган сўровномалар ҳақида сўз юритишимиз зарур.

Тадқиқотимиз жараёнида кузатиш усулидан фойдаланиш қулай бўлди, чунки у талабаларнинг розилигини талаб қилмайди ва табиий шароитда амалга оширилиши мумкин. Бироқ, унинг самарадорлигини зарурий шарти тадқиқотчининг кузатиш техникасини тўлиқ билишидадир.

Мониторинг дастурлашнинг интеллектуал-ижодий характердаги вазифаларини ҳал этиш жараёни индивидуал ва жамоавий версияларда амалга оширилди. Кузатиш схемаси асосида кузатиш бирликлари рўйхати,

кузатилган ҳодисани тасвирлаш усули ва шакли киради. Биз танлаган мезонларимизни кузатиш бирликлари сифатида қабул қилдик. Кузатиш натижалари жадвалга ёзиб олинди ва уларни тавсифлашнинг миқдорий шакли танланди. Беш балли шкала ишлатилган ва мутлақ нол қўшимча равишда киритилган. Баҳолашнинг объективлигига бир неча мустақил кузатувчилар иши орқали эришилди.

Талабаларда интеллектуал-ижодий қобилиятларни интеграциялашган ҳолда кўриб чиқиш имконияти ҳақида қуйида хулоса қилишимиз мумкин.

Интеллектуал ва эвристик қобилиятларни ўз-ўзини баҳолаш ва индивидуал интеллектуал, мантиқий қобилиятларни баҳолаш ўртасида ҳам мустаҳкам муносабатлар мавжуд яъни, таҳлил қилиш, таққослаш, асосий нарсани таъкидлаш, таърифларни шакллантириш, тизимлаштириш, таснифлаш қобилияти. Бу қобилиятлар интеллектуал-ижодий жараёнда муҳим рол ўйнайди. Бу эса, уларни маълум мезонлар кўрсаткичлари сифатида ҳисобга олиш кераклигини кўрсатади.

Бундан ташқари, талабаларда интеллектуал-ижодий қобилиятлар ва ўз-ўзини баҳолаш ўртасида катта боғлиқлик фарқ қилиши мумкин.

- мотивацион сифатлар билан (қизиқувчанлик; интеллектуал-ижодий ютуқларга интилиш; ўз-ўзинитарбиялаш, интеллектуал-ижодий қобилиятларни тарбиялашни ривожлантириш);

- талабанинг интеллектуал-ижодий фаолиятда ўз-ўзини бошқариш қобилияти;

- талабанинг интеллектуал-ижодий фаолияти жараёнида ҳиссиётлар уйғунлигига эришиш истаги ва унинг қобилияти;

- бўлажак мутахассиснинг иш қобилияти кабилар.

Юқорида келтириб ўтилган фарқлар, таълим жараёнида талабанинг яхлит интеллектуал-ижодий ривожланишининг узлуксизлигини яна бир бор тасдиқлайди. Мазкур қобилиятларни ривожлантиришнинг бундай омили интеллектуал-ижодий фаолиятни рағбатлантирувчи ва тартибга солувчи

шахснинг руҳий хусусиятларини ҳисобга олиш ва ривожлантиришдан иборат.

Бўлажак ўқитувчининг ностандарт вазифаларни ҳал этиш жараёнини кузатишлари натижаларини таҳлил қилиш ва таққослаш, баҳолаш, зиддиятлар ва муаммоларни кўриш, танқидий фикрлаш ўртасида кучли боғлиқлик мавжудлигини аниқлашдан иборат. Бироз заифроқ муносабатлар фикрлашнинг ассоциативлиги, фикрлашнинг мослашувчанлиги орқали кузатилади.

Шунинг учун белгиланган ўз-ўзини баҳолашга мос тарздаги сифатлар танланган мезонлар бўйича кўрсаткичлар асосида ҳаракат қилиши мумкин.

Бундан ташқари, интеллектуал-ижодий жараённинг алоҳида босқичларини кузатиш (ғоя ривожидан ташқари), бир-бирига максимал ишонч билан боғланади. бу эса, интеллектуал-ижодий жараён босқичларининг ўзаро боғлиқлиги ва интерпретацияни, ҳамда унинг яхлитлигини кўрсатади.

Интеллектуал-ижодий сифатларни таҳлил қилиш, бунда жавобларнинг қулайлиги (сони) иш учун ажратилган вақтга жуда боғлиқ ва, эҳтимол, интеллектуал-ижодий қобилиятлардан кўра, инсоннинг феъл-атвори билан кўпроқ боғлиқ. Мослашувчанлик кўрсаткичи жуда субъективдир, чунки у жавобларни ўзлари танлаган тоифаларга тақсимлайдиган тадқиқотчи бўлиб ҳисобланади. Категорияларнинг турли талқинлари мослашувчанлик нуқтаи назаридан турлича натижаларни беради. Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, асосий кўрсаткич оригиналликдир, яъни намуна ичидаги жавобнинг такрорланмаслигидир. Турли ўлчовлардаги оригиналлик натижалари бир-бири билан юқори даражада боғлиқ эмас.

Корреляцион таҳлил ва ўз хулосаларимиз асосида мезонларнинг кам ёки аниқлигини баҳолаш учун ишлатилиши мумкин бўлган кўрсаткичларга аниқлик киритдик. Муаммони аниқлашда муваффақиятга эришиш мезони кўрсаткичлари қуйидагилар: нотаниш ва таниш вазиятларда муаммоларни кўриш, муаммони шакллантириш ва ечимини топишдан иборат.

Муаммони тушунишдаги муваффақият мезони кўрсаткичлари қуйидагилар бўлиб ҳисобланади: муаммони ислоҳ қилиш, муаммони ёки унинг айрим қисмларини олдиндан ҳал қилинган шахсга нисбатан таснифлаш ва билимларни янги вазиятларга узатиш.

Муаммони ҳал қилиш учун ғояларни ишлаб чиқишда муваффақият мезонининг кўрсаткичларига тафаккурнинг мослашувчанлиги, тасаввурнинг қулайлиги ва диалектик фикрлаш кабилар киради.

Ғояларни текширишдаги муваффақиятнинг мезони кўрсаткичлари қуйидагилар яъни: ғояларни таҳлил қилиш, прогнозлаш ва танқидий фикрлаш.

Диагностик методларга олдинги баҳоларни ҳисобга олган ҳолда педагогик тажриба-синовни баҳолаш учун биз қуйидаги диагностикани тест (масофавий), интеллектуал-ижодий фазилатларни баҳолаш (кўрсаткичлари бўйича), муаммони ечиш жараёнида талабаларни кузатиш, бундан ташқари ўқитувчининг кузатишлари талабалар фаолиятининг махсули шаклида ҳам моддий асосга эга бўлган.

Биз тадқиқот ишимизда талабаларда интеллектуал-ижодий қобилият ва уларда танқидий фикрлашни ривожлантиришдан иборат бўлган саволларни ҳам тақдим этдик. Талабалар маълум интеллектуал-ижодий кўникмаларни бажаришни мақсад қилдилар:

- қандай қилиб бошқача йўл билан ҳал қилиш мумкин? (маълум усул ёки назариядан воз кечиш, бошқа ғояга ўтиш қобилияти);

- «Сабаб нима?» (объектнинг алоқаси ва кўриш қобилияти);

- бу гапга қўшиласизми? (ғояларни оптимал ечимини танлаш мезонлари нуқтаи назаридан таҳлил қила олиш қобилияти);

- камчиликлари қандай? (ғояларни баҳолаш мезонларини танлаш, мезонлар бўйича таҳлил қила олиш қобилияти);

- сизнинг аниқлаш қобилиятингиз (ҳар бир масалани ечиш натижасини олдиндан кўра олиш қобилияти);

- хатоларни топиш (зиддиятларни аниқлаш қобилияти)

Бундай саволлар ҳар қандай интеллектуал-ижодий маҳоратни шакллантиришга мўлжалланган бўлиши мумкин, бу эса, талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва бошқариш имконини беради.

Шундай қилиб, талабаларнинг салоҳиятини ва маҳоратини оширишнинг асосий йўлларидан биридир. Кўргазмали маъруза одатда, ўқитувчи томонидан тайёрланган кўргазмали видео материаллар бўйича изчил, батафсил изоҳга туширилиб, маъруза мавзусини тўлиқ очиб беради. Бу турдаги маърузалар интеллектуал-ижодий фаолият предметида жуда зарур бўлган предметли билимлар тизимини шакллантириш учун жуда мос келади.

Ҳар бир машғулот муайян тушунчаларни ўзлаштиришни таъминлайди. Тушунчалар реал дунёнинг муҳим хусусиятлари, шакллари ва миқдорий муносабатларининг инсон миясида акс этишидир. Тушунчаларнинг мазмуни ва ҳажми билан ҳам характерланади. Тушунчанинг мазмуни-бу мазкур тушунча билан қамраб олинган объектларнинг муҳим хусусиятлари мажмуи бўлиб, унинг доираси, бу тушунчанинг мазмуни билан боғлиқ бўлган барча объектларнинг мажмуидир.

Маълум бир педагогик шарт-шароитлар яратилганда маъруза муаммоли бўлади. Кўргазмали материалларнинг динамик бўлиши мақсадга мувофиқ, яъни, янги тушунчалар киритилгани каби уларни тўлдириш ҳам мумкин. Кейинчалик маълум тушунчалар тизимида янги тушунчанинг ўрнини аниқлаш муаммоси юзага келади ва уни ҳал қилишда талабалар иштирок этадилар. Ушбу ишни амалга оширишда интеллектуал-ижодий кўникмалар ишлаб чиқилади: объектнинг ўзаро муносабатларини кўриш ва аниқлаш, объектнинг тузилишини кўриш, объектнинг муҳим ва муҳим бўлмаган хусусиятларини аниқлаш, турли объектларда сезиларли даражада умумий хусусиятларни кўриш, ўхшаш объектларда сезиларли фарқларни ўрганиш, билимларни тизимлаштириш, билимлар тизимини ва қайта қуриш кабилар.

Бизнинг фикримизча, тушунчаларнинг таркибий ва мантиқий схемалари билан ишлаш интеллектуал-ижодий фаолиятнинг энг муҳим механизмини яъни, синтез орқали таҳлил механизмини эгаллашга имкон беради талабанинг: фикрлаши жараёнида объект барча янги алоқаларга киради ва шунинг учун ҳам тушунчаларда аниқланган барча янги фазилатларда пайдо бўлади; объектдан, «барча янги контент ташқарига чиқади», ҳар сафар унинг бошқа томони кўриб, янги хусусиятлар пайдо бўлади.

Шундай қилиб, маъруза-кўргазмалар нафақат кейинги интеллектуал-ижодий ишлар учун замин яратади, балки унинг иштирокчиларини интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш жараёнининг бир қисмидир.

Бўлажак ўқитувчиларда интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг энг самарали ҳаракатлар тизими олий таълим муассасаларида билимларни муаммоли тақдим этиш билан маърузалар орқали таъминланади. Бу жараён муайян мантиқий тузилишга эга: муаммоли вазият яратиш, муаммони таҳлил қилиш, фаразлар қилиш, ишчи фаразларни синаш ва муаммони ҳал қилиш.

Адабиётда муаммоли вазият, талабанинг кашф қилиш ва мавзу бўйича янги, номаълум билимларни ўзлаштириши ва таълим муаммосини ҳал қилишнинг зарурий йўлларини излаши билан ажралиб турадиган мавзу ва билим объекти ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг руҳий ҳолати сифатида аниқланади.

Муаммоли маъруза мазмунида устуворлик диалогик характердаги оғзаки тақдимотга тегишлидир. Шу билан бирга маърузанинг услубий томонга қараб ўқитувчининг аудитория билан диалогик мулоқоти дидактик жиҳатдан мос бўлган босқичларда маъруза қилиши давомида талабалар билан ўқитувчининг жонли мулоқоти сифатида ёки муаммоли характердаги маъруза учун энг типик бўлган ички диалог сифатида қурилиши мумкин. Иккинчидан, талабалар ўқитувчи билан биргаликда (у билан ички мулоқотда)

саволлар қўйиб, уларга жавоб беришади ёки мустақил машғулотлар давомида тушунтириш учун мавҳум саволларни тузатишади, ўқитувчи билан индивидуал маслаҳатлашади ёки бошқа талабалар билан муҳокама машғулотларида иштирок этади.

Олий таълимда ўқитувчи маърузасининг мулоқот даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг таълим бериш олдидаги вазифалари, яъни, ориентация, ўқитиш ва ривожлантирувчи таъсирлари шунчалик юқори бўлади. Бу эса интеллектуал-ижодий фаолиятнинг индивидуал услубини ишлаб чиқиш учун имкониятлар беради.

Маърузанинг диалогик хусусияти талабалар ҳамда ўқитувчилар учун муаммонинг аҳамиятини ошириш орқали ҳам амалга ошириши мумкин:

1. Талабага умумий муаммода шахсий маънони кўришга ёрдам бериш мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи таълимга оид муаммоларни қайта аниқлаш жараёнига аралашмаслиги ва янги муаммоларни шакллантиришга ундаши лозим, бунда кўникмалар такомиллашади: муаммони ифодалашнинг бошқа йўлларини топиш, муаммоли саволларни белгилаш кабилар амалга ошади.

2. Муаммоли вазиятларда юзага келадиган кичик муаммолар ўқитувчи учун аниқ, якуний ва олдиндан маълум бўлган ечимга эга. Бундай ҳолатда муаммо ва диалог фақат ўқитувчи учун ўрганиш воситаси бўлиб ҳисобланади. Бундай аниқ ечимга эга бўлмаган муаммоли мавзулар ўқитувчи ва талабаларнинг мулоқотдаги позициялари мос тушади.

Бу каби ўхшаш маъруза ёки маъруза-мулоқоти талабалар ўртасида ижод, қобилият тушунчасини шакллантиришга ёрдам беради ва уларни тўлақонли интеллектуал-ижодий жараёнга киритади. Бу ўқув дастурлари муаммонинг якуний ечимини бермайди, уларнинг асосий мақсади муаммоларни кўришга ўргатиш, илмий фаразни илгари суриш ҳамда талабаларда мустақил изланиш ва муаммоларни мустақил ўзлари ҳал этиш зарурлигини шакллантиришдан иборат.

Бўлажак ўқитувчиларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш, олий таълимда амалий маъруза, муаммоли семинар машғулотларида ҳам амалга оширилади.

Биз тажриба-синов ишларини амалга оширишда таълимнинг биринчи ва иккинчи даражаларида барча асосий мавзуларни ўрганиш орқали талабаларнинг интеллектуал-ижодий маҳоратини шакллантиришга ҳисса қўшадиган фаолиятнинг бир хил ва мутлақо киритилган элементлари қуйидагилар:

1. Машғулотларда асосий тушунчалари билан ишлаш.

Фикр ва тушунчаларни муҳокама қилиш: тушунчанинг мазмуни, тушунча доираси, тушунчанинг тизимга киритилиши; умумий ва турли хусусиятлари билан бир хил даражадаги маълум тушунчалар. Идрокнинг тўлиқлиги ва хотиранинг тайёрлиги ҳамда талабаларда кўникмаларни шакллантириш ва мавзунинг тузилиши асосида ўқитишда амалга ошириладиган тамойилларга жавоб беради: 1) асосий тушунчаларни ўзлаштириш мавзуни янада кенгайтиради; 2) маълум бир факт ва структура билан боғланмаган экан, у тезда унутилади; 3) асосий тушунчаларни ўзлаштириш машқни адекват ўтказиш» ни таъминлайди.

2. Мавзунинг асосий тушунчаларини мустаҳкамлаш учун элементар вазифаларни бажариш.

Ўқитишда баъзи киритилган маълумотларни бажаришда эмпатия усули қўлланилади, бу ҳолда талабанинг шахси, компьютер ва технологиялар асосида аниқланади. Талабалар кўриб чиқилаётган вазифаларни тўлиқ идрок этадилар ва шахсий ўхшатишларни чизишга ўрганадилар. Бу барча амалларни ва ўзгаришларни акс эттиради ижро эса рекорд, даражада ва танлаш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бирор топшириқни компьютерда ечиш, барча қилувчи ҳолатларни қамраб олган ҳолда, муаммо ечимининг тўғрилигини текшириш учун тестларни тайёрлаш. Бу босқичда талабаларда муаммоларни тезда илғай

олиш қобилияти ривожланади ва топшириқларни бажариш қобилияти шакллана бошлайди.

3. Қарорни қабул қилиш, бунда бир неча элементлардан иборат тестларни ечиш. Бу ҳолатда, мавҳумлаштириш ва муаммонинг тузилишини кўриш, объектни бутун бир қисми сифатида киритиш билан боғлаш кўникмалари шаклланади. Топшириқларни бир неча усул орқали бажаришда. Агар элементар дастурлаш муаммоси бироз мураккаблашса, у ҳолда уни ҳал қилишнинг бир неча усуллари мавжудлигини назарда тутади. Талабалар бошқа фикрга ўтиш кўникмасини шакллантириш билан бирга, муаммони ҳал қилиш йўлларини таклиф қиладилар. Сўнгра, масала ечимини баҳолаш мезонлари аниқланади, таклиф этилган ечимлар баҳоланади ва оптимал танлаб олинади. Ўқитувчининг мақсади танқидий фикрлаш билан боғлиқ интеллектуал-ижодий кўникмаларни ривожлантиришдан иборат, бўлади.

Амалий топшириқларни ечиш жараёнида талабаларда кўникмаларни шакллантириш учун шарт-шароитлар яратилиши мумкин: муаммони танлаш, мавҳумлаштириш, аналогларни қидириш, мавжуд шарт-шароитларга мувофиқ маълум билим ва ҳаракат усулларини баҳолаш. Дарҳақиқат, талабалар таниқли дастурий тушунчалар билан аналогияни абстракт даражада пайқашлари ва муаммони ҳал қилиш учун қўллай олишлари зарур бўлади.

Қўйилган муаммонинг тўғрилигини аниқлашда талабаларга бир хил муаммонинг бир неча формулалари таклиф этилади, уларни, ортиқча ахборот ва маълумот, аниқ зиддият билан ҳал қилиш зарур. Кейин муаммони ҳал қилишда мазкур муаммони янада қулай шаклда ислоҳ қилиш мумкин. Шу тарзда талабаларда кўникма ва малакалар ривожлантирилади: зиддиятларни аниқлаш, усулларни, муаммоларни, вазифаларни қидириш, объектнинг алоқаси ва муносабатларини кўриш, мавжуд шароитларга мос маълум билим ва ҳаракат усулларини баҳолаш.

Мавзу бўйича топшириқларни тузишда одатда бир қатор вазифаларни ишлаб чиқиш таклиф этилади: элементар, бир неча элементлардан ташкил

топганлари қўлланилади, бу эса талабалар ўртасидаги фарқни ҳис ҳис қилишга амалий ёрдам беради.

Олий таълим муассасаларида дарс жараёнида мавзу бўйича мустақил ишни ташкил этишнинг индивидуал, боғланган ва жамоавий шакллари амалий машғулотларда кенг қўлланилади.

Мавзунинг асосий тушунчалари билан ишлаш ва мавзунинг асосий тушунчаларини мустаҳкамлаш учун бошланғич вазифаларни ҳал қилиш босқичларида одатда жамоавий баҳс-мунозара ва индивидуал ишларнинг алмашиниши кузатилади.

Мулоқот фикрлашни фаоллаштиргани учун муаммони ечиш босқичида жуфт-жуфт бўлиб ишлаш ижобий самарани беради. Бундан ташқари, бу жараёнда жуфтлар тенг танланади, бу эса, дарсда ўқитувчининг вазифаси ва ёрдамини фарқлаш имконини беради ҳамда зарур ҳолларда жамоавий иш олиб борилади топшириқларни тузиш жараёни уйга вазифага киради. Тузилган вазифаларни таҳлил қиладиган, муаллифлар билан биргаликда тузатадиган ва зарур ҳолларда ўқитувчини жалб этадиган кучли талабалар 2-3 курсталабалари орасидан бир гуруҳ экспертлар тайинланади.

Тузилган вазифалар юзасидан мустақил ишлар олиб борилади, ва унда экспертлар гуруҳи ўқитувчи билан бирга иштирок этади. Мезонлар синалувчилар томонидан олдиндан муҳокама қилинади ва мустақил ишнинг бошида тақдим этилади. Одатда, муаммони ҳал қилган талабалар муаммонинг ечимини тўлиқ оғзаки асослаб беришлари талаб этилади, бу эса яна бир бор талабаларни мулоқотга киришишига имконият яратади.

Юқоридагилардан кўринадики, биз томонимиздан ташкил этилган тажриба-синов ишлари бўлажак ўқитувчиларда интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантиришни жараёнини комплекс амалга ошириш имконини беради.

Тажриба-синов ўқув жараёнида айрим асосий мавзуларни ўзлаштириш, шунингдек, мураккаблашиб бораётган мавзуларни ўрганишда талабаларга мантиқий таҳлил ва интуиция уйғунлиги бўлган ечишга асос бўлувчи

ностандарт вазифалар ҳам таклиф этилди. Шундан сўнг, талабалар интеллектуал-ижодий жараённинг барча босқичларини ўз ичига олган ҳаракатлар даражасига ўтадилар.

Талабалар ижодий топшириқларни бажаришга тайёргарлик кўришлари талаб қилинади, ҳамда улар муаммоли маърузаларни тинглашлари давомида ўқитувчилар томонидан ташкил этилган ижодий жараёнда муаммо саволларни ечимини топишда иштирок этишди. Мавжуд интеллектуал-ижодий кўникмалар эса, сезгиларнинг намоён бўлиши учун оптимал шароит яратишга қаратилган. Бироқ, ностандарт дастурий муаммоларни ҳал қилиш учун биринчи мустақил уринишлар одатда муваффақиятсизликка олиб келди. Бизнинг фикримизча, булар:

ижодий ва интеллектуал муаммоларни ҳал қилиш маданияти;

ижодий қобилиятларнинг айрим тенгсизлиги (уларни тизимга келтириш фақат интеллектуал-ижодий фаолиятнинг етарли тажрибаси билан амалга ошиши мумкин);

дастурий вазифаларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Биз мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун қуйидаги ишларни амалга оширишга интилдик:

талабаларни юзага келган муаммоларни ҳал қилишида мавжуд тавсиялар билан таништириш;

машғулотларда дастурий муаммоларни ҳал қилиш учун мос стратегияни ишлаб чиқиш;

амалий машғулотларни ўтказиш жараёнида интеллектуал-ижодий вазифалар улушини ошириш.

Ҳар қандай муаммони ҳал қилишда биз аниқланган барча муаммоларни ҳал қилишимиз керак деб ўйламаслигимиз керак, чунки уларнинг баъзилари кўпроқ, баъзилари камроқ тарзда бўлади, табиийки, муаммолар қанча кўп бўлса, вазифани бажариш ҳам шунча қийинлашади.

Ностандарт масалаларни ечиш бўйича ишларни ташкил этиш қуйидаги кетма-кетликда ташкил қилинди:

Талабалар билан биргаликда тест ечиш босқичлари кенгайтирилган вариантда, яъни ҳар бир элемент бўйича аниқ изоҳларсиз ёритиб берилди. Қарор қабул қилиш якунида ишлаб чиқилган режа ўқув адабиётларидаги мавжудлари билан таққосланади.

Энг катта қийинчиликларга сабаб бўлган режанинг вазифаларига эътибор қаратилди, натижада режада мавжуд дастлабки муаммолар аниқланди. Талабаларга ностандарт вазифаларни ҳал қилиш қобилиятини аста-секин ошириб бориш ўз-ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлашга, интеллектуал-ижодий қобилиятларни янада ривожлантиришга эътиборни шакллантиришга ёрдам беради. Ҳар бир талабага ўзлари танлаган муаммони ҳал этишлари учун мустақил ижодий фаолиятда ўз индивидуаллигини кўрсатиш имконияти берилиши шарт, айниқса, таълим маҳсулотларини яратиш билан боғлиқ вазифаларни танлаш маъқул.

Олий таълим муассасалари талабаларининг қизиқишларини очиб беришга, интеллектуал-ижодий фаолиятнинг индивидуал услубини шакллантиришга ва мазкур қобилиятларини ҳамда ўз-ўзини ривожлантиришга ёрдам берди. Ўз-ўзини ривожлантириш жараёнининг характерли йўналишлари ва уларни амалга ошириш йўллари (3.1-жадвал).

**3.1.жадвал.**

**Ўзини-ўзи ривожлантириш йўналишлари**

| Ўз-ўзини ривожлантириш жараёнининг йўналишлари | Ўз-ўзини ривожлантириш жараёнининг йўналишларини амалга ошириш усуллари |
|---|---|
| Илмий манфаатларни аниқлаш | Бир қатор ҳал қилинмаган муаммолар билан танишиш,муаммоларни танлаш |
| Ижодкорлик учун зарур бўлган билимларни тўлдириш | Муаммонинг маъносига, муаммоларни ҳал қилиш учун эвристик рецептларга мувофиқ қўшимча адабиётлар билан ишлаш |
| Интеллектуал-ижодий қобилиятларни такомиллаштириш | Муаммоларни аниқлаш, муаммоларни ечишнинг эвристик усулларини синаш |

| | |
|---|---|
| Ўз интеллектуал-ижодий фаолиятининг акс этиши | Маълум бир қатар вазифалар учун ечимларни умумлаштириш, компьютерда муаммоларни ҳал қилиш бўйича тавсияларни қайта кўриб чиқиш |

Шакллантирувчи тажриба ишлари жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш жараёнини кўриб чиқдик. Олиб борлган тадқиқот ишларимиз ижодкорликнинг турли даражалари билан боғлиқ бўлган ривожланишнинг белгиланган соҳаларига тўла мос келди. Бўлажак ўқитувчи шахсини касбий такомиллаштиришга ҳам эътибор қаратилган, шу жумладан, интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантириш; қулай ҳиссий муҳитни яратиш; индивидуал ёндашув.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган махсус мезон асосида талабаларнинг ўтилган мавзу доирасидаги муайян билимлари ҳамда интеллектуал-ижодий қобилиятларини шаклланишининг даражаси қуйидагича аниқланди (3.2-жадвал).

**3.2-жадвал.**

**Талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизими самарадорлигини аниқлаш мезонлари ва даражалари**

| Мезонлар | Кўрсаткичлар | Даражалар | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Намунали | Яхши | Қониқарли |
| Когнитив | Талабаларни интеллектуал ва интеллектуал-ижодий қобилиятлардан хабардорлиги, педагоглик касбига доир маънавий-ахлоқий ўзига хосликларини билиши тарбия асосида касбий фаолият мотивларининг шаклланганлиги | Мезон кўрсаткичларининг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб етади ва ўзлаштириб | Мазмун-моҳиятини англаб қисман етади, | Мезон кўрсаткичларининг мазмун-моҳиятини қисман англаб етади, идрок қила |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **Фаолиятли** | Маънавий-ахлоқий фазилатларга эгалик, ватан, оила, олий таълим муассасаси олдидаги бурч ва масъулиятларини бажаришда жонбозлик кўрсатиш, танланган касбига нисбатан ижобий муносабатни намоён эта олиш, гуруҳ ва таълим муассасаси ҳаётида фаол иштирок этиш | | | |
| **Натижавий** | Вазиятни таҳлил қила билиш ва тўғри баҳолаш, ўз-ўзига ишонч, объектив ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини назорат қилиш қобилиятига эгалик, таълимий-ахлоқий муносабатларга кириша олиш кўникмасига эгалик, эгалланган интеллектуал-ижодий билим амалда қўллай олиш | | | |

Шакллантирувчи тажриба-синов ишлари ўтказишимиз даврида тажриба ва назорат гуруҳлари талабаларида интеллектуал-ижодий қобилиятлар даражасининг ўзгариш динамикаси кузатилди (3.3-жадвал.) .

**3.3-жадвал.**

**Тажриба-синов ишларида иштирок этган педагогика олий таълим муассасалари талабалари контингенти**

| **Олий таълим муассасалари номи** | **Гуруҳлар** | **2018–2019** | **2019–2020** | **2020–2021** | **Жами** |
|---|---|---|---|---|---|
| | | **Талабалар сони** | | | |
| **Тошкент давлат педагогика университети** | Тажриба гуруҳи | 57 | 65 | 68 | 190 |
| | Назорат гуруҳи | 58 | 60 | 70 | 188 |
| **Жиззах давлат педагогика институти** | Тажриба гуруҳи | 45 | 52 | 55 | 152 |
| | Назорат гуруҳи | 46 | 50 | 56 | 152 |
| **Қўқон давлат педагогика институти** | Тажриба гуруҳи | 48 | 55 | 67 | 170 |
| | Назорат гуруҳи | 50 | 56 | 68 | 174 |
| **Жами:** | Тажриба гуруҳи | 150 | 172 | 190 | 512 |
| | Назорат гуруҳи | 154 | 166 | 194 | 514 |

Тажриба-синов ишлари жараёнида биз томонимиздан тавсия этилаётган методика бўйича, юқорида баён этилган олий таълим муассасаларининг тегишли кафедралари мутахассислари томонидан иш олиб борилди. Тажриба-синов жараёнида олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг педагогик самарадорлиги ўрганилди.

Шакллантирувчи тажриба-синов ишларининг тажриба бошидаги интеллектуал-ижодий қобилиятларини шакллантириш даражасининг сезиларли даражада ўсиши кузатилмади (3.4-жадвал).

**3.4-жадвал.**

**Талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари**

| Олий таълим муассасалари номи | Гуруҳлар | Ўзлаштириш кўрсаткичлари | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Талабалар сони | Юқори | | Ўрта | | Паст | |
| | | | сонда | % | сонда | % | сонда | % |
| **Тошкент давлат педагогика университети** | Тажриба гуруҳи | 190 | 14 | 7,37 | 52 | 27,37 | 124 | 65,26 |
| | Назорат гуруҳи | 188 | 14 | 7,45 | 53 | 28,19 | 121 | 64,36 |
| **Жиззах давлат педагогика институти** | Тажриба гуруҳи | 152 | 12 | 7,89 | 42 | 27,63 | 98 | 64,47 |
| | Назорат гуруҳи | 152 | 11 | 7,24 | 45 | 29,61 | 96 | 63,16 |
| **Қўқон давлат педагогика институти** | Тажриба гуруҳи | 170 | 13 | 7,65 | 44 | 25,88 | 113 | 66,47 |
| | Назорат гуруҳи | 174 | 12 | 6,90 | 46 | 26,44 | 116 | 66,67 |
| **Жами:** | Тажриба гуруҳи | 512 | 39 | 7,62 | 138 | 26,95 | 335 | 65,43 |
| | Назорат гуруҳи | 514 | 37 | 7,20 | 144 | 28,02 | 333 | 64,79 |

Ушбу жадвалдан маълум бўлишича, олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш даражаси шакллантирувчи тажриба ишларининг бошида тажриба гуруҳлари

7,62% ни, назорат гуруҳларида эса 7,20 фоиз талабаларда юқори кўрсаткич аниқланган бўлса, ўрта даражадаги кўрсаткичлар бизнинг талабалар билан амалий ишларни ташкил қилишимиз натижасида 26,95% ва 28,2%ни, паст даражадаги кўрсаткичлар эса 65,43% ва 64,75% ни ташкил этиб, бу гуруҳлардаги даражалар бир-бири билан таққосланганда деярли бир бирига яқинлигини билдиради. Шунинг учун тажриба-синов бошидаги тажриба натижаларига кўра ҳар иккала гуруҳларнинг билим даражасида фарқ йўқ деган ҳулосага келинди.

Бу эса танлаб олинган гуруҳларнинг тасодифий эмаслигни ва уларнинг билим даражаси бир хиллигини билдиради.

Тадқиқотимизнинг дастлабки тажриба-синов ишларининг шакллантирувчи босқичи охирида талабаларнинг билим даражаси яна бир бор текширилди. Ушбу жараённинг натижалари қўйидаги 3.5-жадвалда келтирилган.

**3.5-жадвал.**

**Талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари**

| **Олий таълим муассасалари номи** | **Гуруҳлар** | **Ўзлаштириш кўрсаткичлари** | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **Талабалар сони** | **Юқори** | | **Ўрта** | | **Паст** | |
| | | | **сонда** | **%** | **сонда** | **%** | **сонда** | **%** |
| **Тошкент давлат педагогика университети** | Тажриба гуруҳи | 190 | 38 | 20,00 | 112 | 58,95 | 40 | 21,05 |
| | Назорат гуруҳи | 188 | 15 | 7,98 | 54 | 28,72 | 119 | 63,30 |
| **Жиззах давлат педагогика институти** | Тажриба гуруҳи | 152 | 36 | 23,68 | 88 | 57,89 | 28 | 18,42 |
| | Назорат гуруҳи | 152 | 15 | 9,87 | 48 | 31,58 | 89 | 58,55 |
| **Қўқон давлат педагогика институти** | Тажриба гуруҳи | 170 | 32 | 18,82 | 86 | 50,59 | 52 | 30,59 |
| | Назорат гуруҳи | 174 | 13 | 7,47 | 47 | 27,01 | 114 | 65,52 |
| **Жами:** | Тажриба гуруҳи | 512 | 106 | 20,70 | 286 | 55,86 | 120 | 23,44 |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Назорат гуруҳи | 514 | 43 | 8,37 | 149 | 28,99 | 322 | 62,65 |

3.5-жадвалга эътибор қилсак, шакллантирувчи тажриба ишларини олиб боришда тажриба, гуруҳлари билан биргаликда назорат гуруҳларида ҳам, талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш даражасини таҳлил қилишимиз натижасида талабаларда ўсиш даражаси тажриба гуруҳига нисбатан паст эканлигини аниқланди. Тажриба гуруҳлари назорат гуруҳлари билан таққослангандa юқори даражадаги ўзлаштириш 12,34%га (тажриба гуруҳи 20,7%, назорат гуруҳи 8,37%) ўрта даржадаги кўрсаткичлар эса 26,87% (тажриба гуруҳи 55,86%, назорат гуруҳи 28,99%) га ошган бўлса паст кўрсаткичлар 39,21%(тажриба гуруҳи 23,44%, назорат гуруҳи 62,65%)га камайганини кўриш мумкин. Бу эса, олиб борилган тажриба синов ишларининг самараси мавжудлигини билдиради.

Шундай қилиб, тажриба-синов гуруҳида ўқитишнинг бутун босқичида талабаларда интеллектуал-ижодий қобилиятлар даражасини ошириш тенденцияси кузатилди. Назорат гуруҳи учун эса, фақат дастлабки ва якуний натижаларга нисбатан интеллектуал-ижодий қобилиятлар даражасининг якуний ўсиши аҳамиятли бўлди.

Демак, бу маълумотларга кўра шакллантирувчи тажриба-синов босқичида тадқиқот вазифалари тўлиқ бажарилганлигини кўриш мумкин. Жумладан:

- педагогик фанларни ўрганиш жараёнида талабаларда интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилди ва муваффақиятли синовдан ўтказилди;

- тажриба-синов ишларини олиб бориш жараёнида талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини шакллантириш даражасининг ўзгариш динамикаси ўрганилди.

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ўқув даври давомида ривожлантиришда қўйилган назарий асослар «Педагогика» фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг

интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш методикасида ўз аксини топган.

Диссертацион тадқиқот ишимизнинг мақсадини педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш деб белгилаганмиз. Биз ушбу мақсадга эришишимиз учун моделда кўрсатилган вазифаларни ҳал этишга ҳам ҳаракат қилдик.

Тажриба-синов ишлари жараёнида бўлажак ўқитувчининг касбий фаолиятида ижодкорликнинг ўрни ва ролини асослашда қуйидагилар ҳал қилувчи ўринни эгаллаши аниқланди, булар:

- педагогик ижоднинг моҳияти, хусусиятлари ва даражаларини тушунтириш;

- педагогика санъати ҳақида ҳикоялар, машҳур ўқитувчиларнинг таржимаи ҳоли, энг яхши ечимларни кашф этиш учун тайёр ҳолда бўлиш;

- режани самарали амалга ошириши ва ўз педагогик фаолиятини кашф этиши;

- замонавий ижтимоий хусусиятлар орасида танлаши ва юксак интеллектуал-ижодий салоҳиятга эга шахсларни тарбиялаши;

- ўқитувчининг интеллектуал-ижодий ўз-ўзини рўёбга чиқариш имкониятларини очиб бериши (меъёрий вазифадан ташқарига чиқиш; касбий янгиликларни жорий этиш; касбий фаолиятда ўз ниятлари ва турмуш тарзини амалга ошириш).

Тажриба-синов ишларини ташкил қилишда мақсаддан келиб чиққан ҳолда талабаларнинг билим даражасини, уларнинг келажакдаги фаолиятини эътиборга олган ҳолда аниқлаш вазифаси қўйилган эди.

Биз тажриба-синов ишларини олиб борган тажриба ва назорат гуруҳларида таълим-тарбия жараёнининг фарқи шундан иборатки, назорат гуруҳларида машғулотлар анъанавий методлар ёрдамида олиб борилди, тажриба гуруҳида эса биз томонимиздан таклиф қилинган методика – замонавий ўқитиш методлари асосида «Педагогик маҳорат» фани бўйича

ишлаб чиқилган электрон ўқув қўлланма воситасида топшириқлар такомиллаштирилди.

Тажриба-синов ишлари, асосан, педагогика олий таълим муассасаларининг Бошланғич таълим факультети, «Бошланғич таълим» йўналиши олиб борилди. Бунда таълим-тарбия фаол таълим олишнинг элементларидан фойдаланиш имкониятлари аниқланиб, уларнинг сифат жиҳатидан ривожланиши ва самарадорлиги илмий-назарий асосланиб, амалий жиҳатдан ижобий исботланди. Бунинг учун дастлаб, таълим олувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларига мос равишда муаммоли вазиятларда замонавий, инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув материалининг аҳамиятлилигини янада кучайтириш, мустақил ишлашга онгли муносабатда бўлиш ҳамда эркин ва интеллектуал-ижодий фикрлашга ундовчи ташкилий-педагогик шарт-шароитлар яратилди.

## 3.2-§. Педагогик тажриба-синов ишларининг натижалари

Педагогик тажриба-синов иши 2018-2021 ўқув йилларида Жиззах давлат педагогика институти, Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институти Бошланғич таълим факультети «Бошланғич таълим» бакалавриат таълим йўналишларида олиб борилди. Тадқиқот натижалари асосида таклиф этилаётган ечим «Бошланғич таълим» йўналишидаги татбиқи, унинг самарадорлиги ҳақидаги ижобий хулосаларни тасдиқлади.

Тажриба-синов ишида мамлакатимизнинг учта ҳудудидаги учта олий таълим муассасаларидан жами 1026 нафар талабалар иштирок этдилар. Тажриба-синов ишлари давомида олдимизга қўйилган вазифаларнинг қуйидаги талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятларини шакллантириш, уни ривожлантириш шакллари, педагогик шарт-шароитлари, мезон ва даражалари, ушбу йўналишдаги илмий изланишлар олиб бориш каби ечимлари ҳал қилинди.

Шу маънода тажриба-синов ишлари: а) ташкилий-тайёргарлик

босқичи; б) тажриба-синов ишларини бевосита ташкил этиш босқичи; в) якуний босқичларда амалга оширилди.

Ҳар бир босқични ўтказиш даврида қуйидаги метод ва фаолият турларидан фойдаланилди: мураккаб диагностика воситалари (дидактик тест, диагностик сўровномалар, анкеталар ўз-ўзини баҳолаш варақалари, суҳбат (интервью)лар, ўзлаштириш натижаларини таҳлил этиш) ҳамда талабаларнинг ишларини кузатиш методларидан фойдаланилди.

Тажриба-синов ишларининг натижалари педагогик тадқиқотларда татбиқ этиладиган математик-статистика методлари ёрдамида қайта ишланди.

Биринчи назарий босқич (2018-2019 йиллар) – бу босқичда муаммонинг ҳолати педагогик жиҳатдан ўрганилди; тадқиқотнинг объекти, мавзуси, илмий аппарати аниқланди; тадқиқот муаммоси бўйича фалсафий, психологик-педагогик адабиётлар қиёсий таҳлил қилинди; тадқиқотнинг методологик ва назарий асосларини аниқлаштирилди; талабаларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантириш модели ишлаб чиқилди; педагогик шарт-шароитлар аниқланди, тажриба-синов дастури тузилди ва уни ўтказиш жойи ва вақти белгиланди.

Иккинчи экспериментал босқич (2019-2020 йиллар) - тажриба-синов ишининг ушбу босқичи учун ҳам мақсад ва вазифалари белгилаб олинди; жараённинг асоси аниқланди; тажриба ишлари аниқ босқичларда олиб борилди; баҳолаш мезонлари аниқланди ва бунга доир тегишли диагностик усуллар танланди; даражалари аниқланди; тажриба ва назорат гуруҳлари танлаб олинди, уларнинг дастлабки ривожланиш даражалари таҳлил қилинди; интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантириш усуллари ишлаб чиқилди ва муваффақиятли синовдан ўтказилди.

Учинчи якуний босқич (2020-2021 йиллар) - тажриба-синов иши жараёнида олинган натижаларни таҳлил қилиш ва статистик қайта ишланди; тадқиқот муаммоси доирасида назарий ва амалий хулосалар, тавсиялар

шакллантирилди; тадқиқот натижалари математик-статистик таҳлил қилинди, тадқиқот натижалари умумлаштирилди ва расмийлаштирилди.

Тажриба-синов иши жараёнида тадқиқотнинг олдига қўйилган мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- педагогика олий таълим муассасалари талабаларида интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг педагогик-психологик имкониятларини ташкил қилиш, муаммонинг мавжуд ҳолатини назарий ўрганиш;

- тадқиқот муаммосининг мазмуни ва уни шакллантириш методикасини такомиллаштиришнинг ташкилий-педагогик моделини такомиллаштириш;

- тадқиқот муаммосининг механизмларини белгиловчи илмий материаллар, таълим дастурлари, замонавий ва инновацион технологиялар орқали такомиллаштириш.

Тажриба-синов ишида қуйидаги кетма-кетлик асосида амалга оширилди:

1. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг ўқув фаолиятидаги интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг намунавий тизими қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлди: мақсад; назарий-услубий жиҳатлар; жараён; самарали ривожланиш асосида бўлажак ўқитувчининг касбий тайёргарлиги сифатини ошириш кабилар.

2. Педагогика олий таълим муассасалари бўлажак ўқитувчиларининг интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш даражасини баҳолашнинг асосий мезонлари сифатида муаммони топишдаги, уни тушунишдаги, муаммони ечиш учун ижодий ғоя ҳосил қилишдаги ва мазкур ғояларни текширишдаги муваффақиятларни белгилаш мумкин.

3. Педагогик шарт-шароитлар мажмуи: мотивацион, конструктив ташкилий.

Тадқиқот ишларини олиб бориш ва уларни баҳолаш, ишлаб чиқилган методикамиз асосида жорий этиладиган замонавий таълим-тарбия методлари

ҳамда электрон таълим ресурсларининг самарадорлигини аниқлашни эътиборга олган ҳолда, педагогика олий таълим муассасаси кесимида тажриба-синов ишларида қатнашаётган талабалар назорат ва тажриба гуруҳларига ажратиб олини. Мазкур гуруҳларда режа асосида мунтазам равишда тажриба-синов ишлари амалга оширилди. Ҳар бир босқичда иштирок этган талабалар сони, олий таълим муассасалари кесими олдинги параграфларда келтирилган (3.6 ва 3.7-жадвалларга қаранг).

Амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижалари олинган маълумотлар асосида статистик таҳлил ишларини Хи-квадрат ($\chi^2$) мезони асосида олиб борилди. Педагогик тадқиқотларда гипотеза сифатида назорат гуруҳида олиб борилган анъанавий методика асосида олинган илмий натижалар, тажриба гуруҳида фойдаланилган махсус методика асосида олинган натижалар билан таққосланиб, тажриба гуруҳларидаги натижаларнинг самарали эканлиги кўрсатилди.

Бунда $H_0$ гипотеза сифатида ҳар икки гуруҳда баҳолаш турлари бўйича кутилаётган эҳтимоллар тенг (p11=p21, p12=p22, … p1c=p2c) деб, альтернатив $H_1$ гипотеза сифатида (p11≠p21, p12≠p22, … p1c≠p2c) олинди. Ушбу статистик гипотезани текшириш учун $\chi^2$ мезонидан фойдаланилди. Яъни,

$$\chi^2_{кузатув} = \frac{1}{n_1 n_2} \sum_{i=1}^{C} \frac{(n_1 O_{2i} - n_2 O_{1i})^2}{O_{1i} + O_{2i}} \quad (3.2.1.)$$

формуласидан фойдаланамиз. Бу ерда $\chi^2$ статистик қиймат, $n_1$ ва $n_2$ тажриба натижаларида иштирок этган гуруҳлардаги талабалар сони бўлиб, $n_1$ - тажриба гуруҳи талабалар сони, $n_2$ - назорат гуруҳи талабалар сони, $O_{1i}$ ва $O_{2i}$ лар мос равишда тажриба ва назорат гуруҳида баҳолаш турларига нисбатан олинган баҳолар сони.

$\chi\ 2_{кузатув}$ қиймати $\chi^2$ кр билан таққосланади. Агар $\chi_{кузатув} > \chi^2_{кр}$ бўлса , $H_0$ гипотеза рад этилиб, $H_1$ гипотеза қабул килинади.

Бу ердаги $\chi^2$ кр – нормаллашган четланиш ишонч эҳтимоли *p* асосида

аниқланади. Озодлик даражаси эса ν = C – 1 формуласи орқали топилади, C-баҳолаш турлари. Бизнинг татқиқотимиз баҳолаш турлари учта бўлгани учун C = 3 , α = 0,05 деб олсак, ν = 3 – 1 = 2 бўлиб, $\chi^2$ мезонининг Г жадвали асосида олинган $\chi^2_{кр}$ = 5,99 га тенг.

Шунингдек, баҳолашнинг самарадорлик кўрсаткичини аниқлаш учун ишонч оралиқ интервалларини топиш формулаларидан фойдаланамиз. Яъни, тажриба гуруҳидаги ишонч оралиқ интервали ишонч четланишлари.

$$\Delta_x = t_\gamma \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}}$$

га тенг, назорат гуруҳида эса:

$$\Delta_y = t_\gamma \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

га тенг. Бу ерда $t_\gamma$ критик қиймат ҳисобланиб, унинг критик қиймати 1.96 га тенг. $S_x$ $S_y$ лар танланма дисперция ҳисобланиб, у қуйидаги формула орқали топилади.

$$S_x = \sum_{i=1}^{n=3} \frac{n_i (x_i - x)^2}{m-1}. \quad S_y = \sum_{i=1}^{n=3} \frac{n_i (y_i - y)^2}{n-1}.$$

Топилган натижалардан тажриба гуруҳи учун ишончли интервали:

$$\overline{X} - t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \le a_x \le \overline{X} + t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}}$$

назорат гуруҳи учун ишонч интервали:

$\overline{Y} - t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \le a_y \le \overline{Y} + t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$ формулалар орқали ҳисобланади.

Ишонч оралиғи чегара қийматлари бир-бири билан устма-уст ёки кесишиши натижаларининг ишончлигини йўқотади. Шунинг учун ҳар бир гуруҳлардаги ишонч оралиғи бир-бири билан кесишмаслигини тахмин қилиш лозим.

Самарадорлик коеффицентини тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача қийматининг нисбати сифатида оламиз. $\eta = \frac{\overline{X}}{\overline{Y}}$

Бу формулалар асосида юқорида келтирилган дастлабки босқичдаги ва якуний босқичдаги олинган натижаларнинг статистик ҳисоблаш ишларини келтирамиз.

Шакллантирувчи боқичдаги 3.2-жадвал маълумотларига кўра умумийлашган натижалар асосида статистик натижалар жадвали қуйидаги кўринишни олади (3.6-жадвал).

**3.6-жадвал.**

**Шакллантирувчи боқичдаги маълумотларга кўра умумийлашган натижалар асосида статистик натижалар**

| **Олий таълим муассасалари номи** | **Тошкент давлат педагогика университети** | | **Жиззах давлат педагогика институти** | | **Қўқон давлат педагогика институти** | | **Жами:** | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Гуруҳлар** | **Тажриба гуруҳи** | **Назорат гуруҳи** | **Тажриба гуруҳи** | **Назорат гуруҳи** | **Тажриба гуруҳи** | **Назорат гуруҳи** | **Тажриба гуруҳи** | **Назорат гуруҳи** |
| **ўртача қиймат** | 3,42 | 3,43 | 3,43 | 3,44 | 3,41 | 3,40 | 3,42 | 3,42 |
| **самарадорлик** | 1,00 | | 1,00 | | 1,00 | | 1,00 | |
| $\chi^2$ | 0,04 | | 0,17 | | 0,08 | | 0,18 | |
| **критик қиймат** | 5,99 | | 6,99 | | 7,99 | | 8,99 | |
| **танланма дисперсия** | 0,39 | 0,39 | 0,40 | 0,39 | 0,40 | 0,38 | 0,40 | 0,39 |
| **стандарт хатолик** | 0,63 | 0,63 | 0,64 | 0,63 | 0,63 | 0,62 | 0,63 | 0,62 |
| **Ишонч интервали** | 3,33 | 3,34 | 3,33 | 3,34 | 3,32 | 3,31 | 3,37 | 3,37 |
| | 3,51 | 3,52 | 3,54 | 3,54 | 3,51 | 3,49 | 3,48 | 3,48 |
